


Дилфуза ТОЖИБОЕВА

XX АСРНИНГ СЎНГГИ
ЧОРАГИ ЎЗБЕК
ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК
УСЛУБ МАСАЛАСИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Дилфуза ТОЖИБОЕВА

**XX АСРНИНГ СЎНГГИ ЧОРАГИ
ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА
ПОЭТИК УСЛУБ МАСАЛАСИ**

Монография

**Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2019**

УЎК: 821.512.133-95
КБК 82.3(5Ў)

Монографияда шеъриятда поэтик услуб ва ижодий индивидуаллик, поэтик услубнинг рамзий-мажозий ва ранг билан боғлиқ тимсоллардаги ифодаси; услубнинг шаклланишига асос бўлган поэтик воситалар сифатида бадиий кўчим ва унинг турлари; поэтик синтаксис ва индивидуал услуб масалалари Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим шеърияти мисолида ёритилган.

Монография адабиётшунос олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва ўзбек шеърияти ихлосмандларига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Ҳамидулла Болтабоев,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:
Наим Каримов,
филология фанлари доктори, академик
Акбарали Сабирдинов,
филология фанлари доктори, профессор
Абдулҳамид Қурбонов,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

82.3(5Ў)

Тожибоева, Дилфуза

XX асрнинг сўнгги чораги ўзбек шеъриятида поэтик услуб масаласи / Дилфуза Тожибоева; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2019. – 160 б.

Монография Наманган давлат университети илмий-техник Кенгашининг 2019 йил 11 ноябрь куни бўлиб ўтган 11-сонли йиғилиши баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6084-6-7

© «MUMTOZ SO‘Z», 2019

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида поэтик услуб, уни шакллантирувчи воситаларни ўрганиш, уларнинг бадиий мазмун ифодалашдаги ўрнини кўрсатиш ва бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Натижада бадиий адабиётдаги мазмун ва шакл ўзгаришлари: янги услубий йўналишлар, тасвир воситалари ва усуллари ҳақида қатор илмий тадқиқотлар яратилишига имкон яратилди. Айни пайтда, муаллиф ва бадиий асар услуби, адабий муҳит ва поэтик услуб, поэтик тимсол ва ижодий индивидуаллик каби илмий муаммоларни яхлит ҳолда текшириш, ижодкор асарларини бадиият қонунияти асосида ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳамон долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида метафора назарияси, поэтика, услубшунослик муаммолари ҳақида қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Шундай бўлса-да, ижодий индивидуаллик ва бадиий асар услуби борасида чуқурроқ тадқиқ этилиши лозим бўлган масалалар ҳамон мавжуд. Шу маънода ижодкор услуби ва унинг поэтик ўзига хос муаммоларини илмий тадқиқ этиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Ўзбек адабиётшунослигида XX аср охири XXI аср бошларида юз бераётган ижтимоий-сиёсий, тарихий ўзгаришлар натижасида дунё ва инсон муносабатларини чуқурроқ идрок этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда жамиятимиз ривожланиши учун олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда ўзбек адабиёти олдига қўйилаётган вазифаларни бажаришга тўлиқ имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, бадииятни ҳар томон-

лама чуқур ўрганиш масаласига бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, адабиётшуносликда поэтик тил ва услуб, метафорик тимсол яратиш, поэтик услуб муаммолари ҳақида бир нечта илмий тадқиқотларнинг яратилганлиги аҳамиятлидир. “Миллионлаб одамларнинг эътиборида бўлган, маданият, адабиёт ва санъат деган муқаддас даргоҳга қадам қўйган ҳар бир ижодкор, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўз халқининг қалбига қулоқ солиб, унинг дардига дармон бўлишга интилади”¹, – деган фикрда ижодкорларнинг жамият, Ватан ва миллат олдидаги масъуллиги назарда тутилган. Бундай масъуллик ҳар бир истеъдод соҳибида ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Шеърятда поэтик услуб ва унинг ифодаси муаммоси жаҳон адабиётшунослигида атрофлича ўрганилган. Поэтик услуб ва унинг ифодаланиши масалалари шеърятда, асосан, рамзий-мажозий тимсоллар воситасида амалга оширилган. Бу жиҳатдан Арасту, И.В.Гёте, Д.Дидро, Г.В.Гегель, Х.О.Гассет; В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, В.Жирмунский, Л.Тимофеев, М.Б.Храпченко, Ю.Лотман, Г.Н.Поспелов, В.Е.Хализев каби олимларнинг фундаментал тадқиқотлари аҳамиятли ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослигида бадий услуб ва унинг ифодаланишини ўрганишга бағишланган А.Фитрат, И.Султон, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, У.Норматов, А.Расулов, И.Ғафуров, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, Й.Солижонов, А.Шаропов, У.Ҳамдамов, А.Сабирдинов, М.Йўлдошева, Н.Мирзаева, Д.Холдоров, Ф.Раджабова ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017, 4 август.

Поэтик услуб ва ижодий индивидуаллик, поэтик услубнинг рамзий-мажозий ва ранг билан боғлиқ поэтик тимсоллардаги ифодаси, услубнинг шаклланишига асос бўлган поэтик воситалар сифатида бадий кўчим турлари, поэтик синтаксис ва индивидуал услуб масалалари Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим шеърияти мисолида тадқиқ этилиши монографик тарзда ўрганилмаган эди.

Шу боис монографияда Хуршид Даврон ижодидаги тарихий тимсол яратишнинг ўзига хослиги, Шавкат Раҳмон шеъриятидаги фалсафий-ижтимоий услуб, Усмон Азим ижодидаги исёнкорлик, рамзий-мажозий тимсолларнинг кўчма маъно англатишда, шеърга таъсирчанлик, юксак эмоционаллик бахш этишда муҳим роль ўйнаши 70-йиллар ўзбек шеърияти мисолида аниқланди.

Шунингдек, монографияда Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим шеъриятида анъанавий рамзий рангларнинг ўзгача маънолар кашф қилиши, рамзий-мажозий тимсоллар қўлланилишда услуб ва жанр муносабати, ижодкор услуби унинг чизгилари, мазмун ва моҳият бирлиги, бадий санъатлар, поэтик фигуралар ва кўчимлар ифодасида юзага чиқиши Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон ва Усмон Азим ижодлари мисолида исботланди.

Биринчи боб. ШЕЪРИЯТДА ПОЭТИК УСЛУБ ВА ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК

1.1. Тимсолларда поэтик услуб ифодаси

Бадий услуб ижодкорнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлар, белгилар ва ифода жиҳатларидан иборат бўлиб, у муайян адабий жанрлар ва шаклларда юзага чиқади. Бадий асар мураккаб қурилма бўлгани учун ҳам бадий услуб ҳам шакл, ҳам мазмун ва уларнинг компонентлари орқали юзага чиқади. Поэтик услуб ижодкор шахсиятида, шоирнинг нарсаси ва ҳодисаларга муносабатида ҳамда асарларининг ифода тарзлари орқали намоён бўлади. Поэтик ғоянинг изчиллиги, мавзунинг долзарблиги, сюжет ва композициядаги ўзаро уйғунлик, бадий санъатлар ва тасвирий воситалардан фойдаланиш кабиларда шоир услуби ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Адабиёт тарихини кузатганда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам поэтик услуб ҳақида қимматли кузатиш ва маълумотлар мавжуд эканлигини кўрамиз. Хусусан, Арасту ҳаким “Поэтика” асарида: “Баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларнинг тасвирини – ўхшашини яратадилар. Ҳозиргина эслаб ўтилган санъатларнинг ҳаммасида ҳам алоҳида ё ритм, ё сўз ва ёхуд гармония ёрдамида ёки шуларнинг ҳаммаси уйғунлигида тасвирлайдилар”, деб ёзган². Арасту ҳаким бу ўринда ижодкорлардаги маҳорат, малака, туғма истеъдод каби ўзига хосликлар, ижодкор индивидуаллигини назарда тутди.

Араб олими Бишр ибн Муътамир: “Агар тилинг равон, қаламинг ўткир, баёнинг етук, лафзинг лутфли, иқтидоринг тугал, фаҳм-фаросатинг нозик бўлса, хослар учун

² Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 20.

ёзганинг оммага ҳам тушунарли бўлса ва омма учун ёзганинг хослар учун ғализ, қўпол кўринмаса, бунинг учун сўз ва ибораларда мўътадил, ўрта йўлни топа олсанг, том маънода истеъдод соҳибидирсан”,³ – дейди. Аллома таъкидлаганидек, тилнинг равонлиги, қаламнинг ўткирлиги, матннинг мулоҳазалилиги, сўзларнинг гўзаллиги, иқтидорлилик, ўткир дидлилик, халқчиллик, “хослар” – соҳанинг махсус кишилари учун ҳам, омма учун ҳам тушунарли ёзиш, яъни шоирнинг юқоридаги қонун-қоидаларга амал қилиши ва “ўрта йўлни топа ол”иши, ўртача бўлса ҳам ўз услубининг бўлишини уқтиради.

“Ҳақиқий услуб доим ички, – деб ёзади О.Бургардт, – лекин шу ерда биз фарқлашимиз лозим: 1) идрок этиш услуби ва 2) ифода қилиш услуби. Идрок этиш услуби мазкур материални муаллифнинг қандай топиб олиши, қайта ишлаши ва бойитишида, ифода қилиш услуби муаллифнинг ўз ички дунёсини образлар ва шакллар либосига қандай ўрай олишида намоён бўлади”.⁴ Олим назарда тутган идрок этиш услуби ҳам, ифода этиш услуби ҳам аслида ижодкорнинг ички ҳис-туйғулари билан боғлиқ тушунчалар бўлиб, ижодкор ҳаёт ҳақиқатини идрок этганда ҳам, уни бадий шакл ва тимсоллар орқали ифода этганда ҳам доимо ўз қалбига қулоқ тутди, қалби буюрганини ёзади.

Шунинг учун ҳам поэтик услуб кенг маънода шеърий услуб ёки ижодкор услуби тушунчасини англатиши, шоирнинг ўз “лирик мен”ини кашф қила олиши, поэтик тимсол яратиши, бадий тасвир воситаларини қўллашдаги маҳо-

³ Бишр ибн Муътамир. Синоъату-л-иншоъ / Шарқ мумтоз поэтикаси. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 327.

⁴ Бургардт О. Новые горизонты в области исследования поэтического стиля. - Киев: Изд-во Самоненко, 1915. – С.9.

рати, мавзу ва ғоя изчиллигини ярата олиши каби маъноларни англатади.

XX аср бошларига келиб бадий ижодга муносабатда, хусусан, услуб назариясига нисбатан янгича қарашлар вужудга келди. Айниқса, Абдурахмон Саъдийнинг “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари”, Абдурауф Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” қўлланмаларидаги фикрлари эътиборга молик. Хусусан, Абдурахмон Саъдий услуб ҳақида шундай фикрларни баён этади: “Бир тилда сўзлашувчи шоир ва муҳаррирларнинг сўз хазиналари ҳаммаси учун бир турли ва ўртоқ бир хазина бўлса-да, яъни ҳаммаси ўртоқ бир тилдан сармоя олсалар-да, шул ўртоқ хазинадан сўз сайлашлари, жумла яшашлари, фикр ва ҳисларини тартиблантиришлари бир турли йўл билан бора олмайдир. Бу тўғрида турли муҳаррир турли йўл тутадир. Мана шу равишча бу тўғрида туғилган йўл ва муҳаррирнинг сайлаган англатиш равиши “услуб” деб аталади. Шул ҳолда услубни маълум бир тартибда ишлаган, белгили бир йўл олган англатиш равиши деб таъриф қилсак, дуруст англаган бўлармиз. Услуб икки турлидир: 1) англатиш равиши; 2) сўз услуби”⁵. Адабиётшунос олим Ҳамидулла Болтабоев “Наср ва услуб” монографиясида юқоридаги фикрга муносабат билдириб шундай ёзади: “Англашимизча, муаллиф бу ўринда идрок этиш ва ифода этиш услубларини ўзаро фарқлаган ҳолда иш юритади. Бизнингча, адабий жараёнда услуб истилоҳи қуйидаги маъноларда қўлланилади: 1) бадий асар услуби: “Зарбулмасал услуби”, “Ўткан кунлар” романи услуби; 2) адиб услуби: Навоий услуби, Бобур услуби; 3) бадий оқим услуби: романтик услуб, реалистик услуб; 4) давр услуби: Навоий даври услуби, 20-йиллар

⁵ Саъдий А. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари / Шарқ мумтоз поэтикаси. – Б. 348.

услуби.”⁶ Демак, XX аср бошларидаги қўлланмада А.Саъдий услубнинг икки турини фарқласа, аср сўнгида бошқа адабиётшунос олим унинг тўрт турини асослаб кўрсатади. Бироқ бу тўртала турнинг ҳаммаси ҳам ифода услубига тегишли.

Абдурауф Фитрат “Адабиёт қоидалари” асарида: “Юқорида сўйладик: бутун ўзбек ёзғучиларининг ифодалари ўзбекча бўлгани ҳолда ҳар бирининг ўзига махсус бир услуби бордир. Бироқ услубдаги бу ҳол тубан, кучсиз адиб - ёзғучининг асарларида ўзини очиқ кўрсата олмайдир. Кучсиз ёзғучиларнинг асарлари бир-бирига ўхшаб қоладир. Улар оддий услубда, умумий тил услубида ёзадир. Шоир-ёзғучи санъаткорликда кўтарила борган сайи(н) ўзига махсус бир услуб ярата бошлайдир. Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлғач, ўзига яраша бир услуб борлиққа чиққан бўладир.”⁷ Демак, Фитрат таъкидлаганидек, шоир ёки ёзувчининг маҳорати ўсган сайин у ўз услубини яратади, агар ижодкор ўз устида ишламаса, ўз йўлини, ўзига хос услубини топа олмайди, ўртамиёна ижодкор бўлиб қолаверади.

Юқорида кўрилгани каби XX аср ўзбек адабиётшунослигида ижодкор услубига доир турлича қарашлар билдирилган. Масалан, “Услуб – шоирнинг дунёни кўриши, тасвирлаши ва инсонларни англашдаги эскирмас янгилиги. Яъни: бадийлик – бетакрор услуб,”⁸ – дея таъкидлайди адабиётшунос олим А.Расулов. Бадий услубга “Адабиётшунослик луғати” муаллифлари ижодий индивидуаллик масаласидан келиб чиқиб ёндашадилар: “Услуб антропологик,

⁶ Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ. Болтабоев талқинида. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.322.

⁷ Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ва ҳаваслилари учун қўлланма / Фитрат. Танланган асарлар. 4-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.44-45.

⁸ Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. – Б. 118.

яъни ижодкор шахси билан боғлиқ категория саналиб, унинг ижодий индивидуаллигини белгилайди”⁹.

Гарчи юқорида келтирилган фикрлар турлича йўналишда бўлса-да, уларнинг деярли барчаси услуб – ижодкор ўзига хослиги деган фикрни ёқлайдилар. Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, шеъриятини Чўлпон, Ғафур Ғулوم, Ойбек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир, Асқад Мухтор каби ижодкорларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар яратган бетакрор асарлар ва ижод мактаблари бугунги ёш авлод учун услубий бетакрорлик нуқтаи назаридан ҳам ҳамиша намуна ва асос бўлиб келмоқда.

XX асрнинг 60-70-йилларига келиб Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева каби иқтидорли ижодкорлар устозлар анъаналарини давом эттириш билан бирга ўз поэтик услубларини намоён қилдилар. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида эса янги номлар, янги истеъдодлар пайдо бўлди. Уларнинг ижодий қиёфаларини чуқур ўрганган олим О.Шарафиддинов шундай фикр билдирган: “Бугунги адабиётимизда тобора сезиларли роль ўйнаётган ижодкор ёшларни шартли равишда “70-йиллар авлоди” деб аташ мумкин. Маълумки, биз “адабий авлод” деганда, биринчи навбатда, адабиёт ривожига янги саҳифа очишга қодир бўлган, ўзидан аввалги авлодларга нисбатан янги гап айта оладиган, ўз қиёфасига эга бўлган ижодкорлар гуруҳини тушунамиз. Шу маънода 70-йиллар авлоди қандай авлод? Уларнинг ижодий қиёфаси қанақа? Шоирнинг ўрнини, шеъриятнинг моҳиятини, сўзнинг қадрини қандай тушундилар? Улар қайси ижодий принципларни муқаддас би-

⁹ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 339.

лишди? Бу авлод шеъриятимизнинг мисқоллаб тўплаган тажрибасидан нималарни олмоқда-ю, уни нималар билан бойитмоқда? Беором, серташвиш, сертахлика XX аср ҳаётининг қай жиҳатлари уларни кўпроқ қизиқтиради? Уларнинг асарларида инсон қандай ўрин тутди ва қандай талқин қилинади? Бу авлоднинг ҳаётни мустақил кўришга имкон берадиган ўз кўзи ва китобхонни ларзага соладиган ўз сўзи борми?”¹⁰. Ушбу фикр орқали проф. О.Шарафиддинов ўтган асрнинг 70-йилларида адабиётга кириб келган авлод ҳақида сўз юритаркан, шубҳасиз, улар сафида Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон ва Усмон Азим асосий ўрин эгаллайди. Айни давр ижодкорлари ҳақида академик Бахтиёр Назаров шундай деб ёзади: “Адабиётимиз тараққиётининг ҳеч қайси бир босқичида адабий жараёнга 60–70-йиллардагидек ёш ижодкорларнинг ранг-баранг, бой ва бақувват тўлқини кириб келган эмас. Бу тўлқин вакиллари рубоий ва сонетдан тортиб лирик поэмаларгача, салмоқли драматик дostonлардан тортиб шеърӣ романларгача, хуллас, поэзиянинг барча шаклларида баракали ижод қилмоқдалар”¹¹. Айни фикрга уйғун равишда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов 70-йиллар авлоди ҳақида аниқ бир таъриф берган: “Шеърӣиятимизга янги авлод кириб келди. Оҳиста, ийманиб, улуғлар қошида чўчинқираб эмас, шахдам, дадил, бамисоли тўйхонага келган ўспирин куёвнавкарлардек олатасир ва сурон билан кириб келди”¹².

Келтирилган барча мулоҳазалар XX аср ўзбек шеърӣиятида “70-йиллар авлоди” номи адабиёт тарихига кирган поэтик авлод борлигини тасдиқлайди. Уларнинг ҳар бири ўз сўзи ва ўз овози билан “куйлаш”га ҳаракат қилгани ҳол-

¹⁰ Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.5.

¹¹ Назаров Б. Ҳаётӣйлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б.127.

¹² Воҳидов Э. Шоиру шеърӯ шуур. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.117.

да ушбу авлод вакиллари орасида Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон ва Усмон Азим каби шоирларнинг фикри ўткир, сўзи равон бўлганини давр адабиётини кузатган ҳар бир адабиётшунос яхши англайди.

XX аср ўзбек адабиёти қанчалик қонли талотумлар даврини босиб ўтганини ҳам мана шу авлод вакиллари очиқ айта олди. Ўтмишнинг бу “қора” кунлари ўзбек адабиётига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Машъум қатағоннинг очиқ ўйини тугагани билан ёпиқ ўйин мамлакат бўйлаб давом этаётган бўлса-да, мустабид тузумнинг шамоли ўлка бўйлаб эсаверди. Шунинг учун ҳам баъзан 70-80-йиллар шеърияти вакиллари ижодида фикрни очиқ айтишдан кўра, “қоғозга ўраб” ёки метафора орқали айтиш кучли эканлигини кузатиш мумкин. Шавкат Раҳмоннинг “Тунги манзара” номли шеърида тунги манзаранинг суврати эмас, балки мустабид тузум давридаги жимжитлик – фикрни очиқ айта олмаслик, инсонлар юрагидаги изтироб, ингроқ ифодасини кузатиш мумкин. Ғамгин қўшиқ айтаётган “кимдир” эса қалби ғам-андухга тўла миллат тимсолидир:

*Ўрмонлар жим, йиғламас шамол,
сой сайрамас, бақалар жимдир,
ингроқларга тўлиб кетган тун –
ғамгин қўшиқ айтади кимдир*¹³.

Айни шеърда шоир юрт озодлиги, эркинлигини истар экан, *ўрмон, шамол, сой, от, қилич, ой* деталлари ёрдамида узоқ тарих ва 70-йиллардаги халқнинг тутқун ҳолатини ифодалайди:

¹³ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.61.

Отим ўлган, қиличим синган,
Мажақланган совут, қалқоним,
ким ташлади мени бу чоҳга,
қайда қолди ёруғ осмоним!¹⁴

Шеър ҳамма нарсасидан айрилган, яъни оти ўлган, қиличи синган, қалқон ва совути мажақланиб ташланган, ўзи чоҳга ташланган жангчи тилидан ифодаланади. Жангчи – бу курашаётган ўзбек миллати. Шоир жангчи поэтик тимсоли орқали ўз она юртида яшаб туриб ҳақ-ҳуқуқларидан айрилган, эрксиз, қулфсиз кишанланган ўзбек миллатининг қиёфасини чизиб беради. Кейинги мисраларда *чуқур зиндон* ва *туйнукчадан* тушиб турган хира нур ҳақида гап кетади. Шоир қўллаган тимсолларга эътибор қаратадиган бўлсак, *туйнук* сўзининг ўзи кичик дарча маъносини ифодаласа, *туйнукча* янада кичикроқ бўлиб, ундан хира бўлса ҳам ойнанинг нури, ёруғлик тушиб турган ҳолати чизилади. Демак, ёруғлик йўқ бўлиб кетмаган, унинг мавжудлигига умид бор. Ўша туйнукчадан тушаётган нурга интилиб яшаш мумкин.

Хуршид Даврон “Кечир, асрим” деб номланган шеърда даврга, асрга мурожаат қилади. Бу асрда кимки ёруғлик сари интилса, “зулмат аро қол”иб кетаверди. Жамиятга ва “ҳеч кимга керак бўлмаган меҳрдан кўр қаҳрнинг туғилиши” эса инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг ўз кўринишини йўқотиб бораётгани, “меҳр” тушунчасининг ўрнига “қаҳр”нинг дунёга келаётганлиги шоир қалбини вайрон қилади:

Қаттол аср,
Кимки “нур” деса

¹⁴ Ўша асар. - Б.61.

Зулмат аро қолди, бўғилди
Ва ҳеч кимга керак бўлмаган
Меҳрдан кўр қаҳр туғилди¹⁵.

Юқоридаги шеър таҳлилида кузатганимиз каби ушбу парчада ҳам ижодкор услуби, биринчи навбатда, у яратган поэтик тимсолларда яққол кўзга ташланаётганининг гувоҳи бўламиз.

Маълумки, бадий тимсол орқали санъат ва адабиётда инсон тасвирланади. Ёки, бошқача қилиб айтганда, бадий шаклда акс эттирилган манзара ва характерлар санъат ва адабиётда поэтик тимсол воситасида гавдалантирилади. Тимсол тушунчаси ўз характери, мазмунига кўра мураккаб ва кенг қамровлидир. Бугунги адабиётшуносликда “бадий образ”, “лирик образ”, “поэтик образ”, “поэтик тимсол” каби атамалар деярли бир маънода қўлланилмоқда. Шунингдек, ҳозирги ўзбек шеъриятидаги поэтик тимсол турлари: лирик характер, тарихий характер, табиат образи, рамзий-мажозий (метафорик, аллегорик) тимсол тушунчалари ҳақида сўз юритилганда ҳам, асосан, поэтик тимсол моҳиятидан келиб чиқиб назарий хулосалар қилинмоқда. Бундай назарий қарашлар асосида А.А.Потебня назарда тутган бадий ижоднинг уч омили: *ташқи шакл, ички шакл ва мазмун* ҳамда уларнинг поэтик ифодаси бўлган *сўз, образ – тимсол, ғоя – ният* ётади.¹⁶ Г.Н.Поспелов назарий поэтика объектини белгилар экан, асарнинг таркибий жиҳатлари сифатида образ, сюжет ва эпитет (ва умуман, тасвир воситалари)нинг шунчаки мавжудлигини эмас, балки уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бу алоқадорликнинг асар структурасида акс этишини, яъни услубни вужудга келтиришдаги

¹⁵ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.39.

¹⁶ Потебня А.А. Эстетика и поэтика – Москва: Наука, 1976. – С. 175-176.

иштирокини ўрганишни тавсия этган¹⁷. Шунинг учун ҳам биз поэтик услуб ҳақида сўз юритишдан аввал унинг намоён бўлиш шакли – тимсол эканини таъкидлаймиз ва услубнинг ўзига хослигини кўрсатувчи омил сифатида *поэтик тимсол* тушунчасига юзланамиз.

Поэтик тимсол – бу ижодкор томонидан акслантирилган воқеа-ҳодисалар, инсоний хусусиятларнинг асардаги кўриниши ва ифодасидир. Поэтик тимсол орқали биз табиат ва жамиятдаги мавҳум тушунчаларни жонли тасаввур қила оламиз. Ижодкор бадий адабиётнинг тасвир объекти бўлган инсон ҳаётини умумлаштириб тасвирлайди ва ўзининг бадий-эстетик идеаллари, ҳаёллари, ўй-кечинмалари ва тафаккуридаги шуурни поэтик тимсоллар ёрдамида юзага чиқаради. Бадий асарда борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни жонлантириш, ўхшатиш, қиёслаш ва улардаги инсонга хос хусусиятларнинг намоён бўлишида ҳам поэтик тимсол муҳим роль ўйнайди.

Шоир Хуршид Даврон “Шеър нима?” деган саволга шундай шеърый жавоб беради:

Қафасдаги ғамгин қушни
Озод этмоқ – шеър битмоқ.
Болаликда кўрган тушни
Эсламоқ ҳам – шеър битмоқ.¹⁸

Шоир *қафасдаги ғамгин қуш* тимсолида эркисизлик муаммосини ифодалашга ҳаракат қилади. Озодлик эса инсониятнинг азалий орзуси. Инсон доимо ҳурликка инти-

¹⁷ Поспелов Г.Н. Вопросы методологии и поэтики. – Москва: Изд-во МГУ, 1983. – С. 42-43.

¹⁸ Хуршид Даврон. Тўмариснинг кўзлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1984. – Б.16.

либ яшайди. Бу йўлда эса курашлар ва машаққатлар бўлиши табиий. “Озод этмоқ – шеър битмоқ”, деганида шоир курашларни назарда тутмоқда. “Шеър битмоқ – курашмоқ”. Курашганда ҳам маънавий йўл билан кураш олиб бормоқдир, дейди шоир. Шеърдаги шоир таъкидлаган *болаликда кўрган тушни эсламоқ* эса инсон хотирасининг мустаҳкамлигига ишора бўлиб, ҳар қандай киши ўз ўтмиши, отабоболари қолдирган маънавий меросни ҳеч қачон ёддан чиқармаслиги назарда тутилади. Хуршид Даврон шеърдаги поэтик тимсолни *сиртлон* ва *шер* қиёфасидаги курашга отланган, тишларини душманига санчишга тайёр курашчига ўхшатади:

Ғазабингни яширолмай,
Мисли сиртлон, мисли шер,
Тишларингни ёвга санчмоқ –
Бу энг қутлуғ, улуғ шеър.¹⁹

Ёвга қарши курашишнинг турли йўллари мавжуд. Сўз орқали кураш олиб бориш ҳам бир йўл. Шеъриятнинг зоҳирий ифодаси эса сўз. Сўзнинг кучи, қудрати ҳар нарсага қодир. Сўз орқали ёвга қарши туриш кураш шакллари орасида *энг қутлуғ, улуғ шеър* эканлини шоир таъкидлайди. Н.Афоқованинг бу шеър хусусидаги фикри шеърга муносабатимизни хулосалайди: “Ҳаёт – катта уммон, бадий адабиёт учун тугамас материал манбаидир. Устига-устак, тасвир объекти асосан қалбнинг нозик кечинмалари бўлган шеърят учун дунёда гўзал нарса-ҳодисалар, эҳтиросли ҳолатлар оз эмас. Аммо нега муаллиф қафасдаги қуш, инсонни сиртлону шерга айлантирадиган ғазаб, ёвга тиш санчмоқ, қамоқдаги маҳбусдан сўз очади? Табиийки,

¹⁹ Ўша манба.

бундай образларни замон майдонга чиқарди, умрининг сўнгги йилларини яшаётган мустабид жамият (шеър 1979 йилда ёзилган) шеърни ҳам кураш қуролларидан бирига айлантирди.”²⁰

Хуршид Давроннинг “Шеърят – бу қийин иш эмас” деб бошланувчи шеърида юқоридаги фикрнинг давомийлигини кузатиш мумкин:

Шеърят – бу қийин иш эмас,
Ёзсанг агар юракни асраб.
Бироқ шеърнинг бир сатрини деб,
Қон тупурган тунлари Машраб.²¹

Хуршид Даврон шеърятни “қийин иш эмас”лигини, бироқ бу йўлда ҳар бир сатр учун Машрабнинг қон ютганлигини таъкидлаган бўлса, шоир Муҳаммад Юсуф ҳам бу йўлнинг “заҳматлари”, “ухламай қон ютган кунлари” борлигини ва бу қисматдан нолишлик эмас, аксинча, унга миннатдорчилик ҳиссини изҳор этган эди:

Сен борсанки, заҳматларим бор,
Бу дунёда орттирган зарим –
Ухламай қон ютган кунларим
Учун сенга раҳматларим бор.²²

Шоирлик заҳмати хусусида икки шоир икки йўлдан борган бўлса-да, аслида ҳар иккиси ҳам ҳақиқий шоирлик ҳамма қатори яшашдан, бориға шукр қилиб, бошга тушганини кўз кўрар деб мавжудликка кўнишдан чекиниш, де-

²⁰ Афоқова Н., Акрамова С. Хуршид Даврон шеъриятида ижодкор шахснинг ижтимоий позицияси муаммоси. <http://kh-davron.uz>.

²¹ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.18.

²² Муҳаммад Юсуф. Сайланма. –Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.30.

ган хулосага келади. Бу дегани ҳаётдан, жамиятдан узилиб, тарки дунё қилиш эмас, балки инсонлар орасида яшаб, уларнинг қалбига йўл очадиган, миллатнинг ўтмиши, бу-гуни ва келажаги ҳақида қайғурадиган, ғамига ҳамдард, бахтига шерик бўла оладиган шарафли ва улкан иш, эзгу-лик сари етаклайдиган машаққатли, хатарли ва масъу-лиятли йўлдир. Бу йўлдаги курашчи фақат олдинга қараб интилмоғи, курашмоғи, эрки учун кези келганида қасос олишга тайёр турмоғи лозим:

Шеърят – бу қийин иш эмас,
Етар топсанг қофия “ёз”, “соз.”
Шеърда баъзан ҳаводек зарур
“Эрк” сўзига қофия “қасос”.²³

Дарҳақиқат, шоир айтганидек, “ёз” сўзига “соз” сўзини қофиядош қилиб ҳам шеър ёзиш мумкин. Бироқ ҳар доим ҳам қофияли сўздан шеър пайдо бўлавермайди. Иккинчи-дан, бу сўзлар замиридаги маъно фақат тасдиқдан, яъни “соз” (яхши) нарсаларнигина ёзиш эмас, балки керак бўлса, “эрк” учун “қасос” олмоқ йўлини шоир танлайди, деган поэ-тик умумлашмани беради.

XX аср бошларида Чўлпон эркка ташналик, эрк учун кураш мотивларини ўнлаб шеърларида баланд пардаларда куйлаган эди. Шоирнинг “Мен ва бошқалар” шеърида бу фикр яққол гавдаланади:

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,
Ўйнаган бошқалар, инграган менман.

²³ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.18.

Эрк эртакларин эшитган бошқа,
Қуллик қўшиғини тинглаган менман²⁴.

Гарчи бу мисралар ўзбек қизи номидан айтилгани билан ўша даврдаги ҳаётидаги эрксизликдан дарак берар эди. Юқоридаги Хуршид Даврон таъкидлаган “эрк” ва “қасос” “қофиядош” лигига келсак, шоир эрк куйчиси сифатида бутунлай бошқача услубда фикр айтади, мажоз орқали эрксизликнинг мавжуд ҳолатини очиб беришга уринади. Кўрамизки, икки шоир икки йўлдан бири очиқ ҳақиқатни айтиш, иккинчиси уни “мажоз тариқига йўғриб” ифодалаш йўлидан борган бўлса-да, шеърдан мурод – ҳақиқат манзили бир: шоир эрксизликни кўриб туриб лоқайд яшай олмаслиги лозим, деган фикр ўз ифодасини топган. Бу икки хил тасвирий усули ҳар икки шоир яшаётган давр билан боғлиқ. Улардан бирида шўролар қиличи секин-аста халққа яқинлашиб келаётган пайтда шоир дилгирлик билан у қиличнинг дамидан халқини сақлаш учун, эрк учун курашга чорласа, иккинчиси бу қилич ўз ишини қилган, унинг қаҳридан кўрқиб мутелашиб қолган халқ қаддини кўтаришга қаратилгандир. Гарчи мақсад – фикр бир-бирига яқин бўлса-да, унга эришиш йўли шоир услубининг ўзгачалигида кўринади..

Шеърда шоирнинг ҳис-туйғулари, нияти, мақсади ва асл қиёфаси кўриниб турар экан, Хуршид Даврон сатрларидаги жўшқинлик, самимийлик, исёнкорлик каби туйғулар унинг поэтик “мен”ида гавдаланади:

Сен кўрқувни қанчалик яшир,
Шеър қилади барибир ошкор.

²⁴ Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.75.

Қўрқоқ бўлсанг, қўрқоқ бўлар шеър,
Мардман, деб жар солмоғинг бекор.²⁵

Шеър – шоирнинг ижтимоий виждони”,²⁶ – деган эди Асқад Мухтор. Шоирнинг кимлиги, китобхонга айтмоқчи бўлган фикри унинг ёзган шеърида аниқ кўринади. Шоирнинг жамиятга, инсонларга бўлган муносабати қалбида кечаётган туғёнлар орқали ифодаланади. Дарҳақиқат, Хуршид Даврон таъкидлаган юқоридаги фикр шоирлигининг нақадар масъулиятли вазифа эканлигини исботлайди. Шеърият йўли – курашга отланиш, ўз жонини гаровга қўйиш, бутун вужудини ҳиссиёт исканжасига ташлаш ва бу йўлда руҳ қурбонлигини келтиришдан иборат. Бу ижод йўли ҳақида Ҳалима Худойбердиева шундай ёзганди:

Шунчаки ёзмоққа кўнглим тўлмайди,
Шунчаки ёзмоққа бормайди қўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмоқ бу – шоирга ўлим.²⁷

Ҳақиқий шоир халқининг маънавий эҳтиёжлари учун, юртининг истиқболи учун доим тайёр турмоғи шарт. Унинг учун “актёрлик” ярашмайди. Шеърият йўли саҳна эмас. Бу йўлга кирган инсон ўз ҳаётининг омонат эканлигини тан олмоғи, керак бўлса жон бермоғи зарур:

Заҳар ичиб ўлган актёрдек
Пардадан сўнг тирилмоқ бекор.

²⁵ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.18.

²⁶ Асқад Мухтор. Шеър – шоир виждони. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2011. – Б.163.

²⁷ Ҳалима Худойбердиева. Буюк қушлар. – Тошкент: O'zbekiston, 2012. – Б.15.

Шоир шеърнинг олдида тирик,
Шеър сўнггида ўлмоғи даркор.²⁸

Ҳақиқий иқтидор эгалари миллат ва Ватан олдидаги бурчларини тўғри англаб етадилар ва бутун умрини халқнинг орзу-умидлари, юрт истиқболи учун бахшида қилишга тайёр турадилар. Шоир ўзи яшаган замонда шу давр ижодкорлари билан бирга фикрлаши, даврга, жамиятга бўлган муносабати жиҳатидан бир-бирига ўхшашлик ва муштаракликлар бўлиши мумкин, бироқ дунёни идрок этиши, поэтик оламлар дунёси, индивидуал қарашлари нуқтаи назаридан замондош шоирлардан мутлақо ажралиб туради.

“Ижодкорнинг дунёқараши, ғояси, руҳий олами, эстетик идеали унинг ҳар бир образи, ҳар бир тасвирий воситасида намоён бўлади”²⁹, – дея таъкидлайди адабиётшунос С.Мамажонов. Шу маънода Хуршид Даврон яратган поэтик тимсолларда тарихий шахслар, миллат қаҳрамонлари, ноҳақ бадном этилган халқ шоирлари сиймоларининг гавдаланиши, даврга, замонга бўлган шоирнинг муносабатида ижодкорнинг дунёқараши, ўзига хослиги яққол кўзга ташланади. Масалан, “Улуғбекнинг қасоси” номли шеърида буюк шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек ноҳақ қатл этилган 1449 йилнинг 27 сентябрь туни ҳақида ҳикоя қилинади. Шоирнинг назарида, Улуғбекнинг ўлимини олдиндан сезган бутун борлиқ, табиат қотилларга қарши боришга интилади, аммо ўша тунги мудҳиш ўлим ҳақ эди. Бундай қонхўрлар йўлига ҳеч ким, ҳеч нарса ғов бўла олмайди:

²⁸ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.18.

²⁹ Мамажонов С. Услуб жиолари. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1972. – Б.82.

Кўзлари қон билан тўлиб
Учиб борар ўн сарбоз.
Отлар туёғида бўзлар
Эзилган ўт беовоз.
Самарқанднинг миноралари
Кўзин узмай ўн отдан
Кузатади даҳшат билан
Қора ўлим ортидан.³⁰

Улуғбекнинг қотилларини ўтлар, миноралар, юлдузлар, ой “кузатади”. Юлдуз қотилларга нафрат кўзи билан “қарайди”. Уларга қарши жангга отланади. Ойнинг эса беш асрдан буён қотиллар бошида “*қиличдек порлаб*” туришини шоир ишонарли ва таъсирли мисраларда ифодалайди:

Яширмасдан дил ларзасин,
Айни хира, тонг саҳар
Қоронғи уй деразасин
Учган юлдуз синдирар.
Беш асрким кўкда музлаб
Хоҳ қиш, хоҳ ёз, куз пайти
Қотилларнинг боши узра
Ой қиличдек порлайди.³¹

Бу ўринда поэтик тимсоллар бир бирини тўлдиради. *Қоронғу уй* тимсоли даврга, замонга ишора қилади. Лекин бу зулумат, жаҳолат беш асрким давом этмоқда, шунинг учун ҳам ойнинг қиличдек порлаши, қотиллар устидан ўқилган замон ҳукмидай тасаввур беради.

³⁰ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.108.

³¹ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Б.109.

Шоир “Мунаввар Қори ва ўлим” номли шеърда маърифатпарвар адиб Мунаввар Қорининг ўлими ҳақида ёзади. Миллатнинг ёрқин келажаги учун курашган, халқни маърифатли қилиш учун биринчи университет барпо этган бу зотнинг номи негадир эсга олинмаётгани шоир виждонини қийнайди:

Халқ кўр бўлса,
Унутар асл
Уни суйиб, куйган эрларни
Мана, ўтди
Неча бир фасл
Ерга тўкиб хазон, гулларни
Уни тилга олмади биров
Олганлар ҳам дилида ёдлар,
Пинҳон эрур
Дилларда номи, –
Пинҳон бўлган каби исёнлар.³²

Шеърда биргина улуғ инсонни эсга олинмаётгани эмас, балки жаҳолатга қарши курашиш ўрнига “пинҳон бўлган исёнлар” шоирни безовта қилаётгани ифодаланади. У миллат учун, ҳурлик учун жонини фидо этган халқнинг фарзандлари тақдири, изсиз унут бўлаётгани, натижада миллатда исён руҳи сусайиб бораётганини теран ҳис қилади, бунини бошқалар ҳам ҳис қилиши учун яна Мунаввар қори яшаган ўша мудҳиш кунларни хаёлан кўз олдига келтиради:

Кўз ўнгимда
Жимгина гоҳо

³² Юқоридаги манба, ўша жойда.

Ўтирганча ертўлада жим,
Зўрға илиб турган тўтиё –
Олов узра тутар ҳовучин³³.

“Ўлим”нинг кириб келганини кўриб ўз ёнидан жой бериши, унинг ёлғиз дўсти эса ойнаси йўқ туйнукдан маҳзун боқиб турган ой эканлиги ҳам жонли ва ишонарли тасвирланган. Уни ҳеч ким тингламаган замонда адибни мудҳиш ўлимгина уни тинглай олди, уни фақат шу ўлимгина маҳбусликдан озод эта олади:

Хурлик учун,
Хур Ватан учун
Куйдим, буни бахт деб биларман,
Эрк дегандим,
Маҳбус этдилар, –
Балки ўлсам, озод бўларман³⁴.

Хуршид Даврон поэтик услубида миллат қаҳрамонлари тимсоллари воситасида иш кўриш, уларнинг қисмати ва фожиали тақдирини эслатиш орқали миллатни ҳушёрликка, эрк учун курашга чорлаш етакчи жиҳатлардан биридир. Бу ҳолатни “Тарих китобларин кўп варақладим” шеърида ҳам кузатамиз. Шоирнинг тарихни чуқур ўрганишга ҳаракат қилганлиги, бироқ адолатсизликлар, тарихнинг пасту баландлари унинг қалбини вайрон қилаётганлиги, шунда ҳам янада бу йўлга чуқурроқ кириб боришга интилиши, гоҳида аламдан кўнгилнинг тўлиб кетса-да, ўша туғёнли туйғулар ифодаси билан китобхонни мушоҳадага чорлайди.

³³ Юқоридаги манба, ўша жойда.

³⁴ Ўша ерда.

Хуршид Даврон ўтмишга мурожаат қилар экан, кашф этган поэтик оламда ўтмишдаги хатолардан, инсон деган шарафли номнинг таҳқирланишидан қалби эзилаётган, сотқин, қўрқоқ ва диёнатсиз кимсаларга бўлган нафрат ҳиссини юрагидан чиқара олмаётган, тарихга, ўз миллатининг тақдирига, она юрт истиқболига бефарқ бўлмаган зиёли поэтик тимсол муносабати яққол кўзга ташланади. Шоир инсон деган мавжудликни, унинг мўъжизакорлик истеъдодини, ўтмишини қадрлайди, келажакка умид билан назар ташлайди.

Ғарб ва Шарқ шеъриятининг энг қўҳна даврларидан бошлаб яратилган асарларда аёлнинг оилада тутган ўрни, унинг гўзаллик ва муҳаббат тимсоли эканлиги хусусида кўплаб шеърлар айтилган. Шеърият яралибдики, шоирнинг илҳомини келтирган, ҳайратини оширган ҳам аёл ва унинг муҳаббати ҳисобланган. Хуршид Даврон ижодида ҳам аёл тимсоли ва муҳаббат мавзуси ўзгача ифода этилади. Қуйидаги шеърда ошиқ йигитнинг айрилиқ дардида азоб чекаётганини сезиб турган қизнинг йигит кўзига қараб, жилмайиб туриши, худди уни “эрмак” қилаётгандек “тоқати”ни “тоқ” қилиши ифода этилади:

“Қандай оғир сиздан айрилмоқ”!
Жилмаясиз кўзимга боқиб.
Тоқатимни қилдингиз-ку тоқ,
Эрмак учун қалбимни ёқиб.³⁵

Ошиқ йигит учун қизнинг найранглари ҳам сезилмайди. Унинг учун кеча билан кундуз, ўнг билан туш, қувонч билан қайғунинг ораси яқин. Шунинг учун тушларида ҳам

³⁵ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.75

севгилисини кўриб чиқади. Ошиқнинг кўнглида муҳаббатнинг юки мисоли севгилисининг сурати жойлашган:

Ўнгимдаги аламлар камдек,
Тушларимда ўйлардим сизни
Кўкрагимда бамисли ғамдек
Об юраман суратингизни.³⁶

Йигит ўзини “қулфсиз кишан”ланган кимсага ўхшатади. “Қулфсиз кишан”дан озод бўлиш унинг ўзига боғлиқ. Бироқ озод бўлиш осон иш эмас. Чунки бу иш кўнгил деган қайсар бир сиру синоатнинг измида. Ҳар сафар дўстлари унинг ҳолатидан кулишиб, ҳатто душмани ачиниш ила қараганида ана шу қулфи йўқ кишан, ёдга тушаверади:

Ва дўстларим устимдан кулиб,
Ачинганда менга душманам
Сизни кўрсам ёдга тушарди
Қўлимдаги қулфсиз кишаним.³⁷

Шоир Хуршид Даврон шеъриятида аёл тимсоли гоҳ она, гоҳ севиқли ёр, гоҳ айёр қиз, гоҳ етиб бўлмас орзу сифатида гавдаланади. Шоирнинг “Мени қувонтирар бу кун, бу ёмғир” деб номланган шеърида ёмғирли кун унинг кечмишини ёдга солади:

Мени қувонтирар сени кутишим –
Хонамга сен ногоҳ кириб келганда
Ва менга уялиб мунгли кулганда
Қўлингни кафтимда қушдек тутишим.

³⁶ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.75.

³⁷ Ўша манба, ўша жойда.

Соябонинг силкиб ёзиб қўярман
Дея ўйлашим ҳам қувонтиради,
Сени кўрмайману мунгли кўзларинг
Қаршимда чўғдайин ёниб туради.³⁸

Шеърда шоир хаёлида кечаётган ички қувончнинг жуда гўзал тасвири чизилади. Севгилисининг хонага кириб келиши, унга мунгли жилмайиши, қўлини кафтида тутиши, соябонини силкиб ёзиб қўйиши кабилар худди ўнгида бўлаётгандек. Шоирнинг “дея ўйлашим ҳам қувонтиради” сўзлари унинг хаёл оғушида эканлигини англатади. Шеър сўнггида эса *Сени кўрмайману мунгли кўзларинг Қаршимда чўғдайин ёниб туради*” дея таъкидлайди. Унинг қалбини, хаёлини ўғирлаган мунгли кўзларнинг “чўғдай” ёниб туриши орқали адабиётшуносликда оксюмарон деб аталган усул орқали ҳаёлат янада жонлироқ кўрсатилади.

Хуршид Давроннинг “Сизга ишонардим...” деб бошланувчи шеърида ҳам ишончини йўқотган, алдамчи севикли ёр тимсоли ва алданган кўнгилнинг аламзада руҳий ҳолати ифодаланган:

Сизга ишонардим,
Сизни севардим,
Севардим севгандек бутун оламини.
Сиз-чи, алдадингиз,
Тошдек совидим –
Бугун эса урдим мен ўз боламини.³⁹

Шоирнинг ўз боласи – йиллаб ардоқлаб келган севгиси, уни ургани шунчаки севгидан осонгина воз кечгани эмас,

³⁸ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 98.

³⁹ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Б.105

балки тошдек совуш олдидаги изтиробнинг ифодаси. Шоир услубида туйғуларнинг мана шундай туғёнли ҳолатлари тасвирланар экан, сатрлар орасида тўлдирилиши лозим бўлган нимадир бўлгани ва бўлаётганини шеърхон илғаб туради. Бироқ Хуршид Даврон насрдагидай барча рангин изтиробларни кетма-кет батафсил тасвирини бермайди, буни шеър кўтармаслигини, шеър, аслида, қайноқ эҳтирослар орқали туйғуларни бир бирига улаш маҳорати эканини шоир яхши англайди. Айни шу ҳолни ушбу йўналишдаги “Аёл, қайғу ва муҳаббат ҳақида” номли уч қисмли шеърида ҳам кузатамиз. Шоир дастлаб камситилган ва хўрланган аёл тимсолини чизади, сўнгра уни ғам чекаётган, юзлари қайғуга ботган ҳолда тасвирлайди. Шеърнинг якунида эса поэтик тимсол ўзгаради: аввалги хўрланган ва қайғули аёл қалбида муҳаббат ҳукмрон. У севикли ёри учун ҳар қандай ишларни бажаришга қодир, Муҳаббат унга шижоат ва ғайрат ато этганини шоир батафсил бўлмаса-да, изчил тасвирлайди:

Мен севаман шивирлар аёл –
Кирларингни ювиб бераман.
Дазмоллайман кўйлакларингни
Сени қучган қўлларим билан⁴⁰.

Демак, аёл муҳаббати туфайли бу қўллар фақат қучишга эмас, балки ўз ёрининг корига ярашга қодир. Аёл қалбида, вужудида севги тирилади:

Бир кун тонгда тўшакда ётиб
Жилмайганча шивирласам, бас.

⁴⁰ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. - Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.18.

“Юрагимнинг остида кимдир
Худди сендек олмоқда нафас”⁴¹.

Кўринадикки, Хуршид Даврон шеърларида шоирнинг ёки лирик қаҳрамоннинг аёлга бўлган турли хил муносабати ифодаланган. Аёл ҳар қандай шароитда ҳам гўзаллик ва муҳаббатнинг тимсоли бўлиб қолиши шеърда яхши акс этган.

“Опа” шеърида шоир поэтик тимсолга мурожаат қилиши орқали унинг қиёфасини китобхонга таништиради. Унинг бузуқ нияти, сотқинлиги, қотиллиги ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлади:

Опа, жаллод кундасида қон
Кўрмоқ учун бизларни сотдинг,
Қабрин бузиб,
Неча эрларнинг
Яна қайтиб кўксидан отдинг.⁴²

Мустабид тузум даврида халқига хоинлик қилган, ўзлигини, тили ва динини унутган, бир неча йиллар раҳбарлик лавозимини эгаллаб келган аёл тимсоли тасвирланар экан, эрларнинг қабрини бузиб, гўё уни қайта отгандек ҳолати қотиллик билан тенглаштирилади.

“Шоирнинг онаси” шеърида юқоридаги аёлнинг антиподи – олис қишлоқдан шаҳарга ўғлиникига келган она тимсоли ифодаланган. Она ўғлининг тинчини мустаҳкамлаш мақсадида қўлидан келган ишларни қилади. Фарзандларининг кирларини ювади, гулларни парвариш қилади, невараларига эртаклар айтиб беради. У суйган ўғли

⁴¹ Ўша ерда.

⁴² Ўша манба. – Б.40.

оиласининг тинчини сақлаётган паллада ўғли шеър ёзиш билан банд бўлади. Аммо бир куни онанинг кўз ўнги қоронғилашиб, қўлидаги пиёла тушиб кетади ва чил-чил синади. Шу заҳоти югуриб чиққан ўғлига она: “Кетайми, болам?” – дейди. Бу шеърдаги она тимсолида фарзанди хонадонининг тинчи учун “хавотир” билан қадам босаётган, “нафас олишга” ҳам қўрқаётган муштипар она қиёфаси гавдалантирилади.

Хуршид Даврон туркум сонетлари “Эй тилим, эй элим, эй она тупроқ” деб номланган. Ундаги 14 тарихий сиймодан биринчиси Маҳмуд Кошғарий. Шеърда Маҳмуд Кошғарий фикрлари ижровий лирика орқали ифода этилади:

Дашту ёвшан иси анқиган тилим,
Сени тинглаб дилда севги кучаюр,
Сен борсан, ҳеч қачон ўлмагай элим,
Сен борсан, ҳеч қачон кўздан йитмас нур.⁴³

Кошғарий таъкидлаганидек, тил бор экан халқ, миллат яшайди. Тил бор экан, миллатнинг кўзидаги нур порлаб туради. Шеърда Маҳмуд Кошғарий тимсолида XI асрда яшган тилшунос олим эмас, ўз тили ривожини учун курашаётган, уни асраб қолиш учун жонини фидо қилишга тайёр исёнкор поэтик тимсол гавдаланади. Маълумки, ижровий лирикада асар қаҳрамонлари ўз тилидан сўзлайдилар. Муаллиф худди мана шу усулдан фойдаланиб, Кошғарийнинг қалбидаги курашчанлик, исёнкорлик туйғуларини шеърга солади, она тилини асраб, келажак авлодга мерос қилиб қолдириш учун заҳмат чеккан олим қиёфасида курашчан жасорат гавдаланади:

⁴³ Юқоридаги манба. – Б.63.

Битиктошинг бўлай, бағримга ўйил,
Ўйил, қонларимга докадай бўял.
Қонларим бахш этсин сенга бийрон тил,
Яловлар кўксимда товлансин ял-ял.⁴⁴

Шеърдаги поэтик тимсол сўзларидаги жонлилик, кескинлик *Сен ила йиғлайин, сен ила қулай, Сен унут бўлмасанг, унут бўлмасман, Сен агар ўлмасанг, мен ҳам ўлмасман* каби мисраларда ифодаланади. Сонет сўнгида она тили учун “мамот жанггига” чиқишга ҳам тайёр курашчи қиёфасини акс эттиради:

Гулга эгилгандек сенга эгилай,
Чорласанг, чиқарман мамот жангига,
Уйқашсан жангдаги тиғ жарангига...⁴⁵

Тил учун кураш эл учун кураш каби шарафли экани сонетнинг ҳар бир сатрида тиғ жаранги каби овоз беради.

Туркумдаги кейинги сонетларда Навоий, Бобур, Машраб, Турди, Нодира, Фурқат, Огаҳий, Аваз Ўтар, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзоданинг тарихий сиймоси ижровий лирика орқали ифодаланади.

Туркумдаги тарихий сиймолар турлича қисмат эгалари бўлса-да, шоир уларни она тилига муносабатини асосий таянч нуқтаси деб олган. Шунинг учун ҳам Миртемир сиймосида:

Ҳеч қачон ўлмайсан, ўлмайсан, тилим,
Эрка шоирингнинг юрак сўзи бу.

⁴⁴ Юқоридаги манба. – Б.63

⁴⁵ Ўша ерда.

Сен деб яшайди-ку, дунёда элим,
Сен деб йиғлайди-ку, йиғласа Тошбу...⁴⁶

дея элим, тилим деб куюнган, йиғлаган шоирнинг таъсирли сўзлари билан шеър якунланади.

Хуршид Давроннинг “Эй тилим, эй элим, эй она тупроқ” туркумидаги 10-сонетда шоир бутун бир миллат озодлиги, эрки, дарди билан яшаган Чўлпон тимсолига юзланади:

Унут, тупурилган қутлуғ сўзларга
Макон бўлган тупроқ аро мен борман.
Бўғзимда қотган сўз, бўйнимда арқон,
Бу арқон ёдгор мен осилган дордан.⁴⁷

Шеърда тасвирланган *бўғзимда қотган сўз* – бир жиҳатдан, туркумдаги шеърлар билан боғласа, иккинчи жиҳатдан, у ёлғиз сўзгина эмас, у – халқ бўйнидаги арқон, шоир осилган дор. Поэтик тимсолнинг бундай тадрижи Чўлпон шеърларидай мисралараро ўсиб боради:

Кўксимда – кўрғошин, қулоқда – симоб,
Елкам – маматалоқ, калтак излари...
Юракда муҳаббат, ғазаб, изтироб,
Тилимда халқимнинг қутлуғ сўзлари⁴⁸.

Елкамиз калтак изларидан моматалоқ бўлиб кетса қачондир тузалиши, кўкракдаги кўрғошин эришига, қулоққа қуюлган симоб оқиб, йўқолиб кетиши мумкин. Агар қутлуғ сўзлар юракдаги муҳаббат, ғазаб ва изтиробнинг англатиб,

⁴⁶ Юқоридаги манба. – Б.68.

⁴⁷ Юқоридаги манба. – Б.67.

⁴⁸ Ўша ерда.

эслатиб турса. Чунки бу муқаддас сўзлардан ҳар баҳор чечакларидай “анғиз”, “ялпиз”, “бўтакўз” кўринишида эрк, Ватан туйғуси униб чиқа бошлайди. Бир дафтар йиртиб ташлангани билан унда битилган сўзлар ёмғир бўлиб она тупроққа ёғмоқда:

Осмонда булутмас, йиртиб ташланган
Менинг шеър дафтарим учиб бормоқда,
Сўзлари тўкилиб она тупроққа...
Бу сўзлар таланган, ёнган, тишланган –
Униб чиқар баҳор келса ҳар бир сўз:
Бу – анғиз, бу – ялпиз, бу-чи, бўтакўз...⁴⁹

Хуршид Даврон кашф этган поэтик оламда биргина Сўз тимсоли кишининг инсонлигини белгилайдиган, миллатни миллатдай шарафлантирадиган, элни халқ, юртни Ватанга айлантирадиган қудратли туйғу мужассам эканини юқорида ўқиганимиз шеърий туркумнинг ҳар бир мисрасидан уқиш мумкин.

1.2. Давр ва шахс руҳиятининг услубда акс этиши

Инсоният яшаб турган олам сир-синоатга тўла. Бундан бохабар бўлиш, унинг мазмун-моҳиятини англаб етиш учун бир инсон умри етмайди. Лекин одамзот шу қисқа умри давомида дунёни англашга, тушунишга интилаверади. Дунёнинг мавжудлиги, унинг турфа хиллигини тараннум этувчи шоир борлиқни ўзгача нигоҳ билан кузатади. Инсонлар учун оддий бўлиб кўринган ҳодисалардан халқ, миллат учун асқотарли унсур топади. Топганларини ўз тафаккури орқали жонлантиради ва турли поэтик тимсоллар воситасида яна халқига рангин лаҳзаларда қайтаради.

⁴⁹ Юқоридаги манба. – Б.67.

Шавкат Раҳмон поэтик услубига назар ташлаганда фалсафий-ижтимоий руҳдаги шеърлар бўртиброқ кўринади. Қуйидаги шеърдаги сўз қўллаш маҳоратининг ўзи ҳам мазмун, моҳият уйғунлигини, фикр салмоқдорлигини кўрсатиб туради. “Ўлган эмас” билан “ҳалок бўлган” деган фикр ўртасидаги ўзгача маъно диққатингизни тортади:

Жангда ўлган эмас
бирор баҳодир,
бари ҳалок бўлган хиёнатлардан.⁵⁰

Ўлим, ўлмоқ сўзлари барча кишилар учун қўллаш мумкин бўлган сўзлар бўлса, ҳалок бўлмоқ фақат жангдагина мавжуд ҳодиса. Шунинг учун жасур, кучли жангчилар ҳаётининг ниҳоясига нисбатан бу сўз ишлатилади. Демак, жангчилар шунчаки ўлган эмас, ҳалок бўлган. Курашларда баҳодирлар ўлими енгилиш туфайли яқун топмайди. Жасур баҳодирларни хиёнат, сотқинлик кабиларгина енгиши мумкин холос. Яъни: бари ҳалок бўлган хиёнатлардан, ёки тошдай ухлаганда тўшларин очиб, ё заҳар қўшилган зиёфатлардан.

Шоир наздида улар яна болакайлар қорачиғида қайта тирилаверади:

Ҳар гал баҳодирлар йиқилар экан
куракка санчилган номард тиғидан,
қайта тирилгандай бўларди ногоҳ
ҳар бир болакайнинг қорачиғида.⁵¹

⁵⁰ Шавкат Раҳмон. Гуллаётган тош. - Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – Б.10.

⁵¹ Юқоридаги манба. – Б.10.

Демак, мана шу “жафокаш қўҳна ватанда” баҳодирлар “ўлган эмас”, улар бугуннинг нигоҳида яшаяпти, келажак авлод қонида яшайди.

Шавкат Раҳмон қуйидаги шеърида ўзбек миллатининг ўзига хос томонларидан бири бўлган меҳмондўстлик хислатини ифодалашга ҳаракат қилади. Келадиган меҳмон ким бўлишидан катъий назар азиз ва муҳтарам саналади. Меҳмонни энг яхши ноз-неъматлар билан кутиб олиш, уларга илтифот кўрсатиш ўзбекнинг азалий урф-одатларидан биридир:

Ўзбеклар азалдан меҳмончи элдир,
Меҳмон отангдан ҳам улуғ дейдилар.
Бир кунлик меҳмонга бор-йўғин қўйиб,
Ўзлари анча вақт туршак ейдилар.⁵²

дейиш баробарида шоир бу гўзал хислатга *меҳмонлар бўлса муносиб* – дея таъкидлайди. Бу ўринда поэтик тимсол – меҳмон ким экани шеърхонга оддий мисраларда аён бўлади, у ўз иззатини билмаган, мезбонни менсимай оёқ ости қилган, унинг тузини ичиб, тузлиғига тупирганлар.

Мустабид тузум даврида Ўзбекистонга ҳар куни келган минглаб “меҳмонлар” ўзбекча иззат-хурмат, таомил ва эъзозга муносиб эмас. Шоир *“Меҳмон кутишни-ку, қойиллатамиз, қанийди ўргансак кузатишни ҳам”*, деган хулоса билан саволга муносиб жавоб ҳозирлашдай, ўз иззатини билмаган “меҳмонлар”га эшикни кўрсатиб қўйишликни мезбонлик бурчи даражасида кўрсатади.

Улуғбек Ҳамдам 70-80 йиллардаги мамлакатдаги сиёсий аҳвол ҳақида фикр билдирар экан шоир Шавкат Раҳмон шу давр сиёсатига қарши курашганларнинг энг илғор

⁵² Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – Б.219.

вакилларидан бири эканлигини уқтирган ҳолда шундай дейди: “70-80 йилларга келиб сиёсий-мафкуравий иқлимнинг бироз мўътадиллашгани боис собиқ империядаги Умумий Катта Ёлғонга қарши кўзи очиқ, ҳақиқатпарвар зиёлиларнинг, айниқса ижодкорларнинг адабиёт ва санъатнинг ўзга соҳалари воситасидаги кураши янги босқичга кўтарилди. Шавкат Раҳмонлар авлодининг зўр бериб Ҳақиқат, Ватан, Жасорат, Озодлик ҳақида куйлай бошлаши ана шу Катта Курашнинг бир парчаси ўлароқ намоён бўлди.”⁵³ Шавкат Раҳмон ҳам мана шу даврда ижод қилди ва ўзининг масъул сўзи орқали сиёсий курашга чоғланди. Шунинг учун ҳам унинг шеърларида бу исёнкорлик, Ватанга содиқлик, миллатпарварлик устунлик қилади. Шоирни она юрт тарихининг аянчли, кечириб бўлмас ўтмиши қийнайди, у инсон умри давомида қилиши керак бўлган ишни қилишга, келажак авлод учун маънавий мерос қолдиришга, ўзининг сўзини айтишга намуна сифатида ҳаёт кечирди:

Шавкат Раҳмон деган
бир ўжар шоир,
бир куни қайтадан яраладими?
Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,
сайладим сўзларнинг
сараларини.⁵⁴

Дарҳақиқат, Шавкат Раҳмон ҳар бир шеър устида, ҳар бир сатр устида изланди, ўз фикрини шунчаки айтмади, балки сара сўзларни излаб топишга ҳаракат қилди. Шоир юрагига яқин бўлган сара сўзлар мана шулар эди: *Ҳар бир сўз юз сўзнинг ўрнини босар... Ватан, Халқ, Жасорат, Кураш,*

⁵³ Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б.93.

⁵⁴ Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – Б.216.

Озодлик. Шоир саралаган бу гўзал сўзларини келажак авлодга мерос қолдирди. Шоирнинг ҳар бир шеърида шу сўзлар шеър учун асосий қурол, гўзал восита вазифасини бажарди. Шунда ҳам шоир қаноатланмади. *У нондай зарур, қиличдай кескир, заҳардай мард* сўзлар билан иш кўрди. Халқни, миллатни бахтиёр кўриш, унинг дардига шериклик бурчи Шавкат Раҳмон кунлик тақвимида биринчи ўринни эгаллади. У ўзининг ўлмас сатрларида миллат, жамият ва келажак авлод учун керакли бўлган масъул сўзни айта олди.

Ижодкор дунёқараши унинг асарларида кўзга яққол ташланиб туради. Реал дунёга, ўзи яшаб турган жамиятга бўлган муносабати шеърдаги “лирик мен” қиёфасида акс этади. Шоирнинг тафаккури қанчалик юқори бўлса, шеър ҳам шунчалик фалсафий ва мушоҳадали бўлади. Шавкат Раҳмоннинг “Шахс қисмати” шеърида ўзбек миллатининг қисмати ҳақида гап кетади. Инсон жамиятда шахс бўлиши учун маълум бир талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, атрофида яшаётган одамлардан бир қадам олдинда юриши, жамият тараққиётига бошқалардан кўра кўпроқ фойда келтириши, тафаккур дунёси, руҳий оламининг яшовчан ва мустақамлиги билан ажралиб туриши керак. Шахс ҳақида гап кетганда адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам шундай фикрларни айтади: “Аввало, ҳар битта одамни индивид деб атасак, инсоннинг навбатдаги-бир поғона баланд босқичи шахснинг мақомидир. Ҳа, индивидликдан шахсликка қадар бир поғона бор, лекин шундай поғонаки, унга кўтарилиш учун йиллар сарфланади. Шунда ҳам муваффақият юзта, мингта ва баъзан миллионлаб одамлар орасидан саноқлигина кишиларга насиб этиши мумкин. Чунки шахслик, аввало, инсоннинг ўз табиатига қулоқ тутиши ва ҳаётини қалбининг эшитганлари измига солиш ёки ҳеч бўлмаса

шунга уринишдир. У ўз фитратига уйғун равишда танлаган йўлидан бошига ўлим келсин, қайтмайди. Чунки шахс ўзликни ифода қилишни саодат деб билади.”⁵⁵ Шеърдаги “зот” қиёфасида бир замонлар шахслик даражасига чиққан, ўзлигини англай оладиган миллатнинг мажозий тимсоли ҳақида фикр юритилади:

Хаёли шан,
андоми ўктам,
дарё каби жўшқин зот эди.
Энди пода босган бу йўлда
сарик кўлмак каби ётибди.
Асилзода,
асли бек эди,
қулдай тўзди қуллар ичида,
бутун умр тирнади ерни,
пахта деган ойим ишқида⁵⁶.

Шоир ўз ўтмишига эга бўлган бу *асилзода асли бек* миллат қандай ирқда бўлишидан қатъи назар унга ҳурмат билан муомала қилинишини истайди. Бироқ собиқ шўро-лар жамияти бундан мустасно эди. Бу тузумнинг қонун-қоидаларида миллатни таҳқирлаш, камситиш, қолаверса, шаънини оёқ ости қилиш каби ёзилмаган қонунлар мавжуд эди. Шеърдаги *хаёли шан, андоми ўктам, дарё каби жўшқин* каби ўхшатишлар бир шахсга эмас, бутун бир миллатга тегишли. Шундай миллатнинг *пода босган йўлда сарик кўлмак каби* ётиши шоир ғзабини жунбушга келтиради. Мустабид тузум қулликка маҳкум қилган, собиқ иттифоққа пахта етиштириб берувчи асосий база ҳисобланган, *пахта деган*

⁵⁵ Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б.14.

⁵⁶ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.160.

ойим ишқида ўзини қурбон қилишга тайёр, итоаткор улус миллатми, деган савол қўяди. Шеър давомида қулликдан қочиб озод бўла олган, қўли очиқ, юраги очиқ, кўзи очиқ улуғ одам тасвирга олинади:

Қочиб кетди,
оҳ кетди қочиб,
қоровуллар чалғиган дамда,
қўли очиқ,
юраги очиқ,
кўзи очиқ улуғ одам-да.⁵⁷

Юқоридаги “миллионлаб одамлар орасидан саноклигина кишиларга насиб этиши мумкин” деган жумлага эътиборни қаратсак, собиқ шўролар таркибидан биринчилардан бўлиб мустақил бўла олган ўзбек миллатининг интилишлари кўз олдимизга келади. Ана шу “улуғ одам” мажозий тимсолидаги шахс поэтик тимсолининг сифатларида ўзбек миллатининг портрети гавдаланади. Шеърда асл ҳаёт ҳақиқатини боридай ўз кўринишида эмас, балки мажоз ва ҳақиқат уйғунлигида ифодалайди. Ифода баёнида ўхшатиш, муболаға, жонлантириш каби тасвирий воситалардан ўринли фойдаланади. Бундай ҳаёт фалсафасининг рангин бадий ифодаси шоирнинг “Қоп-қора чечаклар” туркумидаги “Қўшимча кўрик” деб номланган шеърида ҳам миллиардлаб фойда келтираётган пахта номли “бойлик”нинг инсон жонидан ҳам устун қўйилиши, бу ўсимликнинг уруғи қабристонлар чегарасига ҳам етиб боргани ташвишли сатрларда кўринади:

⁵⁷ Ўша манба. – Б. 160.

Қуршовда
юртимнинг қабристонлари,
қабрлар оғзида тўхтаган пахта,
гўё шўрликларнинг арзон жонларин
қутқариб қолгандай милёнлаб лаҳад.
Шўрликлар
бир умр ёмғир, қор кечиб,
фақат қабрлардан ҳаловат топди.
Уялдим тунов кун кўйлагим ечиб
Пахта экилмаган баданим қопти⁵⁸.

Шоир Муҳаммад Юсуф “Андижон” шеърида Шавкат Раҳмон қалбидаги мана шу туйғуларни ўзгача йўсинда ифодалаган эди:

Наҳорингда пахта, шомингда пахта,
Айвонингда пахта, томингда пахта.
Оқар оғу бўлиб қонингда пахта,
Нега йиғламайсан, аҳли Андижон? ⁵⁹

Ёки “Бободехқоним” номли шеърида ҳам ўзбек деҳқони мисолида пахта учун “яралган” содда, бўйсунувчан, итоаткор ўзбек миллатига чин юракдан ачиниш ҳисларини изҳор этганди:

Иш дегани фақат сенга
Чиққанми ё, эй мўмин,
Қора меҳнат йўргагингдан
Юққанми ё, эй мўмин?

⁵⁸ Шавкат Раҳмон. Абодият оралаб. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – Б.319.

⁵⁹ Муҳаммад Юсуф. Сайланма. - Тошкент: Шарқ НМАК, 2005. – Б.32.

Онанг сени пахтазорда
Туққанми ё, эй мўмин?...
Қадоққўл – товоним менинг,
Бободехқоним менинг.⁶⁰

Мустабид тузум даврида пахта сиёсати мамлакатнинг энг олий мақсадига айлантирилдики, инсон ва унинг эҳтиёжлари ҳақида “юқори” ўйлаб ҳам ўтирмади. Фақат олдинга қараб олға босиш, миллионлаб тонналарни бажариш даврнинг муҳим вазифаси ва мажбурияти эди. Ана шу сиёсатнинг қурбонига айланиб “қулликка маҳкум этилган” миллатнинг аҳволи ҳеч кимни қизиқтирмади. Шеърдаги “лирик мен” шоирнинг ўзидир. Шоир юрагини миллатнинг бўйсунувчанлиги, кўникувчанлиги, “бошга тушганини кўз кўрар”, дея шукр қилиб яшайверадиган содда, гўллиги қийнайди. Бир оз аламзадалик билан ўзини ҳам ана шулар қаторига қўшади ва пахта экувчи бригадирларга мурожаат қилади:

Мен ҳам гўл одамман,
биргад укалар,
пошшолар ухласин дейман хотиржам,
менгайм озгина беринг шу дарддан,
энди пахта экинг баданимга ҳам.⁶¹

Ҳукумат раҳбарлари белгиланган режани бажариш учун мамлакатнинг ҳар бир қарич ерига пахта эктиришга ҳаракат қилдилар. Шоирнинг назарида бўш ернинг ўзи қолмади. Шунинг учун ҳам шоир: *пахта экинг баданимга ҳам қўрқмасдан экворинг, тезроқ борасиз юқори белгилаб*

⁶⁰ Юқоридаги манба. – Б. 204.

⁶¹ Шавкат Раҳмон. Абодият оралаб. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – Б. 319.

берган мўлжалга, дея таъкидлайди. Очилган пахта ўсимлиги баргини тўкиш учун самолётдан пахта майдонларига кимёвий моддалар сепилади. Мамлакатнинг экин майдонлари, ерлар, сув ҳавзалари, ҳаво атмосфераси ҳам бутифос сингари заҳарли химиявий моддалар билан тўлдирилди. Шоир:

Пахта очилганда ҳеч бир дорисиз
баргларин тўкворар эсли ғўзалар,⁶²

деганида ана шу ҳолатга ишора қилмоқда.

Шавкат Раҳмон шеърларида ўз миллати шаънини ҳимоя қилишга интилаётган, адолатсизликлар олдида кескин курашишга тайёр жангчи тимсолидаги “лирик мен”ни кўриш мумкин. Шоир шеърлари инсоннинг ўзлигини англашига, ўтмиш, бугун ва келажакни ўз нигоҳида тафтиш қилиб боришига, Ватан деган муқаддас тушунчани тезроқ англаб етиши, уни кўз қорачиғидек асрашига кўмаклашади.

Шавкат Раҳмон шеърлари китобхонни чуқур ўйга толдиради, мулоҳаза юритишга ва ҳар бир сўзнинг маъзини чақишга ундайди. Огоҳлик, масъуллик эътибор ички “мен”ингиздаги заиф бўлакларингизни тетиклаштиради. Тетиклик мағрурликка, мағрурлик она тупроққа бўлган чексиз фидойилик, миллатга бўлган муҳаббат асирига айлантиради.

Шоирнинг “Ўлим бирлаштирар” деб бошланувчи шеърисидаги фикр ва туйғулар ифодаси бир зумга инсонлар ўртасидаги зиддиятларни унутишга, унга берилган умрнинг нақадар қисқалиги ҳақида ўйлашга мажбур этади:

⁶² Ўша ерда.

Ўлим бирлаштирар
бегоналарни
одамлар бир ёқдан йиғила келар,
бир кўздан тикилар “жабрланганга”,
фақат бир юракдан йиғилар келар.⁶³

Дунё мавжудлигининг асосий сабабчиси бўлган инсон бор экан, ҳаёт ва ўлим бор. Ўлим ҳамиша ҳақ. Мана шу тан олинган ўлим шоир таъкидлаганидек, барчани бирлаштира олади. Бу дунёни тарк этган, сўнгги йўлга кузатилаётган кишига барча ачиниш ва раҳм-шафқат ҳисси билан қарайди. Шеърда ифодаланганидек: *фақат бир юракдан йиғилар келар...* Ўлим олдида дўст ҳам, душман ҳам, шоҳ ҳам, гадо ҳам тенг. Ҳеч қандай тарафкашлик, ҳеч қандай устунлик, ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ. Мана, дунёнинг асл ҳақиқати. Шеърда ифодаланган *ўлим* тимсоли баъзи бир инсонлардан ҳам устун қўйилади. Жамият тараққиётининг шундай фурсатлари бўладики, инсонларни бир жойга тўплаш, ғоя ва қарашлар бирлигини жамлай олишнинг ўзи осонлик билан кечмайди. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон давлати мустақиллигига эришиш даврини олиш мумкин. Мустақилликка эришиш учун миллат онгига унинг тушунчаларини сингдириш, эрк ва озодлик сари кураш йўллари тарғиб қилишнинг ўзи шунчаки бўлиб қолган эмас. Бунинг учун бир эмас. балки бир неча кишилар фикрини жамлай олиш ва бир нуқтага бирлаштириш муҳим ҳолиса эди. Юқоридаги *ўлим* тимсоли эса барчани бир нуқтага бирлаштира олди. Барчани бир ҳодисага эътиборини қаратди. Шоир идрок этган *ўлим* поэтик тимсоли ифодасида унинг жамият тараққиёти учун муҳим бўлган ҳодисаларга ва инсонларга

⁶³ Юқоридаги манба. – Б. 98.

бўлган муносабати ифодаланади. Кейинги мисраларда эса ҳар қандай шароитда ҳам инсонийлик тушунчаларининг устун туриши, инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи ҳақида фикр юритилади:

Ўлим бирлаштирар
бегоналарни
кибру алдовларнинг ниқобин йиртар,
йиртқичмас,
душманмас одамга одам,
биродар эканин эслатиб кетар.⁶⁴

Ер юзида яшаётган инсонларга эътибор қаратилса, ташқи жиҳатдан унчалик бир-биридан фарқ қилмайди. Биологик жиҳатдан олганда инсон деган тушунча бир хил маъно касб этади. Фақат одамларнинг ўзигина уларни табақалаштиради, кимнидир кимдандир устун қўяди. Ҳар қандай инсон ҳам юрак буюрганини қилади, кўнгилга қулоқ тутаяди. Дўстлик, меҳр-мурувват инсонларни бирлаштиради, душманлик, шафқатсизлик уларни айиради. Фақат ўлимгина бу низоларга озгина фурсат бўлса-да, нуқта қўя олади. Барчани кичик фурсатда бўлса ҳам бирлаштира олади. Шоир ўзини ҳайратга солган ана шу ўлимга, ана шу вазиятга шеър сўнгида ўз муносабатини билдиради:

...Мана бегоналар,
бепарволар йўқ,
нихоят одамлар биродар – тенгдир.
Ўлимга бош эгдим,
қўрққанымданмас,
ҳурмат қилганимдан бошимни эгдим.⁶⁵

⁶⁴ Юқоридаги манба. – Б.98.

Бундай шеърни ўқиган ҳар қандай китобхон бир озга бўлса-да, сергак тортиши табиий ҳолат. Турмуш ташвишлари, эгаллаб турган лавозимингиздаги вазифа ва топшириқлар, ота ёки оналик масъуллиги ҳақида ҳам эмас, бир зумга бўлса-да, яқинларингиз ёки дўстларингиз орасидаги муносабатлар хусусида ўйлай бошлайсиз. Шеърда эътибор шоир таъкидлаган “жабрланган” – ўлган одамга қаратилмайди, балки барчани бирлаштира олган, “биродар” қила олган “ўлим” поэтик тимсоли сизни сергаклантиради. Инсон деган қутлуғ номга эга бўла туриб инсонийликни унутиш, арзимаган низолар туфайли туғишганларидан жудо бўлиш, кези келганда қўшнилар билан бир қарич ер таллашиб бир умр душмандек муносабатда яшаш қабила кўпчилик учун оддий ҳолдек туюлади. Бундай муносабатлар ҳамма замонларда ҳам бўлиб келганлиги аниқ ва бунга бутунлай чек қўйиб юбориш ҳам осон иш эмаслиги барчага маълум. Ўлим эса буларнинг барчасидан устун келди. Шеърда таъкидланганидек, бир нуқтага тўпланган одамлар орасида *бегоналар* ва *бепарволар*нинг йўқлиги ҳам шоирни қувонтиради. Жамиятда бепарволик оқибатида инқирозга юз тутувчи салбий оқибатлар, кечириб бўлмас хато ва кўнгилсизликлар содир бўлиши мумкин. Шеърдаги вазиятда эса бундай ҳолат йўқ. Бир хил қарашга эга бўлиш, бир хил ҳодисага эътиборни қаратиш, бир хил нарсага ачиниш ҳисси билан қарай олишнинг муҳимлиги исботланади.

Шавкат Раҳмон ижодида мана шундай поэтик мушоҳадали шеърларни кўплаб учратиш мумкин. “Қайтар дунё” шеърида шоир нодонни кекса бир кишини ҳурмат қилиш кераклигини ҳам билмайдиган уқувсизликда айблайди:

⁶⁵ Юқоридаги манба. – Б.98.

Эссиз, шундоқ умр,
уқиб етмабсиз,
азалдан нодонга дунё торлигин,
лоақал кексани ҳурмат қил деган
оддий бир мақолнинг борлигин.⁶⁶

Баъзан инсонда инсоний гўзал фазилатлар билан бирга шайтоний феъл-атвор ҳам ҳукмрондир. Ана шу фурсатларда у ўзлигидан кетиб, билиб-билмаган ҳолда қайсидир ҳайвоннинг хатти-ҳаракатларини қилади. Шеърда муаллиф санъаткорлик билан сўз ўйини қўллаб, “*кеча итлик қилиб*” иборасини қўллайдики, у нуронийга ҳам, нодонга ҳам тааллуқли:

Кеча итлик қилиб,
донолигидан
сиздайин нодонга пастдан қараган
нуроний одамни абгор қилдингиз,
қилдингиз нодонга хос бир ҳаракат⁶⁷.

Шоир чолнинг хатти-ҳаракатлари билан нодоннинг қилиқларини уйғунлаштириб юборади. Нодон қилар ишни қилиб қўйиб, ортига хавотир билан қарай бошлайди. Чунки бу дунё қайтар дунё. Кимнингдир дилига озор берилса, албатта, бир куни кимдандир ўзига ҳам озор етади. Шоир киноя аралаш асл ҳақиқатни ифодалайди:

Энди хавфсирайсиз орқага қараб,
не бўлди, бошдан ё ҳумо учдими?
Юрса юрибди-да изларингиздан

⁶⁶ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.255.

⁶⁷ Ўша ерда.

саноқсиз болалар
тутиб муштини.⁶⁸

Шавкат Раҳмон фалсафийлик уйғунлигидаги лирик ҳолатларни ноанъанавий шеърый шаклларда тасвирлайди. Инсон деган буюк номни улуғлаш, унинг мўъжизакорлигини, иқтидорини намоён қилиш, ўрни келганда бу номни хўрлашга, оёқ ости қилишга йўл қўймаслик олий инсоний фазилат эканини уқтиради. Инсон ўз инсоний хусусиятларини сақлаб қолиши учун кези келганда ўзлиги, юрак амри билан ҳам ўртоқлашиши шарт. У ўзлигини, ички ҳис-туйғуларини жиловлай олмай туриб бошқаларни тушуна олмайди. Ўзгалар бошига тушган кулфат ёки ҳолатларни ўз бошига ҳам тушиши мумкин эканлигини ўйлаб кўриши, бунга тайёр туриши, уларнинг дардига шериклик қилиш инсоний бурч эканлигини уқтиради:

Титроқ сездингми ҳеч,
бир шум лаҳзада –
хатар-ла ёнма-ён турган чоғингда.
Тубсиз жар лабида оний ларзадан
титраб келганмиди жонинг оғзингга.⁶⁹

Шоир таъкидлаганидек, “титрамай”, яъни ҳеч қандай қўрқувсиз, ўз юрак қувватига ишонган ҳолда қалбидаги туйғуларини ифода этиш, мана шу мағрурликни ўз фарзандларига мерос қилиб қолдира олиш ва ўзини ўзи сақлаб қолиш энг муҳим белгилардан:

Нопоклар покларга қилганда тухмат
Титрамай айтдингми кескир сўзингни,

⁶⁸ Ўша ерда. – Б.255.

⁶⁹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.287.

Болангнинг ёдига не қилдинг тухфа,
Асраб қололдингми ўзинг ўзингни?!⁷⁰

Шоир ижодининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида адабиёт-шунос олим И.Тўлаков шундай дейди: “Ш. Раҳмон дастлабки шеърларидаёқ сўз айтиш масъулиятини ҳис қилиш билан бирга қандоқ айтиш санъатини ҳам эгаллаш зарурлигини тушунди.”⁷¹ Шоир инсонни кескир сўзи билан ҳимоя қилишга, ўзлигини сақлаб қолиш учун ҳатто ўзи билан ўзи кураш олиб боришга чорлайди. Инсон танасидаги қўрқоқликка ундаётган хоин бўлакни йўқотиш, имкон бўлса “ўлдириш” муҳимлигини уқтиради:

Лаҳзада титроққа айланиб турсанг,
демакки, ичингда битта хоин бор.
Ўлдир,
ичингдаги хоинни ўлдир,
волида кўзига боқишдан аввал,
маъшуқа қўйнида ётишдан аввал,
зулмат уммонига ботишдан аввал.
Йўлдир бу,
нафснинг ботқоғи эмас,
қиличнинг дамидай чақнаган йўлдир.
Бу йўлга юзингни буришдан аввал
ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир.⁷²

Матн мазмунидаги моҳият, ҳар бир сўз шеърхонни ўз ортидан эргаштиради, ҳар бир сўз ҳақида ўйлашга, мушоҳада қилишга чорлайди.

⁷⁰ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б. 287.

⁷¹ Тўлаков И. Нурли манзиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 88.

⁷² Ўша саҳифа.

Шавкат Раҳмон “Бобурийлар” шеърда шавкатли салтанатнинг инсоният тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиб, Амударё билан Сирдарё оралиғида яшаб ўтган буюк халқ бошига тушган адолатсизлик, Ватандан узоқда ўзга юртлардаги соғинч изтироблари, сарсон-саргардончиликларини ифодалайди:

Икки дарё оралиғида
ҳақ адолат топмади қарор –
бари кетди
юртни соғиниб,
ғурбатларда йиғлагани зор.⁷³

Ҳукмдор отанинг ўлими, 12 ёшли ўспириннинг тахтга ўтириши, ўз яқинларининг унга қарши уруш очишлари ва хиёнатлар бу ёшдаги ҳар қандай болани эсанкиратиб қўйиши табиий. Аммо Заҳириддиннинг отасидан олган тарбияси бунга йўл қўймади. Унга қарши қилинган бир неча ҳужумларни тажрибали саркардалардек қайтара олди. Она юрти Андижонни, ота-боболари асрлар оша эгалик қилган кўҳна Самарқандни асраб-авайлашга ҳаракат қилди. Мамлакатдаги ички низолар, бекларнинг хиёнати, ҳатто ўз бобосининг ҳам унга ён босмаганлиги ёш ҳукмдорни жуда мушкул ва чорасиз вазиятларга солиб қўйди. Бобур жонажон юртини ташлаб ўзга юртларга кетишга мажбур бўлди. Шавкат Раҳмон Бобур ва бобурийлар ҳақида ёзмоқчи экан, қанчадан қанча босқинчи-ю бегоналарни ўз бағрига олган бу юрт ўзининг асл фарзандларини сиғдирмади, она юртини ташлаб кетган не-не зотларни бир-бир поэтик тимсол доирасида эсга олади.

⁷³ Юқоридаги манба. – Б.174.

Тангри бунёд этгандан буён
қанча олчоқ,
қанча ётларга
қучоқ очган юрт торлик қилди.
Қанча одил,
фозил зотларга.
Кимни айтай,
кимни эслатай,
санай қайси улуғ номларни
қай иқлимдан кўрсатай бугун
ул зотларни ютган комларни.⁷⁴

Ушбу шеър хусусида Ботирхон Акрамов қуйидаги мулоҳазаларга келади: “Ш.Раҳмоннинг мазкур шеъри, шубҳасиз, ижодий зарурат ҳисси билан ёзилган; унинг мазмуни мавзу доирасидан кенг; шоир турли замонларда, турлича қисмат буйруғи билан она юртидан кетган не-не фозил, комил зотлар, уларнинг армонлари ҳақида ўйга толади”.⁷⁵ Шоирнинг наздида бундай буюк зотларнинг андуҳидан мовий осмон мунгли садога тўлиб кетган. У саҳрода адашган карвон қўнғироқларининг садосига ўхшайди. Асрлар ўтди ва ҳайриятки, замон ўзгарди. Икки дарё оралиғидаги давлатда ҳам ҳақиқат қарор топди. Шоир хаёлида бир вақтлар ўз юртидан айрилган буюк зотлар мозий қаъридан қайтаётгандек туюлади. Бу ҳолат шоирни ҳайратлантиради, наҳот улар эшитган бўлса, деган саволларни беради:

Мана, бугун
мозий қаъридан
ўз юртидан айрилган, сағир –

⁷⁴ Юқоридаги манба. – Б. 174.

⁷⁵ Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1988. – Б. 9.

буюк зотлар сирли ҳадикда
келаётгандай бўлар бирма-бир.
Улар келар...
Наҳот, эшитган,
наҳот, улар бўлган хабардор
икки дарё оралиғида
ҳақ адолат топди деб қарор.⁷⁶

Бу билан шоир миллатни, халқни огоҳликка чорлайди, қадимги Турони замин тинчлигини сақлаш, икки дарё оралиғини асраб қолиш учун ҳар бир кишига *сиз учинчи дарёдай оқинг* дея уқтиради. Зеро, Бобур Мирзо ва унинг авлодлари ҳисобланган ўзбекнинг буюк ўғлонлари яна қайтиб кетмасин, ҳақ-адолат йўқолмасин, дея таъкидлайди.

Биродарлар,
бўлинг эҳтиёт,
биродарлар,
йўлларга боқинг –
Тангри каби кекса очунда
сиз учинчи дарёдай оқинг.⁷⁷

Шоир бу ўринда *учинчи дарё деб* атаган йўл – ҳақиқат йўли эди. Бу йўлга юз тутиш учун *ҳақ-адолат* ни дилига солиши ўта муҳим эди:

Ҳақ-адолат дилингиздадир,
авайланг, ҳеч завол етмасин,
улар келар...

⁷⁶ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б. 287.

⁷⁷ Ўша ерда.

тағин мозийга
ярим йўлдан қайтиб кетмасин.⁷⁸

Дарҳақиқат, мозий қаъридан мунгли овозлари келиб турган буюк зотларнинг орзулари бугун ушалди. Урушлар, низолар барҳам топди. Миллат ичидан Амир Темур, Бобур, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носирдек буюк зотлар чиқа бошлади. Шавкат Раҳмон бундай буюк зотларнинг ўринбосарларини асрамоқ, бугуннинг қадрига етмоқ ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчи эканлигини уқтирмоқда.

1.3. Индивидуал поэтик услубда исёнкор рух ифодаси

Усмон Азим шеърларида ҳеч кимга бўйсунмас, қайсар, шунинг билан бирга жасур ва журъатли бир поэтик тимсол мавжуд. У ҳақсизлик қаршисида ҳеч кимни аямайди. Кўнглидагини айтади-қўяди. Унинг дастлабки шеърларидаёқ биз бу қаҳрамонни учратамиз:

Мени севинг,
Мендан нафратланинг –
Бошқасига рухсат бермайман.⁷⁹

Шоир учун инсонларнинг унга нисбатан очиқдан очиқ муносабати муҳим саналади. У ёлғон мулозаматни қоралайди, инсонлардан ошкора туйғуларни кутади. Шунинг учун ҳам Усмон Азимнинг жавоби жуда кескин ва аниқ: Севги ёки нафрат. Булар мантиқан бири иккинчисини инкор этса-да, инсондаги мавжуд катта туйғулар. Фақат “сев-

⁷⁸ Ўша ерда.

⁷⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995. – Б.10.

ги” ёки фақат “нафрат”. У севгилисидан ҳам ва бошқалардан ҳам мана шундай аниқ муносабатни талаб қилади. Чунки унинг ўзи шундай ва ўзи яратган бу қоидага амал қилади. *Мен сени севаман Ва нафратланаман, Майда туйғуларни кўрмайман раво...* Шеърни ўқиётган китобхонни “майда туйғулар”нинг нималар эканлиги ўйлантира бошласа-да, бу ўринда фақат икки туйғугина муҳим:

Шеър ёзаман – севги,
Шеър ёзаман – нафрат.⁸⁰

Улуғбек Ҳамдам таъкидлаганидек: “Инсон фитратида бир пайтнинг ўзида ҳам эзгулик, ҳам ёвузлик мавжуд. Улар – бир нарсанинг икки томони,”⁸¹. Севги, муҳаббат ортидан эзгуликлар амалга ошса, нафратдан ёвузлик, қабихликнинг келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Аммо шеърдаги ҳолат ёвузликка олиб келадиган даражада эмас. Бу очиқдан очиқ изҳор ва муносабат ифодаси. Чунки баъзилар ўз туйғусини очиқчасига билдирмаслиги, яширишга уринишлари шоирни ажаблантиради:

Сиз бўлса, лаънатилар,
Алдайсиз мени,
Қўлда ханжар тутиб
“Севаман” дейсиз.⁸²

Шеърдаги “лирик мен” ҳақиқатгўй, фикрини ошкор этишдан қўрқмайдиган, *Сизга Нафратим ва Севгимни шеъримда айтяпман*, дея баралла ҳайқира оладиган қаҳрамон.

⁸⁰ Ўша саҳифа.

⁸¹ Ҳамдамов У. Бадий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б.191.

⁸² Усмон Азим. Сайланма. -Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.10.

Мардлик, жасурлик барқ этиб турган бундай тимсоллар шоир шеърларида кўплаб учрайди. “Битик тошлар орзуси” номли шеърида ҳам фақат Усмон Азимгагина хос бўлган услуб гавдаланади. Шоир табиатидаги жанговорлик, кескин мушоҳада юритиш ижодкор шеърий услубининг ўзига хос қирраларини ифодалашга ёрдам беради:

Қоғозларга ёздим... Қоғозлар ёнди.
Бу сирни ўйладим – топдим ниҳоят:
Мен Усмон эмасман, Алптегинман – мен,
Энасой бағрида тўлғонган ғоя⁸³.

Шоир “лирик мен”идаги руҳият ифодаси узоқ ўтмишни, қадимги ота-боболаримиз яшаб ўтган Энасой дарёси қирғоқларини кўз ўнгимизга келтиради, ўзини Алптегинга менгайди. “Лирик мен”даги ғайрат, шижоат шунчалик кучлики: *Қоғоз ярамайди менинг кунимга, Қоғозга кўчмайди ёнаётган юрак. Шалвираган қоғоз керакмас менга, Дардимни битгани менга тош керак*⁸⁴, - дейишгача боради. Шоир қалбидаги дард, чегарасиз туйғулар ифодаси учун оддий “шалвираган” қоғоз “ярамайди”. Бу дард юкини кўтариш учун “битик тош” зарур. Шеър сўнгида “лирик мен” дунё билан мулоқотга киришади. Унга ўз истак ва талабларини қўяди: *Менга бир тош керак – осмон каби кенг, Ғазаб каби оғир, ғамдай бенаво...*

Адабиётшунос И.Ғафуров: “Одамнинг хоҳишлари кўнгилда денгизнинг тўлқинларидай пайдо бўлади. Тўлқиндай пайдо бўлиб, тўлқиндай ўчади. Лекин тўлқиннинг келиши тугамайди. Одамнинг хоҳишлари тўлқин бўлса, дунё

⁸³ Юқоридаги манба. – Б.149.

⁸⁴ Ўша саҳифа.

шу тўлқинлар тўхтовсиз бош уриб борадиган соҳил”⁸⁵, деган эди. Талаб этилаётган хоҳиш-истак – *Осмон каби кенг, ғазаб каби оғир, ғамдай бенаво... тошни топиб бўлмаслигини* шоир яхши билади. Лекин у шундай тошни топиб беролмаганлик сабабларини ахтаради:

Менга бир тош топиб беролмадинг, сен –
Тошлари тупроққа айланган дунё.⁸⁶

И.Ғафуров “Ҳаё – халоскор” эссесида: “Дунё ҳеч қачон одам боласининг хоҳишлари билан ҳисоблашган эмас. Хоҳишлар тинимсиз енгилиб боради ва енгилган хоҳишлар кўнгилни ўзига мазор тутди. Ҳар бир кимсанинг кўнгли – бу енгилмас истаклар мазори. Хоҳишлари рўёбга чиқмаган одамлар дунёни тескари қурилган деб топадилар, уни хокдон ва ҳасратхона деб атайдилар ва шоирлар кўнгиллардан келиб турадиган нолаларни шеърга соладилар”, деган сўзлари Усмон Азим қаҳрамонига тарафкашлик қилгандай туюлади.⁸⁷

Шоир назарида инсон танаси бир неча бўлақларга бўлинган ва ҳар бири ўз ҳолича мустақил қисмларга ажратилган. Инсон эса ҳар бирини назорат қилиб турмоғи муҳим. Шоир тасаввуридаги бўлақларнинг худди инсонлардек “хоин” ва “сотқин”ларга ажратилишида жонлаштириш санъатидан ўринли фойдаланилади. Айниқса, бугунги тинч, мустақил, фаровон ҳаётнинг қадрига етмаётган кимсалар хоинлиги каби урчиб кетмаслиги керак. Танадаги “хоин” бўлақни англаб етиш билан уни “қатл этиш” даркор. Фақат ўлимга маҳкум

⁸⁵ Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2006. – Б.218.

⁸⁶ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995. – Б.149.

⁸⁷ Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Б.218.

этилган одамнигина қатл этиш мумкин. “Қатл этиш” – ундан бутунлай қутилиш чораси.

Ўзингни аяма,
Бешафқат бўлгин,
Жонингга солиб тур гоҳида буров
Шунда
Топилади
Хоин бўлагинг...
Унга раҳм қилма,
Қатл эт дарров.⁸⁸

Рухшунос олимларнинг таъкидлашича, иши юришмаган ёки ҳадеб мағлубиятга учрайдиган инсонларнинг етмиш фоизига уларнинг ўзларини ўзлари назорат қила олмаганликлари сабаб бўлар экан. Шеърда инсоннинг ўзига нисбатан ўта талабчанлиги, ўзини тафтиш қилиши, ақлга бўйсунмаётган “хоин” бўлакларини ўзлик чегарасига йўлатмаслик масаласи ифода этилади.

Ҳаётда инсон учун энг қийин кураш ўз қалби билан кураш олиб боришдир. Инсон танасининг ҳар бир бўлаги унинг буйруғини кутиб яшайди, хоҳиш-истакларини бажаради. Баъзан кўнгилда нималардир исён кўтаради. Шеърда мана шундай ҳолатларда инсоннинг ўзи билан кураш олиб бориши, ўзининг ички оламида ҳам осойишта вазиятларни барқарорлаштира олгандагина “сотқин бўлак”ларни енгиши мумкинлиги уқтирилади:

Ўзингни аяма,
Бешафқат бўлгин

⁸⁸ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995.– Б.124.

Жанг қил
Била туриб
Мағлубиятни,
Шунда
Чекинади
Сотқин бўлагинг –
Маҳв эт шармандани,
Маҳв эт уятни.⁸⁹

Шеър давомида инсонлар ўртасидаги ўта муҳим бўлган бирлик масаласи қаламга олинган. Бирлик бор жойда катта куч бор, уни ҳеч ким енга олмайди. Шоир: *Бир тан бўл, Бир сўз бўл, Битта тугун бўл – Фақат битта юрак, Фақат битта бош*, дея таъкидлайди. Инсон ўзи қобилиятини бир нуқтага жамлай олгандагина ўзини бошқара олади, тўғри, соғлом фикрлайди, ўзини англаган киши бошқаларни ҳам тўғри йўлга бошлайди, она юрти, миллати учун курашга чорлайди. Шоир шеър сўнгида бу дунёдан кейин ҳам “ўлик тана”нинг бўлакларга бўлиниб эмас, балки *дўстлар кўтарган бир тобутда* сўнгги манзилга етказилишини ният қилади:

Аммо курашларда қурбонлик расм,
Сени ташлаб кетса,
Сен севган ҳаёт,
Минг битта тобутда танинг ётмасин –
Дўстларинг кўтарган
Бир тобутда ёт⁹⁰.

⁸⁹ Юқоридаги манба. – Б.124.

⁹⁰ Ўша саҳифа.

Инсон танасининг бўлакларга бўлиниб кетиши оқибатида руҳ вужудни бошқара олмай қолиши мумкин. Инсон ва жамият, миллат бирлиги, унинг аҳиллиги ҳам инсон танасига ўхшайди. Шундай экан, жамият барқарорлиги, миллат бирлигини сақлаб қолиш учун ўта муҳимдир.

Усмон Азим – серқирра ижодкор. У бадий адабиётнинг даврий ва абадий мавзуларида тинимсиз қалам тебратмоқда. Шоир ижодида даврга, инсонга ва дунёга бўлган ўзига хос муносабат кўзга ташланади. Унинг ўзига хос услуби шоир яратган поэтик тимсоллар характери ва ҳолатларида яққол акс этади.

Шеърят ҳамиша инсон ва унинг кечинмалари билан ҳамоҳанг тарзда яшаб келмоқда. Чунки шеърят инсон учун энг яқин сирдош, ҳамфикр дўст, маслаҳатгўй ва кўнгил билан тана ўртасидаги аразларни ҳам яраштира олувчи руҳшунос ҳамдир. “Шеър – жонли вужуд, у ёзилмайди, фақат яратилади,”⁹¹ – дея таъкидлайди адабиётшунос олим Ботирхон Акрамов. Китобхонни ҳайратга солган шеър аслида шоирнинг ҳайратидан пайдо бўлади. Шоир ҳайратланмаса, ҳаяжонли туйғуларга берилмаса, ундан ҳақиқий шеърни кутиб бўлмайди. Шоирлик инсон танасининг яширин масканига жойлашиб олган кўнгил дарду ғамларини ифодалаш санъатидир. Шоир кўнгил эса руҳиятида кечаётган кечинмаларни, жараёнларни оқ қоғозга туширади ва шеър пайдо бўлади. “Лирик мен” руҳиятида кечаётган жараёнлар тасвири ўзига хос “ғайритабiiйлик”да юзага чиқади:

Менинг кўкрагимда отлар чопади,
Менинг кўкрагимда беаёв қирғин,

⁹¹ Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988– Б.99.

Минг битта юрагим ўлим топади,
Минг битта ҳаётим бўлади сургун⁹².

“Лирик мен” ўз тасаввурида кўкрагини майдонга ўхшатади. Кўкрак аслида инсон танасининг бир қисми. Лекин ижодкор бу ерда ташқи жисмни эмас, кўкракнинг ички қисмидаги кўнгилни назарда тутмоқда. Бу – *отлар чопадиган, беаёв қирғин* бўлаётган майдон. Ана шу “қирғин” туфайли юрак *ўлим топади*. Аёвсиз жангда юрак минг бир бўлакка бўлиниб кетган, ҳаёт эса минг бир томонга “сургун” қилинган. Шоир шу ўринда “минг битта юрагим”, “минг битта ҳаётим” каби бирикларни қўллаш орқали таъсирчанликни оширади. Шеър давомида “лирик мен”нинг танасини қамраб олган руҳга муносабати ифодаланади:

Руҳим ва дунёнинг жанггоҳларида
Оёқости бўлди фақат сабил жон,
Шиддатнинг елдим сабоҳларида
Ўлим осон эрур.
Тану жон – арзон.⁹³

Инсон руҳининг барқарорлиги ҳақида Шарқ ва Ғарб шеъриятида ҳам турли фикрлар айтилган, лекин ижодкор нияти, кайфияти ва ҳаракатини руҳ бошқариб тураётганлиги аниқ. И.Ғафуров “Руҳнинг ҳаёти” мансурасида “Нечук руҳинг қилиқларин қилолмассан назорат?” дея ҳайратланади ва руҳнинг ўз дунёси, ўз ҳаёт тарзи борлиги ҳақида фикр билдиради ва давом этиб ёзади: “руҳингга ҳоким эмассан, кучинг етмас руҳингга”⁹⁴. Усмон Азим эса ўз ру-

⁹² Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995 – Б.345.

⁹³ Ўша ерда. – Б.345.

⁹⁴ Ғафуров И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2006. – Б.130.

ҳиятида ва дунёда бўлаётган жараёнларни ўзига бўлган муносабати масаласини ҳам ёритиб кетишга ҳаракат қилади. Руҳ ва дунё оралиғида фақат жонгина таслим бўлди. Инсон танасининг кучи руҳнинг ҳаракатларини енга олмади. "Оёқ ости" бўлган юрак "шиддатнинг", чақмоқдай тезкор вақтнинг ҳукмига бўйсунди ва жуда осон ўлим топди. Шоир: "Ўлим осон эрур. Тану жон – арзон", деганда руҳнинг абадийлиги, фақат танагина ўлим топишига ҳам ишора қилиб кетмоқда.

Усмон Азимнинг "Кузги боғ. III" туркум шеърлари қаторига кирган "Пала-партиш бефаҳм сурон" деб бошланувчи шеърида шоир қалби оғриқлари, ички туғёнларини кузатиш мумкин:

Пала-партиш бефаҳм сурон
Кир-чир оёқларин остида –
Поймоллади мени беомон
Руҳимни парчалаш қасдида.⁹⁵

Дунёда инсон кўнглидан нозикроқ нарсанинг ўзи йўқ. Билиб-билмай қилинган ҳаракат, ўйламай айтилган сўз кўнгилга қаттиқ зарба бериши, баъзан парча-парча қилиб бўлиб юбориши ҳам мумкин.

Усмон Азимнинг юқоридаги шеърида қалбга озор етказиш, инсон руҳини синдириш, нафақат синдириш, балки "парчалаш" мақсадида қилинган "пала-партиш бефаҳм сурон"нинг ҳаракати ифодаси берилган. "Сурон" поэтик тимсоли мажозий маънода қўлланган бўлиб, бу ўринда тарбиясиз, маданиятсиз, инсон кўнглини тушунмайдиган, ичи қора, нияти қора кимсалар ҳаракатини тушуниш мумкин.

⁹⁵ Усмон Азим. Сайланма. –Тошкент: Шарқ НМАК, 1995. – Б.393.

Усмон Азимнинг “Сизга заррача йўқдир ҳасадим” деб бошланувчи шеърида ҳам “лирик мен”нинг қалбидан чиқаётган самимий ҳиссиётлар, орзулар ифодасини ва руҳиятида қўзғалаётган ҳаракатларни кўриш мумкин:

Сизга заррача йўқдир ҳасадим
Фақат турналарга қалбимда ҳавас.
Улар ўтар экан, тирик жасадим
Туб-тубида руҳим қўзғалар бесас.⁹⁶

Инсон юраги билан руҳиятида кечаётган жараёнлар мутаносиблиги ижодкорни ёзишга ундай олади. Шоир кўнгил ана шу ҳолатларни ҳис қилган ҳолда жисмида яшаётган руҳининг кўтаринки ва тушкун кайфиятларини оққоғозга туширишга ҳаракат қилади.

Усмон Азим бир шеърида бу олам мўъжизалар олами эканлиги ва унинг ўзи ҳам бир мўъжиза эканлиги ҳақида ёзади:

Сир кўп олам қаърида,
Мўъжизага кон олам,
Бу ҳаётнинг бағрида
Мўъжизадирман мен ҳам.⁹⁷

“Ташқи дунё, унинг унсур ва ҳодисаларидан сиру синоат излашга фарқ бўлиб шундоқ ёнимиздаги одамларнинг кимлиги ва уларнинг дилида нималар яшириниб ётганлигини баъзан унутамиз ёки уларга бефарқ қоламиз.”⁹⁸ Дарҳақиқат, инсон яралишининг ўзи бир мўъжиза. Инсон

⁹⁶ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995 – Б.231.

⁹⁷ Юқоридаги манба. – Б.76.

⁹⁸ Аъзамов А., Ҳаққулов И. Масъул сўзга масъуллик. Бадий сўз шукуҳи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987 – Б.230.

руҳияти масаласи ҳали илм-фан ўрганиб бўлмаган сирли ҳодиса. Шоирларнинг осмон, ой, юлдуз, ер, шамол, дарё, ўсимликлар дунёси кабилар билан сўзлашиши, мавжуд ҳаёт билан тиллаша олиши, шеър ёзаётган паллада ана шу ғайритабiiй дунёга тушиб қолишининг ўзи бир мўъжиза.

Усмон Азим яна бир шеърда шоирларни хушёрликка, ғафлатда қолмасликка чақиради:

Отим қолар демагин
Бу дунёда шоирим.
Номард тўфонлар турса,
Отингдан гард қолмагай.
Зотим қолар демагин
Бу дунёда, шоирим,
Қисмат тескари бурса,
Зотингда мард қолмагай.⁹⁹

Дарҳақиқат, “инсон боласи икки тош орасида яшайди”, деган гапда жон бор. Тошнинг бири қулаб кетса, инсонни нималар кутишини ҳеч ким билмайди. Шоир таъкидлаган мангулик белгилари ҳисобланган инсондан авлодлар, қутлуғ номларнинг қолиши ҳам абадий эмас экан. Булар қатори шоир ҳам менинг асарларим қолади, дея ўзини овутгани билан қисматнинг тескарига бурилиши унинг орзуларини пучга чиқариши аниқроқдир. Шунинг учун ҳам ижодкор бўлиш вазифасини елкага олган инсон бутун умрини, борлиғини бу дунёнинг дардини куйлашга, “териш”-га бахшида этмоғи шарт ва зарур:

Бу дунёнинг дардини
Териб кетгин, шоирим.

⁹⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995 – Б.182.

Жонингга ачинмагин –
Кетмайдими чириблар!¹⁰⁰

Олам яралгандан буён Одам Ато ва Момо Ҳавво авлодлари мавжуд ва ер юзида яшаб келмоқда. Ҳар бир ўтаётган дақиқа биз учун тарихга айланиб бормоқда. Кундалик ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисалар, маънавият, адабиёт ва санъат дурдоналари ҳам келажак авлод учун бой маданий меросга айланмоқда. Лекин юқорида таъкидлаганимиздек, қисматнинг тескари бурилиши инсон ҳаётини, келажagini ҳам ўзгартириб юбориши мумкин. Аммо асрлар оша авлоддан авлодга етиб келувчи халқ оғзаки ижоди жанри ҳисобланган қўшиқ мавжудки, у ҳамма замонларда ҳам абадий яшаб қолиши мумкин. У шундай бир сир-синоатки, унинг таъсир кучи қалбларни ларзага келтира олади. Усмон Азим шеърда ана шу қўшиқ детали орқали инсон ҳаёти давомида қила олган эзгу ишларининг натижаларини назарда тутди.:

Бу дунёга бир қўшиқ,
Бериб кетгин, шоирим, -
Марҳумлар уйғонсинлар,
Ухлолмасин тириклар.¹⁰¹

Усмон Азим шеърый услубида фалсафий, сиёсий, ижровий лирика турлари, гоҳо халқона – бахшиёна тарзда куйланган шеърларни кузатиш мумкин. Шоир поэтик оламини дунё ва инсон каби бетакрор тимсоллар, гўзал тасвирий воситалар, теран мушоҳада безаб туради.

¹⁰⁰ Ўша саҳифа.

¹⁰¹ Ўша ерда. – Б.182.

Усмон Азим лириканинг қайси турида ва қандай мавзуда шеър ёзишдан қатъи назар инсоннинг ўзлигини англашига, жамиятда тутган ўрнини, қалбида кечаётган жараёнларни тўғри баҳолай олишига қаратилгандир. Шеър ҳаяжон ва армондан туғилади. Шоирнинг ички кечинмалари китобхон учун ҳам нақадар яқин ва таниш. Шоирнинг армонли дунёси ўқувчи дунёсига жуда-жуда ўхшаб кетади. Шоирнинг ўқувчидан фарқи халқининг дарду ташвишини елкага олиб, унинг ҳаловати, шону шавкати йўлида оромидан кечади. Халқ эрки, Ватан озодлигини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилади. Усмон Азим сара шеърларида Ватан ишқида тўлғонаётган инсоннинг ички кечинмаларини ифодалай олган поэтик тимсол мавжуд. Унинг шеърларида кўшиқдан, шижоатдан, ҳақ сўздан писиб яшайдиган қилвири ўғрилардан бошлаб, шуҳрату мағрурлик кўчаларида Ватанини сотган юртфурушларгача виждонсизлар лаънатланади:

Биров Ватанини бурдалаб отди
Шуҳрату мағрурлик кўчаларида.
Ватаннинг кўзини мен излаб топдим,
Шеъриятнинг узун кўчаларидан¹⁰².

Инсон боласи дунёга келар экан биринчи маротаба онанинг иссиқ бағридан жой олади, она меҳрини ҳис этади. Аста-секин тилга кирганида эса биринчи айтган сўзи ҳам она сўзи бўлади. Усмон Азим яратган поэтик тимсолларда ҳақиқат ўзгача. Шоирнинг “Бахшиёна” туркумида Алпомиш Барчинга илк бор “Ватан” сўзини ўргатишни уқтиради:

¹⁰² Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995. – Б.98.

Оламда кўп эрур ибора.
Бир сўз бор – оғриқдан иборат
У – Ватан! Барчиним у – Ватан!
Боламга “Ватан” де илк бора¹⁰³.

Шоир бир шеърида *Парчалансам, мени қўшиқ бирлаш-тирар* деган мисра бор. Лекин бу йиғиштирувчи қўшиқни бош мазмуни нима?

Бўлиниб боряпман минг бир бўлакка,
Она, оқибатим адашиб кетди.
Болам, қаерларда қолди шавкатим?
Севгилим лабини йўқотиб қўйдим¹⁰⁴.

Инсон қалби, ақлу вужуди қанчалик бўлинмасин, уларни бирлаштирадиган, лаҳзада яхлит қудратга айлантирадиган бир сўз бор. Бу сўз – Ватан. Ватан сўзин такрор айтиш билан юрак, ақл, тана бирлаша бошлайди:

Ватан дейман, такрор айтаман Ватан
Бирлаша бошлайди юрак, ақл, тан¹⁰⁵.

Бу шеър хусусида адабиётшунос Й. Солижонов шундай фикрлайди: “Мабодо лирик қаҳрамон – шоир минг бир бўлакка бўлиниб кетса ҳам, “Ватан” деган сўзни эшитганда қайтадан бирлашиб, тирила бошлайди, қаддини тиклайди. У Ватан сўзидан вужудига қувват, мақсадига журъат, юрагига жасорат олади.”¹⁰⁶ Шеърят зиммасидаги биринчи вазифа – Ватанга муҳаббатни уйғотиш. Қалбида ватан

¹⁰³ Юқоридаги манба. – Б.203

¹⁰⁴ Юқоридаги манба. – Б.215

¹⁰⁵ Ўша ерда.

¹⁰⁶ Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт. – Тошкент : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2013. – Б.88.

ишқи ёнган ижодкоргина ҳақиқатни ёза олади. Шоирлик бир умрга ўзлигини намоён қилиш, халқ, юрт манфаатлари йўлида жонидан ҳам кечиш, кўнгил тубидаги сара сўзларни топиб айтиш демакдир. Шундагина у яратган сатрлар бир умрга кўнгилдан маскан топади, абадий яшайди:

Кўкрагимда гуллайди маҳзун
Шу беэга тупроққа шафқат.
Ўргатаман бўғзим, лабимни
“Ватан” сўзин айтмоққа фақат.¹⁰⁷

Инсоннинг киндик қони тўкилган замин она юрт деб аталиб, у ўзлигини англай бошлаганида Ватан тушунчасини ҳам англайди. Ватан ҳар бир инсон учун нақадар азиз ва қадрли эканлигини, унинг учун ҳамма нарсадан, керак бўлса жондан ҳам кечмоқликни тушуниб етиш ўта муҳим хислат. Ватан сўзини айтиш учун бўғиз ва лабни ўргатиш мажозий маъно касб этадики, бу сўзни айтишга шунчаки уриниш эмас, балки муқаддас туйғуни ҳис этиш, унинг тараққиёти учун ҳисса қўшиш демакдир.

Мен ўламан – тобутда руҳим
Хавотирдан туради тикка...
Ватан, сенга бу танҳо жоним
Улгурдими қоришмоқликка?¹⁰⁸

Бу дунё абадий эмас. Ҳар ким ҳам бир куни, албатта, дунёни тарк этиши тайин. Вужудини она тупроқ, яъни Ватанга қоришиб кетишга улгура олдими? дея шоир руҳи хавотирда. Инсон қалби, вужуди билан она юртга меҳр қўйгандагина, унинг яхши-ёмон кунларида унинг билан

¹⁰⁷ Юқоридаги манба. – Б.214.

¹⁰⁸ Ўша асардан.

бўлгандагина унга бирлашади. Тупроққа қўшилиб кетиш, унинг бағрига сингиб кетишда ҳам мажозийлик мавжуддир. Шоир *бахтдан бебахтлик, роҳатдан заҳмат, шафқату заҳматдан қарғишу лаънат* топган ва *дўзахий жаннатни* топган бўлса ҳам оқибат, – дея тушкунликка тушмайди.

Шоир шунча сўзни айтгани билан рост сўзга ўхшата олмайди. Бу сўзлар қалбидаги тошни эритиб, кўзидан ёш оқизмайди. Фақат бир сўз қалбига мос тушади. Бу сўздан журъатни топади. Бу сўз – Ватан:

Кўп сўзни ёздим, аммо қоғозга рост тушмади,
Ақлимдан тош тушмади, кўзимдан ёш тушмади,
“Ватан”дан бошқа бир сўз қалбима мос тушмади,
Шу сўздан журъатни топдим – оқибат гап шунда.¹⁰⁹

Шоир учун Ватанни нафақат севмоқ, ундан ғурурланмоқ, қувонмоқ эмас уни англамоқ муҳимдир. “Услуб – ижодкор сийратининг акс этиши. Сийрат – ўзлик, индивидуаллик, ҳеч кимникига ўхшамайдиган асос. Истеъдод – индивидуалликнинг тиниқ кўриниши, шахс бетакрорлигининг ёрқин ифодаси”,¹¹⁰ – дея таъкидлайди адабиётшунос А.Расулов. Ижодкорнинг ўзига хос услуби унинг макон ва замонда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри танлай билиши, уни ўз хаёлидаги олам билан уйғунлаштира олиши, ўзига хос турли рамзий ва мажозий поэтик тимсоллар ярата олиши, гўзал бадий тасвир воситалари орқали ифодалашида кўринади. “Бадий асарда намоён бўлган шоир услубининг бир қирраси бадий асар услубини ҳам ташкил қилади. Шоир услуби унинг асарларини ташкил этувчи барча бадий компонентларда кўзга ташланади. Усуллар

¹⁰⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995 – Б.240

¹¹⁰ Расулов А. Адабий танқиднинг таҳлил йўллари. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 24.

мажмуасида ҳам индивидуал услуб қиррасини топиш мумкин. Умуман, ҳар қандай бадий компонентларда ҳам услуб белгилари ётади”, деб ёзади Н.Раҳимжонов¹¹¹.

Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон ва Усмон Азим ижодидаги муштараклик, яқинлаштириб турувчи куч улар ижодининг исёнкорлигида эди. Бу ижодкорлар фикр ва туйғуни гўзал сўзлар орқали ифодалаш эмас, тўғри фикр ва рост туйғу ифодалаш лозимлигини исботлай олишди. Инсон деган номни улуғлаш, унинг камситилишига, хўрланишига йўл қўймаслик уларнинг олий мақсади бўлди.

Биринчи боб юзасидан хулосалар:

1. Хуршид Даврон кашф этган поэтик оламда ўтмишдаги хатолардан, инсон деган шарафли номнинг таҳқирланишидан қалби эзилаётган, сотқин, қўрқоқ ва диёнатсиз кимсаларга бўлган нафрат ҳиссини юрагидан чиқара олмаётган, тарихга, ўз миллатининг тақдирига, она юрт истиқболига бефарқ бўлмаган зиёли поэтик тимсол мавжуд.

2. Шавкат Раҳмон услубида фалсафий-ижтимоий руҳдаги шеърлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Шоирни ижтимоий ҳаётда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар, инсоний муносабатлардаги зиддиятлар, фуқаролик бурчи, шоирлик масъулияти ўйлантиради.

3. Усмон Азим – серқирра ижодкор. У бадий адабиётнинг даврий ва абадий мавзуларида тинимсиз қалам тебратмоқда. Шоир ижодида даврга, инсонларга ва дунёга бўлган ўзига хос муносабат кўзга ташланади. Унинг ўзига хос услуби шоир яратган поэтик тимсоллар характери ва “лирик мен” руҳиятининг турли ҳолатларида яққол акс этади.

¹¹¹ Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2003. – Б.56.

Иккинчи боб. ШЕЪРИЯТДА ПОЭТИК УСЛУБНИНГ ИФОДА ШАКЛЛАРИ

2.1. Шеъриятда рамзий-мажозий тимсоллар ва уларнинг шоир ўзига хослигини белгилашдаги ўрни

Шеърий нутқда ҳаётини воқеа, тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиларкан сўз ёки сўз бирикмаси қўлланилади ва рамзий-мажозий тимсоллар яратилишига асос бўлади. “Рамз – символ кўчим турларидан бири, фақат шартли равишда ва шу матн доирасидаги кўчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси, образлиқ тури”¹¹², – дейилади адабиётшунослик луғатида.

Хуршид Давроннинг “Осмонда бир пичоқ учиб юрибди” деб номланган шеърида рамзий-мажозий маъно уйғунлигини кузатиш мумкин:

Осмонда бир пичоқ учиб юрибди –
Булутларни кесар – булутлар ўлмас.
Нурларни кесади – нурлар кесилмас,
Осмонда бир пичоқ учиб юрибди.¹¹³

Маълумки, осмонда пичоқ ҳеч қачон учмайди. Шоир бу ўринда қушларга хос бўлган хусусиятни жонсиз предмет пичоққа нисбатан қўллайди ва жонлантиришдан фойдаланади. *Пичоқ* булутларни кесади, нурларни кесади, бироқ уларни йўқотишга қучи етмайди. Шеърда ифодаланган *пичоқ* тимсоли ёвузлик белгиси сифатида гавдаланса, *булутлар* – мусаффолик, *нурлар* – ёруғлик, абадийлик маъ-

¹¹² Қуронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б.244.

¹¹³ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.61.

носини англатади. Шеърда *Ёғдулар, булутлар кўкда* – осмонда худди сувдек оқиши, осмонда учиб юрган пичоқни кўриб инсонлардек *ёқа ушлаб* қарашларини ишонарли, жонли тасвирларда чизади. Шеър сўнггида ана шу *пичоқ* нинг қилмишлари очилади:

Бу пичоқ шоирнинг қанотин қирққан –
Шундан учиб юрар осмонда ўзи.
Осмонда бир пичоқ учиб юрибди –
Кимнидир аланглаб излайди кўзи...¹¹⁴

Иқтидорли ижодкорларнинг душманлари ҳамма замонларда ҳам мавжуд бўлган. Душманлик ва ёвузлик учун даврнинг ва тузумнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Шоирнинг топилмаси *пичоқ* – хасадгўй, ичи қора, ёруғлик ва эзгуликни кўра олмайдиган инсонларнинг бир тури сифатида гавдаланади. Яъни, бундайлар Чўлпон, Қодирий, Усмон Носирлардек буюк ижодкорларнинг учқур қанотини қирққан, Ойбекдек табиат шайдоси тилини боғлашга, руҳини чўктиришга уринган кимсалардир. Бундайларнинг ҳамон мавжудлиги, яна бир иқтидор эгасини, яна бир миллат фидоийсини *аланглаб излаётгани* шоирни ташвишга солади. Шеър орқали бошқаларни ҳам огоҳликка, хушёрликка чақиради. Адабиётшунос О.Шарафиддинов XX асрнинг 70-йилларида шеъриятга кириб келган ижодкорлар авлоди ҳақида: “улар мана шу бақувват заминга таяниб, бугун шоирона сўзнинг янги имкониятларини изламоқдалар, шеърий шаклларнинг ранг-баранглигига, тасвир воқиталарининг ўзига хослигига, поэтик образлар системасининг оригиналликка интилмоқдалар” деб ёзганида улар

¹¹⁴ Ўша саҳифа.

ижодидаги поэтик ўзгачаликлар назарда тутилган эди¹¹⁵. Бу авлод вакиллари орасида Хуршид Давроннинг ҳам ўз ўрни бор, албатта.

Хуршид Даврон “Ойбек” номли шеърида шоир ижодининг турли йўналиш ва қирраларини кўрсатиб беради: *Ойбек – бу майсага чўккан бужур тош, Ойбек – бу дарахтзор устида қуёш, Ойбекнинг шеърида ўйнайди бу нур, Ойбекнинг шеърлари бамисли нигоҳ, Шеър – фақат қуш тили, деганди шоир, У тилин қайтариб берди қушларга, Шеър – юлдуз киприги деганди Ойбек, Ўзи киприк эди Ўзбекистонга каби мисралар билан шоир ижодий қиёфасини дунё, замин, табиат, ватан, инсон билан ижодий мулоқотда турли метафорик образлар орқали ифодалайди. Ойбекнинг поэтик маҳорати ҳақида адабиётшунос олим А.Сабирдинов: “Шоир шеърларидаги ўзига хос тасвир сажиясида табиатнинг ҳар бир ҳодисасидан гўзаллик топа билишлик фазилати яққол кўзга ташланади. Бу – Ойбек шахсиятидаги кенг феъллик, саҳоват, некбинлик хислатларининг инъикосидир. Пейзаж шеърларида шоир табиатнинг турфа ранглари, сир-синоатлари ва ҳолат-ҳаракатлари тасвирида бисотидаги сара сўзларни сатрларга сочиб юборгандек бўлади.”¹¹⁶ – дея таъриф беради.*

Ойбек ҳаётида бўлиб ўтган қарама-қаршиликлар шоир саломатлигининг йўқолишига, қаттиқ руҳий тушкунликка тушиб қолишига сабаб бўлган. Шоир ўзи таъсирланган ҳаётӣй воқеа-ҳодисаларни кузатиши ва ўйларини таъсирчан ифодаларда осуда, сокин баён этиш орқали Ойбек руҳиятини очиб беради:

¹¹⁵ Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б.6.

¹¹⁶ Сабирдинов. А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол. фанлари д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.197.

Ойбек – бу оғриқни қари тол каби
Юракнинг тубида асраган сўзлар
Барча ҳасратини жим туриб лаби
Энг яқин дўстига сўзлаган кўзлар¹¹⁷.

Шеърдаги бу ҳолатлар шоирнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ходисаларнигина эмас, балки Ойбек ижодий йўналишининг ҳам турли қирраларини очиб беришга ёрдам беради.

Шоир куз фасли якунига етиб, қишнинг ташриф буюришини табиат тимсоллари орқали жонли лавҳаларда ифодалайди:

Қушлар кетди.
Булутлар қайтди.
Қолди яна маъюс дарахтлар...
Далаларга қиш маликасин
Оқ рўмоли – қиров тушади.
Сирға ос, деб куз дарахтларнинг
Қулоғини секин тешади¹¹⁸.

Хуршид Даврон идроки – *маюс дарахтлар, қиш маликасин оқ рўмоли, қулоғи тешилган, сирға осилган дарахтлар, қушлар, булутлар* ифодасини ёрқин метафораларда чизади. Шоир ҳаётнинг, борлиқнинг ва тирикликнинг энг муҳим муаммоларини ечишга интилади. Дунёни, борлиқни рангин чизгиларда кўради. Борлиқдаги ҳар бир нарса ёки предметнинг иккинчи номини излайди ёки тўқиб чиқаради. Инсон табиатнинг бир бўлаги бўлганлиги учун ҳам

¹¹⁷ Юқоридаги манба – Б. 41.

¹¹⁸ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Б. 169.

табиатдаги бошқа нарсаларнинг кўчма ёки рамзий маънодаги тасвири бўла олган.

Хуршид Даврон ижодида ўтмиш воқеа-ҳодисаларига юксак маънавий назар билан боқиб, бошқалардан ҳам мана шу эътиборни талаб қилиш каби муносабатлар борки, бу ҳар қандай инсонни миллат тарихини ҳимоя қилишга, миллий қадриятларни эъзозлашга ундайди. У мозий саҳифаларини билмай туриб бугунни англаб бўлмаслигини яхши тушунади. Шундай туйғу ва кечинмалари уни Самарқанддаги озодлик ҳайкали қошига олиб келади:

Хазонлар...
Хазонлар боққа ҳукмрон,
Тилларанг бўёққа бўялган олам.
Озодлик ҳайкалин қошига бу он
Эзгу ўйларимни олиб келдим мен.¹¹⁹

Шоирнинг ташрифи олтин куз фаслига тўғри келяпти. Чунки шоир тасвирлаганидек *Тилларанг бўёққа бўялган олам* да, яъни кузда инсон ҳаётлари узоқларга кетади. У мана шу ҳақиқатларда озодлик учун, эрк учун курашган ботирлар руҳи билан суҳбатлашишни мақсад қилади:

Бу ерда кўксимга изтироб битган
Қиссалар тошини ирғитиб, тиниб,
Шу қутлуғ заминнинг қўйнида ётган
Ботирлар руҳини чорлайман ёниб¹²⁰.

Шоир кўз ўнгида бирдан тарих, ўтмиш қайта жонланади, ундаги эрларнинг овозлари қулоғига эшитилади. Ердан япроқларга қонлар сачрайди ва энди шоир ҳаёлида:

¹¹⁹ Хуршид Даврон. Тўмариснинг кўзлари. – Тошкент: Ёш гаврдия, 1984. – Б.66.

¹²⁰ Ўша манба. – Б.66.

Дарахтлар эрк дея курашган лашкар, Кўлига инқилоб берган яловдек, Дарахтлар эрк дея навқирон аскар, Ёнган, озодликнинг қалби-оловдек. Дарахтлардаги ҳолат лирик қаҳрамон қалбини ҳам забт этади. Унинг юрагига ўт бўлиб киради.. Бу ўт, олов шоир қаршисида гувиллаб ёнади, унинг учқунларини шамол кўкка учиради. Бу мисраларда шоир дарахтларни эрк дея курашган лашкарга эрк дея талпинаётган навқирон аскарга ўхшатади. Шоир рамзий тимсолнинг етакчи хусусиятидан фойдаланади. Рамз образли ифоданинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Озодлик! Тилингда ҳайқириқ бўлган Сўзни ким ўчирар қабртошлардан?! Озодлик! Уйқусиз кўзингга тўлган Тердай аччиқ, қонли ва шўр ёшлардан. – дея, озодликнинг ўчмас, мангу қиёфасини гавдалантиради. Шоир боболарини озодлик қаршисидагина тиз чўкиб ўлганлигини, фақат озодликкагина тиз букканини таъкидлайди Ҳайкал остида ёниб турган оловни шоир олов озодлик ундирган гиёҳ деб атайди. Бу оловнинг тафтидан юрак ёнади, олов юрак шаклига киради.

Шеърдаги *дарахт, гиёҳ, олов* каби рамзий тимсолларнинг яна бир муҳим вазифаси шуки, у лирик қаҳрамон руҳиятида туғён уйғотади. Шоир хаёллари озодлик учун кураш олиб борган, ҳаётини эрк учун тиккан ўтмишдаги ота-бобларининг руҳидан фориг бўла олмайди. Шеърда *дарахт, гиёҳ, олов* кураш рамзи сифатида келаётгани равшан.

Мумтоз шеъриятда ҳам гул тимсоли аёл кишини, булбул эса ошиқ йигит тимсолини англатган. Айниқса, ўсимликларнинг рамзий ва мажозий ўринларда акс этиши инсоннинг табиат билан уйғунлигини, муштараклигини кўрсатади. Чинор дарахти мисолида мустаҳкам ва матонатли инсон қиёфаси кўз олдимизга келади. Сарик гул – айрилиқ, қизил гул эса учрашув рамзи, кабутар – тинчлик, нон ва туз ризқу рўз рамзини ифодалаб келган. Санъатда ҳам бадий

адабиётда ҳам табиатдаги барча предметлар, нарсалар ижодкор томонидан мажозий ва рамзий маъноларда ифодаланган.

Рамз-мажоз образли фикрлашнинг энг муҳим шартларидан биридир. Чунки рамзий-мажозий тимсоллар маъно англатишда, шеърда таъсирчанлик, юксак эмоционаллик бахш этишда муҳим роль ўйнайди. Шоир Шавкат Раҳмон замон билан ҳамнафас ижодкор. Жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий томонларига чуқур нигоҳ билан назар ташлайдиган, ҳаёт заминидан пайдо бўладиган иллатларни, муаммоларни тўғри англаб етадиган, лоқайдликдан нафратланадиган, туйғуларини самимий ва яшовчан шоир. Унинг “Бўрилар” номли шеърда жамият аъзоларидан бир гуруҳи ўз инсонийлигини йўқотиб, ваҳшийлашиб кетганлиги ва инсониятни қириб бораётганини ифодалайди:

Қирғин келди
вабо келгандай.
мурдалар ҳам турди гўрида –
кўпикланган қора селлардай
урчиб кетди қонхўр бўрилар¹²¹.

Шеърдаги “бўрилар” тимсоли мажозий маънода келган бўлиб, у инсонларни маънавий жиҳатдан ғажийди, қалбига озор беради. Инсониятга келган бу “вабо”ни кўриб ҳатто мурдалар ҳам гўрида тик туради. Бу ваҳшийларнинг сони эса кундан кунга кўпайиб бораверади. Уларнинг дастидан эса ўлкада ватаннинг асл фарзандлари “ғажиб” ташланди, юртда зиёли, иқтидорли кимсалар қолмади. Маънавияти, ўзлиги, эрки поймол қилинди:

¹²¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.172.

Эл қирилди туркий ўлкада,
эр қолмади – келди ажали,
ким қонига ботди йўлкада,
ким ғажилди намоз маҳали¹²².

Шоирнинг назарида маълум йиллар ўтиши билан бу воқеалар унутилгандек туюлди. Аммо ҳар қандай замонда ҳам у инсониятга огоҳ бўлиб яшашни уқтирмоқда. “Аҳли муслим”ни ҳушёрликка даъват этмоқда. Аждодларимиз ётган ерлар биз учун нақадар муқаддас эканлигини, душманлар унга тумшуғини суқишга йўл қўймаслигини таъкидлайди. Бугунги авлод ота-боболари яшаб ўтган ерларни асраб-авайлаши, эъзозлаши, ҳатто улар ётган қабрини ҳам қаровсиз қолдиримаслиги, ҳимоя қилмоғи шарт эканлигини уқтиради:

Токим
ҳар бир муслим қабрига
ҳеч яширмай кўзда ёшини
авлодлар ҳам лаънат лавҳимас,
қўйса дейман қабр тошини¹²³.

Маълумки, тоғ – буюклик тимсоли. Ҳаёт пайдо бўлган даврдан бошлаб виқорли тоғлар мавжуд ва абадий. Биз яшаб турган заминдаги жонли ва жонсиз предметлар шеърда баъзан ўз маъносида ва мажозий маънода қўлланади. Шоир “Ўш тоғлари” шеърида истеъдодли рассом, буюк қалб эгаси Шухрат Абдурашидовнинг рамзий қиёфасини тоғ тимсоли оркали ифодалайди:

¹²² Ўша ерда.

¹²³ Ўша манба. – Б.173.

Қуладими, чўкдими бу тоғ,
Тоғ ўрнида қолди бир қабр?!
Тоғларини йўқотиб, сарсон –
Кўзёш тўкар бир тўда абр¹²⁴.

Бу шеърдаги тоғнинг қулаши, борлиқда йўқолиб кетиши унинг яқинлари, дўсту биродарлари қалбини вайрон қилади ва кўз ёшларининг тўкилишига сабаб бўлади. Кейинги тўртликда эса тоғ тимсолининг мазмун моҳияти янада чуқурлашади. Шоир тоғ тимсоли орқали ўзининг маънавий таянчлари бўлган устозларини ҳам назарда тутди:

Қуладими, чўкдими бу тоғ,
Юрагимда ортди доғларим?
Билолмайман, ўн йилдан кейин
Кўрарманми сизни, тоғларим¹²⁵.

Рамзий-мажозий тимсоллар маъно чуқурлаштириш, шеърга таъсирчанлик, юксак эмоционаллик бахш этишда муҳим роль ўйнайди.

Шавкат Раҳмоннинг “Тўсатдан ғойиб бўлган бошсиз ҳақида энг замонавий ривоят”ида жамият тараққиётига ғов бўлиб яшаётган, бировнинг ўрни, лавозимини эгаллаб кун кўраётган, ҳеч кимга нафи тегмайдиган, илмсиз кимсаларнинг қиёфаси чизиб берилади. Ривоятнинг замонавийлиги шундаки, қаҳрамонлар орамизда яшаб юрган бугуннинг кишилари. Шеърда “бошлиқ” ва унинг югурдаги “бошсиз”нинг поэтик тимсоли гавдаланган. “Бошлиқ” – қандайдир йўллар билан юқори лавозимлардан бирини эгаллаб

¹²⁴ Шавкат Раҳмон. Абадият оралаб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – Б.61.

¹²⁵ Ўша китоб. – Б.61.

олган, саводсиз кимса. “Бошсиз” ўзининг мустақил фикр ва қарашларига эга бўлмаган, фақат “бошлиқ”нинг айтганларини бажарувчи манқурт тимсолидир. Шеърдаги тасвир ва ифода уйғунлигида бу икки зарарқунанданинг жирканч қиёфалари ўқувчида нафрат ҳиссини қўзғайди:

Курсига ёпишиб қолган бошлиққа
Бошсиз кириб келди –
Кийгандай пийма –
Бурнини қоқаркан улкан ёшлиққа,
Бошлиқ тўнғиллади: – Парфия нима?
Бошсиз талмовсирар, қарар анқайиб
Гўё етти қават ернинг тагидан.
Миясин қоқаркан бошлиқ бақрайиб,
Тағин тўнғиллади:
– Парфия нима?
– Парфия... Парфия... –
бошсиз шивирлар, –
бирор матоҳ бўлса керак-да ноёб.
Курсидан нимадир аста ғимирлаб,
Буюрар: – Кечгача Парфияни топ!¹²⁶

“Бошсиз” Парфия нима эканлигини билмасдан базага, бозорқўмга, таниш-билишларига қўнғироқ қилади, сўраб-суриштиради. Парфияни биронта “ноёб матоҳ” бўлса керак, деб ўйлайди. Ҳеч кимдан, ҳеч қаердан топа олмай турган пайтида бир қўшнисини учратиб қолади. “Бошсиз”нинг кулгили ҳолатини кўрган қўшниси ундан нима излаб юрганини сўраб қолади:

¹²⁶ Шавкат Раҳмон. Ҳулво. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – Б.14.

Не излаб юрибсиз, деган саволга:
– Ҳа шу парфияни, – деди минғиллаб.
– Э, қўйинг ҳазилни, – қўшниси кулар, –
бу қурғурни топиш ўзи қийин-да:
Бошсизга жон кирар,
тинмай уҳ-уҳлаб
қанчага бўлсаям...
қўлланг, дер чиндан.
Қўшниси қичқирар
кулиб наридан:
– Парфия қадимги давлатнинг номи!
Гўё етти қават ернинг қаъридан
Нес бўлиб чақчаяр одамнинг хоми.¹²⁷

Шоир шеър сўнггида “бошсиз”нинг шаҳардан ғойиб бўлганлигини ёзади. Кимдир ўтибди деса, кимдир кўчибди, деб айтади. Шоир ўз хулосасини шундай ифодалайди:

Хуллас, бу дунёдан калласиз, ёшсиз
Кимсанинг овози бутунлай ўчди.¹²⁸

Шоир китобхонларга “бошсиз”ни қаерга кетган экан, “елкали” – дея, ҳазил аралаш ўз хулосаларини чиқаришлари учун давомини ўзларига ҳавола этади.

Шоирнинг ўзи: “давомин ўзича тўқисин ҳар ким”, – дея таъкидлайди. Шеърдаги “бошлиқ” ва “бошсиз” тимсоллари мажозий маънода қўлланган. Бу иккисининг ҳам елкасида “бош” деб аталаётган тана қисми бўлгани билан аслида бу бир бўшлиқ эди. Шеърнинг бир неча маънолари ҳам бўлиши табиий. Парфияни нима эканлигини билмаган, у ҳақида

¹²⁷ Ўша манба. – Б.14.

¹²⁸ Ўша ерда.

ўқимаган, эшитмаган, тасаввури ҳам йўқ бу кимсалар қандай қилиб давлат бошқарувини ўз қўлига ола олади?! Бу ўринда собиқ тузум давридаги давлат бошқаруви беихтиёр кўз ўнгингизга келади. “Бошсизлик”, “бошбошдоқлик” ҳукмронлиги, “лаббайчилик”, “шахсга сиғиниш”, ўтмишга, маданий меросга бўлган эътиборсизлик кабилар шоир қалбини ўртаганлиги аниқ.

Шавкат Раҳмон ижодида рамзий маънода қўлланган поэтик тимсол турларининг ҳам ўзига хос ифодаси кузатилади. Шоир бир шеърида олов поэтик тимсолини яратди ва ўзининг ички ҳис-туйғуларини ошкор этади:

Лабларимни куйдириб ўпдим,
охир сенга етишдим, олов!
Титраётган кучли қўлимда
Ҳилпирайди бамисли ялов¹²⁹.

Маълумки, олов ёнаётган паллада ҳеч нарсани аяб ўтирмайди. Борлиқ, табиат, ҳайвонот дунёси, инсониятни ҳам бир зумда қулга айлантириши ҳеч гап эмас. Олов – куч, қудрат рамзи. Шеъриятда олов тимсоли кураш, куч-қудрат рамзи сифатида қўлланилади. Юқоридаги шеърда шоир қалбининг ички туғёнлари кураши ва юракнинг олов бўлиб ёниш даражасига етиши кузатилади. Шоирнинг ички “мен”и олов билан ўзини кучли, қудратли сезади.

Ёлқинингда қайрагин, исит
қишки осмон каби кўзимни.
Сендай қўҳна исёнкор билан
қудратлироқ сездим ўзимни¹³⁰.

¹²⁹ Шавкат Раҳмон. Абдиёт оралаб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012 – Б.60.

¹³⁰ Ўша ерда.

Шавкат Раҳмон шеъриятида юракнинг бундай курашчан кўринишларини кўплаб учратиш мумкин. Шоир бир шеърида: “Қуёш, сендай яшасам ёниб, писанд қилмай аёз-ни, қишни” – дейди. Қуёш тимсолида ҳаёт мавжудлиги, ёруғлиқ, қудрат ва мангуликнинг рамзий ифодаси кузатилади. Шоир *ёниб яшасам, писанд қилмай аёз-ни, қишни* деганда худди юқоридагидек ҳаётда халқ манфаати йўлида курашиб, кучли, жасур ва мард бўлиб яшашни назарда тутмоқда.

Усмон Азим шеъриятида ҳам “олов” поэтик тимсолини кузатиш мумкин. Шоирнинг “Бир дарахтнинг сўнгги қўшиғи” номли шеърида дарахт поэтик тимсоли орқали ҳаётда омади келишмаган, ўз яшаш тарзидан кўнгли тўлмаган, омадсиз кишининг мажозий тимсоли ифодаланади. Унинг “сумбати эгри”, “гуллари” қалбларни ҳам ҳаяжонга солмаганлиги, мевасига ҳам ҳеч ким меҳр қўймаганлигини куйлайди ва “Алвидо!” дея вилолашади:

Алвидо! Мен энди мақсадга етдим,
Боғдошлар, сўнг йўлга кузатинг, қани...
Мен ўтин бўлгани узлатга кетдим,
Мен кетдим, дўстларим, олов бўлгани!¹³¹

Ўз ҳаётидан ҳеч кўнгли тўлмай яшаган дарахт бу дунёни тарк этмоқда. У боғдошлари билан хайрлашиб, сўнгги йўлга кузатиб қўйишларини сўрамоқда. Дарахт кесилди, у энди ўтин бўлишини билади. Аммо ўтин бўлишдан қўрқмасдан, аксинча, бу ҳолатни хурсандчилик билан қарши олмақда. Чунки у ўтиндан оловга айланишини яхши билади. Энди унинг кейинги ҳаёти бутунлай бошқача тарз-

¹³¹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАҚ, 1995. – Б.17.

да давом этиши мумкин. Энди катта куч-қудратга эга олов ёниб яшайди.

Усмон Азим ижодида мажозий ва рамзий тимсолларнинг ўзига хос қирраларини кузатиш мумкин. Унинг “Эҳтиёткор одам” деб номланган шеърида ўзига пишиқ, ўз ҳаловатини ўйлайдиган, ўз қобиғидан чиқмайдиган кимсанинг поэтик тимсоли ифодаланади. Шоир бу кимсага қарата қалбидаги оғриқли туғёнлари ила мурожаат қилади:

Эҳтиёткор одам! Ҳей, эҳтиёткор одам!
Ёлғон керак жойда бир бор жасур бўл,
Таъзим лозим жойда бир бор мағрур бўл.
Сукут лозим жойда, тил бўлсанг нетар?
Бировнинг ғамида сил бўлсанг нетар?¹³²

Ҳаётда инсон учун аслида эҳтиёткорлик жуда муҳим. Чунки ҳаёт сўқмоқларида эҳтиёткорлик билан қадам ташламасанг “оёқ тойиб” кетиб танангга зарар етиши ҳеч гап эмас. Бироқ шоир бу шеърида эҳтиёткорликнинг ҳам чегараси бор, ҳадеб ўзини ўйлайвермасдан, жамият, миллат, она Ватан, эзгулик учун бу “одат”идан воз кечиш зарурлигини сўзлайди. Ёлғонларга ҳам индамай кўнавермасдан, “бир бор жасур бўл”, ҳадеб таъзим қилиб қуллуқ қилавермасдан, “бир бор мағрур бўл”, индамай туриш керак деб уқтирганларида рост сўзла, яъни “тил бўлсанг нетар?” *Бировнинг ғамида сил бўлсанг нетар*, яъни элнинг – ватандошларининг дарди билан ҳам яша, деган фикрларни илгари суради. Шеърнинг кейинги мисраларида шоир яна эҳтиёткор одамга мурожаат қилади. Бу одамнинг эҳтиёти туфайли қалби уйқуда. Уйғона олмайди, юраги ҳис-туйғусиз бўлганлиги учун тўлғана олмайди. Шоир унга қарата бу

¹³² Юқоридаги манба. – Б.134.

юрт “дардкашлар юрти” эканлигини, дардкашларнинг эса соғи йўқлигини таъкидлар экан, унга қарата:

Эҳтиёткор одам! Ҳей, эҳтиёткор одам!
Уйқуни асрайсан – уйғонолмайсан,
Юракни асрайсан – тўлғонолмайсан,
Дардкашлар юрти бу, қара соғи йўқ,
Сенинг юрагингнинг нега доғи йўқ?¹³³

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаганимиздек, юрт, миллат дарди билан яшамаган кишининг қалбида ҳеч нарса йўқ. Инсон учун она Ватан тушунчасини англаб етиш, унинг учун уйқуга кетиб, унинг учун уйғониш, унинг дардига, ғамига шерик бўлиш ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчи, ватанпарварликнинг гўзал кўриниши. Ана шундагина юрак безовта, бедор яшайди. Ватаннинг ҳар бир қарич ерини асрашга, миллат тақдирини ўйлашга интилади. Акс ҳолда эса унинг манқуртдан фарқи қолмайди. Профессор Қозоқбой Йўлдошев шоир услуби ҳақида фикр билдириб: “Усмон – ижтимоий муаммолар шоири. У ўзини ҳеч қачон жамият ташвишларидан панага тортмаган. Ҳатто, унинг шеъриятини тўлиғича чигал ижтимоий масалаларга қаратилган дейиш мумкин. Унинг ичкин интим шеърларида ҳам ҳамиша ижтимоий тутантириқ ачитқи бўладики, у худди лакмус каби одамнинг шахсияти қандайлигини белгилаб беради”¹³⁴, – деб ёзади.

Шеър сўнггида шоир эҳтиёткор одамга яна мурожаатини ифодалайди:

¹³³ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.134.

¹³⁴ Йўлдошев Қ. Йирик туйғулар куйчиси // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2010. – №5. – Б.57.

Эҳтиёткор одам! Ҳей, эҳтиёткор одам!
Яхшиларни ёмон домига тортди.
Ёмонларни замон комига тортди,
Тинч боқиб дунёга айёр турибсан,
Бир ямлаб ютишга тайёр турибсан...¹³⁵

Дунё яралибдики, ҳамма замонларда ҳам яхши ва ёмонлар бор бўлган. Яхши инсонлар ёмонларни нотўғри йўлдан қайтариши ҳар доим ҳам осон бўлмаган. Аммо ёмонлар яхшиларни “ўз домига торти”ши ҳам қийин бўлмаган. Шоир ифодаллаганидек, аслида инсон ёмон бўлиб туғилмайди. Бундай ҳолатга замон ва ундаги ёзилмаган қонунлар сабабчидир. Эҳтиёткор одам эса ҳамма замонларда ҳам мавжуд. У дунёга тинчгина боқиб кузатиб тураверади. У ўзини ҳимоя қилиш учун ҳамма нарсага тайёр.

Усмон Азим тасвирлаган “эҳтиёткор одам” тимсоли мажозий маънода ифодаланган бўлиб, у оддий кўрингани билан аслида жуда кўрқинчли кимса. Бу кўчма маънодаги “эҳтиёткор одам” характерида ҳушёрлик, ўз манфаати йўлидаги худбинлик ва “мен”лик устунлик қилади. Ташқаридан қараганда, оддий, хокисор кўринган бундай “эҳтиёткор”лар жамият тараққиётига индамай туриб зарар етказадилар. Ҳар қандай иш ва ҳар қандай ҳаракатларга бетараф бўлиб олиб ўзини оқ кўрсатишга уринадилар. Бундайлар ҳар дақиқада энг қулай фурсат келишини кутиб яшайдилар.

Усмон Азимнинг “Бу ёлғон чаққондир” деб номланган шеърида ёлғон поэтик тимсоли мажозий маънода қўлланилади. Шоир ёлғоннинг бир неча кўринишларини санаб ўтади:

¹³⁵ Усмон Азим. Сайланма – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.134.

Бу ёлғон чаққондир,
Бу ёлғон – чапдаст.
Қочдингми қувониб
Қувишин қўймас.
Бу ёлғон – фитначи,
Қочдингми – ёмон –
Ўзини ботир деб
Қилади эълон¹³⁶.

Шоир санаб ўтган хислатлар инсонларгагина хос бўлиб, шоир ёлғон тимсолида инсон характери қирраларини ифодаламоқда. Бундай “чаққон”, “чапдаст” кимсалар ҳаётда ҳамма қатори яшашингга, ҳаракатланишингга йўл қўймайди. Ўз йўлингдан озроқ чекинсанг, сени қўрқоққа, ўзини ботирга чиқариб, фитна-фасод қила бошлайди. Шеърнинг кейинги мисраларида бу “ёлғон”нинг янги қирралари очила боради:

Бу ёлғон – ақлли,
Бу ёлғон – айёр.
Курашчи деб ўзин
Аташга тайёр.
Сен бўлса, уятчан,
Кўнгилчан одам,
Сурбет деб ёлғондан
Қочиб бораяпсан.¹³⁷

Шоир таъкидлаганидек, бу поэтик тимсол ўз ишига “ақлли”, “айёр”, ўзини “курашчи” деб билади. “Уятчан”, “кўнгилчан” одам эса унинг “сурбет” эканлигидан қочиб яшайди. Шоир шеър сўнгида кўнгли бўш одамни ҳушёрликка

¹³⁶ Юқоридаги манба. – Б.230.

¹³⁷ Ўша ерда.

чақиради. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам эътиборлироқ бўлишга ундайди:

Тўхта! Раҳминг келсин
Ўзинг ўзингга.
Ғижиниб бир қара
Ёлғон кўзига.
Гарчи у фитначи,
Гарчи у чапдаст
Ҳали ҳақиқатни
Енголган эмас¹³⁸.

Усмон Азим шеър сўнгида ўзининг ғоявий мақсадини ифодалайди, яъни ҳақиқат ҳар нарсадан кучли. Ҳақиқатни ҳеч қандай чаққонлигу чапдастлик, айёрлигу ақллилик ёки сурбетлик енга олмайди. Шунинг учун ҳам шоир “Тўхта”, “Раҳминг келсин”, “Ўзингга ўзинг” – дея таъкидлайди. Чунки инсон ўзи ҳақида ўзи ўйламаса, атрофга эътиборлироқ қарамаса, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам назоратдан ўткази олмайди. Бу шеърда шоир “ёлғон” поэтик тимсоли орқали ҳаётдаги баъзи бир ўз ҳаётини алдову ёлғонлар қобиғига ўраб яшайдиган, алдамчи, фитначи, ичи қора кимсаларнинг мажозий қиёфасини гавдалантира олган.

Усмон Азимнинг яна бир шеъри “Ёнаётган одам” деб номланади. Шеърда кўчада кетиб бораётган, қалби олов бўлиб ёнаётган “гулхан одам” тимсоли гавдаланади. У кўчада пайдо бўлиши билан гулханнинг тафти, яъни иссиқ ҳаво одамлар юзига урила бошлайди. Буни сезган кимдир дарров ўзини четга олади, кимдир қўлини юзига тўсади, кимдир тескари қарайди. Бир қиз бўлса дугонасини сояга тортади, иссиқдан юзимизга доғ тушмасин, – дейди. Яна

¹³⁸ Ўша манба – Б.230.

кимдир ўзини автобусга урса, кимдир магазинга қараб йўлини буради. Одамлар: *Ахир, ҳозиргина тинч эди олам, Қайдан пайдо бўлди, бу гулхан одам? Қандай яхши эди бугунги ҳаво! Шаҳарга ловуллаб чиқди бир балo...*¹³⁹ дея ғазабланишади. “Ёнаётган одам” эса гуркираб кўчадан мағрур бораверади:

Мангу олов каби гуркираб, бардам,
Кўчадан борарди ёнаётган одам.
Ўтга топширганди бардошин, кучин,
Хатто айтолмасди:
– Ахир, сиз учун...¹⁴⁰

Шеърда исёнкорликнинг рамзий ва мажозий кўринишлари ифодаланади. Бу қаҳрамон ҳақиқат ва эзгулик йўлида ўзини қурбон қилишга, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга, адолатсизлик ва ҳар қандай разилликларга қарши курашишга тайёр исёнкор характернинг мажозий кўринишидир. Олов тимсоли эса рамзийлик касб этади. Чунки олов ва олов ранг – куч-ғайрат, шижоат, ёшлик, жасурлик рамзи. Кўчада барчани лол қолдириб ёниб бораётган инсон эса ижтимоий ҳаётдаги муаммоларга бефарқ бўлмаган, жасур, мард киши тимсоли. Бу олов бўлиб ёнаётган шахс ўз дарди билан эмас, балки халқ дарди билан гулхан бўлиб ёнмоқда. Шунинг учун ҳам шоир *Ахир, ким ёнибди ўз дарди билан? Ёнса ҳам бўлмагай бундай шаън гулхан*, – дейди. Олов бўлиб ёниш яшамоқликни, ўзини англаган ҳолда олға қараб интиломоқликни билдиради. Ҳар қандай тузумда ҳам халқ фидойилари мавжуд бўлган. Бундай кишилар халқ учун, унинг истиқболи учун жонини фидо қилганлар. Усмон

¹³⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.125

¹⁴⁰ Ўша ерда.

Азим фантазиясидаги мана шу поэтик тимсол ўзлигини миллати учун, Ватанининг истиқболи учун бағишлаган исёнкор киши тимсолидир. Муаллиф ҳам бутун халққа мурожаат этиб: *Халойиқ, яқин бор, анграйма бешон! Сен ҳам унга қўшил! Олов бўлгин! Ён!* дея ҳайқиради. Шоир яратган бу тимсол характеридаги бундай исёнкорлик, жасурлик, мардлик ҳамма инсонларда ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин ана шу битта инсон бошқаларни ҳам лоқайдликдан, бефарқликдан қутқара олади. Ўзининг хатти-ҳаракатлари билан мудроқ қалбларни уйғотади.

2.2. Ранг билан боғлиқ поэтик тимсолларнинг услубдаги ифодаси

Хуршид Давроннинг илк китоби “Қадрдон қуёш” тўпламидаёқ шоирнинг ўзига хос услуб қирралари кўрина бошлайди. Унинг шеърларида беғубор болаликнинг оппоқ хотираларини унута олмаган ва аста-секинлик билан катта ҳаёт йўлига қадам қўяётган ўспириннинг дунёга муносабати ифодаланади:

Оппоқ эди бошда бу дунё:
Кўча оппоқ, кечалар оппоқ,
Қандай яхши экан болалик,
Оппоқ ранглар билан яшамоқ.¹⁴¹

Ижодкор аксарият ҳолатларда идрок этиш услуби орқали поэтик образ яратади. Идрок этиш учун тушуниш, англаш ва тасаввурга сингдира олиш зарур. Шоирнинг тасаввури, орзу-хаёллари қанчалик кенг ва чексиз бўлса, поэтик образнинг ҳаққонийлиги, ишонарлилиги шунчалик тез кўзга ташланади. Оқ ранг – поклик, беғуборлик рамзи. Ин-

¹⁴¹ Хуршид Даврон. Қадрдон қуёш. - Тошкент: Ғ.Ғулом нашриёти, 1979. – Б. 5.

сон гўдаклик чоғида ҳеч нарсани англамаслиги мумкин, бироқ болалик даврида дунёга ўзгача нигоҳ, ширин орзулар билан назар ташлайди. Болалик даврида инсон кўнгли тоза, самимий туйғулар ила ошно бўлади. Шунинг учун ҳам жуда кўп ўринларда инсонлар томонидан “оппоқ болалик” сўз бирикмаси қўлланилади. Шеърда дунёнинг, кўча ва кечаларнинг оппоқ рангдалиги, беғубор болаликнинг инсон ҳаётидаги энг қадрли онлар эканлиги ишонарли тасвирланган. Ҳеч қандай ғаразлар ва хусуматларсиз, фақат яхши умидлар сари интилаётган болаликнинг мажозий тимсоли ифодаланади. Инсон аста-секин катта ҳаётга қадам қўяр экан, ҳаётнинг пасту баландларини, оқ ва қора рангларини ажрата бошлайди. Шоир кейинги мисраларда табиатда бошқа ранглар ҳам мавжудлиги, болаликнинг оппоқ ранглари ўрнига энди яшил рангнинг кириб келишини ифода этади. Яшил рангнинг ҳам рамзий маънолари жуда кенг. Яшил ранг – баҳорий ранг. Яшил ранг – янгилавиш, жонланиш; яшил ранг – ҳаётнинг ранги, мувозанат ва уйғунлик. Демак, яшил ранг ҳаракатнинг ҳам бошланишини кўрсатади:

Яшилланди кейин бирма-бир
Дала, чорбоғ, омонат кўприк.
Довуччадек мўлтираб боқди,
Қўшни боққа тушган болалик...¹⁴²

Болалик учун қадрдон бўлиб қолган жойлар ҳам бирдан ўзгара бошлади. “Дала, чорбоғ, омонат кўприк” ҳам яшил тусга кирди. Болалик эса ҳали пишмаган кўм-кўк ғўра, яъни довуччадек оламга мўлтираб қарай бошлади. Табиат қонунлари ҳамиша ҳақ. Одамзотга берилган умр тўхтаб

¹⁴² Ўша манба.

қолмайди. Фурсат сайин ўтиб бораётган умр учун ҳар бир кун ўтмишга айланиб, кеча бугунга ўз ўрнини бўшатиб бераверади.

Мовийланди кейин барчаси...
Болалигим термулди маҳзун:
Қорачиғи – туннинг парчаси,
Илк севгиси киприкдек узун.¹⁴³

Шоир таърифлаганидек: “Мовийланди кейин барчаси...” Мовий ранг – осмон ранги, мусаффолик тимсоли. Бу рангда чексизлик ва ўйчанлик белгилари ҳам кўзга ташланади. Кейинги мисраларда эса оқ, яшил, мовий рангларнинг аралашиб кетиши, нурнинг хира тортиши, жўшқин болаликдан кейинги умр йўлларининг сокин дарёдек оқа бошлаганлиги гўзал ташбеҳлар орқали ифодаланади:

Кейин аста хира тортди нур,
Аралашди оқ, яшил, мовий,
Болаликдан кейинги умр
Дарёдек тинч оқа бошлади.¹⁴⁴

Инсон бир куни ҳаётнинг гўзал бўлиш билан бирга аёвсиз ҳам эканлигини англаб етади. Нима бўлган тақдирда ҳам, ўз умри қандай ранглар оламида ўтганидан катъи назар ўзи учун жуда қадрли. Чунки у ҳаёти давомида жуда кўп дўстлар ва ана шунча душманлар ҳам орттиради. Шеър сўнгида “лирик мен” ўтган умрига назар солади. Умри давомида азиз ва қадрли бўлиб қолган ранглар унинг тушларига кириб “қасирға” сола бошлайди:

¹⁴³ Ўша ерда.

¹⁴⁴ Ўша ерда.

Фақат баъзан бу азиз ранглар
Тушларимга солар қасирға,
Оппоқ болиш устида ёнар
Кўздан оққан томчи – исирға¹⁴⁵.

“Лирик мен”нинг ранглар туфайли тушларидаги “қасирға”, яъни қуюн бўлиб оромини олиши, руҳини безовталаниши инсон ҳаётининг кексалик онларига ишорасидир.

Хуршид Давроннинг юқоридаги шеърида инсон умрининг оддий фалсафаси акс этади. Вақтни тўхтатиб бўлмайди. Вақт ўз ҳукмини кўрсатади. Кечагина мавжуд бўлган болалик бугун хотирага айланади. Бугун ҳам эртага, албатта, ўтмишга айланади. Шоир кўз очиб юмгунча ўтиб кетган умрнинг сарҳисобини – азиз ва қадрли онларини ранглар уйғунлигида ўзига хос тарзда қисмларга тақсимлайди. Мисралардаги ҳар бир ранг тасвирида идрок ва ифода уйғунлигини кўриш мумкин. Шеърнинг ғояси – мазмундан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсонга берилган умр жуда қисқа ва чегарали. Умрни орқага қайтариб бўлмайди. Муаллиф шеърда рамз ва мажоз уйғунлиги орқали инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни бирлаштиришга, яхлитлаштиришга уринади.

Хуршид Даврон “Тўмариснинг кўзлари” номли шеърий тўпламини тўрт қисмга бўлиб номлайди. “Баҳор” деб номланган қисмига кирган “Яйлов узра кеча” деб бошланувчи шеърида яйловдаги бир кечанинг гўзал манзараси оқ ранглар билан чизиб берилади. Шоир янги ойнинг чарақлаб туриши, оқ биянинг кишнаши, қировранг тойчоқнинг шодлиги, дарахт булоғидан таралаётган хушбўй иснинг таралиши кабиларда ифода этиш услубидан моҳирона фойдаланади. Ижодкор янги ой – ҳилол поэтик тимсолини ҳам оқ рангда,

¹⁴⁵ Ўша ерда.

бияни ҳам оқ рангда, тойчоқни ҳам қировранг, яъни оқ рангда чизади. Бу манзаралар рассомнинг қоғозга чизилган суратидек кўз олдингизда намоён бўлади:

Яйлов узра кеча...
Ҳилол чарақлар...
Оқ бия бошини кўтарар кишнаб –
Кўзи ярақлар...
Яшашдан маст гўё
Қировранг тойчоқ...
Чеки йўқ кечани
Забт этиб борар
Хушбўй бир булоқ¹⁴⁶.

Шоир кеча тасвирида *Чайқалар кемадек оппоқ наъма-так* каби ўхшатиш ифодасида ҳам оқ рангдан фойдаланади. *Хуш исли шамоллар кўксини тешиб Шабнам томади...* каби жонлантиришдан ўринли фойдаланади. “Шабнам”-нинг ранги ҳам оқ тусли эканлиги маълум. Шеърда “қировранг тойчоқ”нинг “шаталоқ отиб” чопиб юриши, булоқнинг шивирлаши каби тасвирларда ер юзида баҳор фаслининг ҳукмронлиги акс этади. Бу ўринда ифода этиш услуги аста-секин ривожланиб боради ва сўнгги мисрадагина яйлов узра баҳор кечаётганлиги тасвирланади:

Яйлов узра кеча...
Баҳор...
Ой...
Адир...
Титраб- титраб бўйин томиригача
Отлар ўтлаётир...¹⁴⁷

¹⁴⁶ Хуршид Даврон. Тўмариснинг кўзлари. - Тошкент: Ёш гвардия, 1984. – Б.12.

Баҳор янги ҳаёт бошланиши. Ер юзидаги мавжуд қурт-қумурсқадан тортиб, онгли мавжудот – инсонларгача баҳорни хурсандчилик билан олқишлайди. Она табиатнинг бир қисми ҳисобланган отлар, тойчоқ, адир, кичик бир бутоқ каби мисолларда баҳорни, яйловни соғинган поэтик тимсолларни кўриш мумкин.

Хуршид Даврон шеъриятида оқ ранг билан боғлиқ рамзий-мажозий поэтик тимсолларни кўплаб учратамиз. Унинг “Қадрдон қуёш” тўпламига кирган қуйидаги шеърга эътиборни қаратайлик:

Далаларнинг қоқ ўртасида
Еру осмон аро бир эртак –
Юлдузларнинг майин сасидан
Тебранади оппоқ беланчак.
Ухлаб қолар ҳориган ота,
Ухлаб қолар теримчи сулув.
Ухлаб қолар чорбоғ ортида
Ариқчада жилдираган сув.
Фақат қора кўзларин очиб,
Ҳайрат билан тўлганда қучоқ,
Онасига ўхшатиб ойни
Талпинади ойдай чақалоқ¹⁴⁸.

Далаларда беланчак ясалиши ўзбек оналари учун оддий ҳолатга айланиб қолган. Айниқса, мустабид тузум даврида пахта етиштириш, уни йиғиштириб олиш энг муҳим сиёсий масала даражасига кўтарилган. Куз мавсумида пахта теришга барча касб эгалари сафарбар этилган. Пахтакорнинг куни қишгача далада ўтган. Шу маънода деҳқоннинг фарзандлари ҳам далада катта бўлишган. Шоир бундай гўзал

¹⁴⁷ Ўша ерда.

¹⁴⁸ Хуршид Даврон. Қадрдон қуёш. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.12.

манзарани “Еру осмон аро бир эртак,” дея таърифлайди. Теримчи аёллар арқонга оқ бўзлар тортиб, беланчак ясаб, болаларини шу беланчакда ухлатганлар. Оппоқ беланчак ичида ётган гўдак беғубор, беғуноҳ. Ота ҳам, она ҳам чарчаб ухлаб қолганларида гўдак ойни онасига ўхшатиб, унга талпинаётган ҳолати тасвирланади. Бу ўринда оқ ранг беғуборлик, тозалик тимсоли сифатида гавдаланади. Тўпламнинг “Куз” деб номланган қисми шундай бошланади:

Мезон кечди.
Қандай шошиб кечди бу мезон.
Ҳосил тўла араваси лойларга ботиб
Сочи оқарди¹⁴⁹.

Шоир бу шеърда қўллаган оқ ранг, яъни сочнинг оқариши мажозий маънода бўлиб, кузга нисбатан қўлланилмоқда. Сочнинг оқариши, кўпинча, ёш ўтиши билан боғлиқ бўлганлиги учун кексаларга нисбатан ишлатилади. Бу ўринда “мезон”нинг жуда тез ўтиб бораётгани ва “сочи оқар”гани (кексайгани) ифодаланади.

Хуршид Даврон шеъриятида қора ранг тимсолини ҳам учратамиз.

Дунёнинг турли халқларида “Қора ранг – мотам, чексизлик, қўрқув, ўлим, мавҳумлик рамзи бўлса, қизил ранг – ғалаба, хурсандчилик, шодлик, тириклик, олов ва қон тимсоли”¹⁵⁰ сифатида ифодаланиши эътироф этилади. Ҳамма замонларда ҳам инсонлар қоронғуликдан қўрқиб яшаганлар. Инсон ҳаётининг қийин паллалари ҳам унинг “қора кунлари” сифатида таъкидланган.

¹⁴⁹ Хуршид Даврон. Тўмариснинг кўзлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1984. – Б.63.

¹⁵⁰ Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – Б.19.

Хуршид Даврон ижодида эса қора ранг ўзгача рамзий маъно касб этади. “Қўрқмай кир қора тунга” деб бошланувчи шеърида инсон ҳаётининг қийин кунлари, оғир дамлари, курашлар ва машаққатлар назарда тутилса ҳам қора ранг қўрқув маъносини ифодалаб келмайди:

Қўрқмай кир қора тунга,
Гарчи ўтмоғинг қийин,
Ҳеч ким бас келмас сенга
Тундан ўтгандан кейин¹⁵¹.

Шеърда “қора тун”га киришга даъват этилмоқда. “Қора тун” – кураш, қаҳрамонлик, мардлик, жасорат йўли. Муҳими, мана шу йўлдан – “қора тун”дан ўтиб олиш. Бу йўлдан ўтиб олгандан кейин эса қўрқмай жангга кириб бораверадилар. Бу йўлдан ўтгандан кейин эса унга ҳеч ким тенг кела олмайди. Шоир шеърнинг сўнгги тўртлигида якунловчи фикрни шундай ифодалайди:

Тундан ўтганлар жангга
Қўрқмай кириб борарлар.
Ерни бўяр ол рангга
Тундан ўтган ботирлар¹⁵².

Шоир бу тўртликда “ол” рангни ҳам тилга олади: *Ерни бўяр ол рангга, Тундан ўтган ботирлар*. Ол – қизил ранг қон рангидир. Демак, ботирлар курашиб, душман қонини ерга тўккандагина ана шу ол ранг ҳосил бўлади. Шоир бу шеърда қора ранг тимсолида қийин, машаққатли, азобли вазиятларни назарда тутган бўлса, “ол ранг”да қасос, қонли курашни эътиборга олмоқда.

¹⁵¹ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.97.

¹⁵² Ўша ерда.

Шоирнинг “Басё китобининг варақларида” деб бошланувчи шеърида сариқ ва алвон ранглар тилга олинади:

Басё китобининг варақларида
Сарғайган япроқлар, алвон япроқлар.
Қадим ибодатгоҳ... Ундан нарида
Тоққа ўрмалаган дайди сўқмоқлар¹⁵³.

Сариқ ранг – айрилиқ, ҳижрон, баъзи ўринларда беморликнинг белгиси, рамзий тимсоли. Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам сариқ ранг тасвирини кўплаб ўринларда учратиш мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,” дея таъкидлаб, сариқ ранг, сарғайиш, хазон япроғидек бўлишнинг гўзал тимсолини яратган. Халқ орасида бемор бўлиш, кутиш, интизорлик, эскириш маъноларига нисбатан ҳам сариқ ранг қўлланилади. Хуршид Давроннинг юқоридаги шеърида “сарғайган япроқлар” деганда инсон умрининг тушкун дақиқалари ёки унутилган саҳифаларини назарда тутмоқда. Шоир ижод саҳифаларида “алвон япроқлар”га ҳам дуч келиш мумкин. “Алвон ранг” – қизил, ловуллаб турувчи, жўшқинлик касб этувчи ранг. Демак, инсон ҳаётининг бир палласи сариқ рангдан иборат бўлса, бир палласи қизил рангдан иборат қилиб ифодаланади.

Шавкат Раҳмон шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий тимсолларни турли хил кўринишларини учратиш мумкин. Шоир қуйидаги шеърда оппоқ, яъни оқ рангнинг қуюқлашган кўринишини қўллайди:

Ечиб оппоқ кўйлагини вақт,
Кийди яшил гулли кўйлагин

¹⁵³ Ўша манба. – Б.121.

Юрак, уйғон, капалак каби
Чечакларга қўниб ўйнагин¹⁵⁴.

Вақтнинг *оппоқ қўйлагини ечиб яшил рангли гулли қўйлагини кийиши* баҳор фаслининг кириб келишига ишора. Бу нафақат баҳор фасли, балки инсон умрининг турли дақиқалари, яхши-ёмон кунларининг ҳам мазмунини ифодалаш мумкин. Оппоқ вақтда сокинлик ифодаланган бўлса, яшил вақтда жонланиш, уйғониш белгилари сезилиб туради.

Инсон руҳияти – англаб бўлмас синоат. Фақат сезгилар ёрдамидагина кўнгил билан, юрак билан тиллашиш мумкин. Табиат билан тиллашиш, унга дўст тутиниш учун унинг бағрида бўлиш, инсонлар орасидан маълум муддатга узилиш даркор.

Шавкат Раҳмоннинг табиат мавзусидаги шеърларини ўқиганингизда шеърдаги жўшқинлик, тасвирий воситалардаги гўзал бадий ифода, туйғулардаги беғуборлик сизни ўз оламига тортади. Тасвир шу қадар самимийки, шоирнинг танҳоликда, табиат қўйнида китоб ўқиб ўтириши, “*шоҳи либос кийган настарин*”нинг унинг ёнидан ўтиши, *сочи қумри, дудоғи лола, юзлари оқ, ёноқлари ол* каби настарин гулига берилган беқиёс таъриф, шамолни шўх болакайга ўхшатилиши кабиларда шоирнинг ўзига хослиги кўринади. Шоир бу ўринларда оқ, қизил ранглар уйғунлигидан фойдаланади. Маълумки, настарин гули оқ, қизил тусда гуллайди. Шоирнинг ўхшатишлари жуда ишонарли. “Сочи – қумри”, қумри қушнинг патлари оқ тусда, “дудоғи лола” – лоланинг ранги қизил, “юзлари оқ” ва “ёноқлари ол”. Шеърда ўхшатиш ва муболаға каби тасвирий восита-

¹⁵⁴ Шавкат Раҳмон. Юрак қирралари. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1981. – Б.5.

лар шу қадар маҳорат билан қўлланганки, бу шеърнинг жозибасини янада оширади.

Кун ботаётган паллада осмоннинг қизғиш-сарик нурларга бурканиши кўпчиликка маълум. Лекин Шавкат Раҳмоннинг ушбу шеъридаги “оқшомнинг сафсарлашиши” каби гўзал ифода китобхонни эътиборсиз қолдирмайди:

Сафсарлашар оқшомги осмон,
Кун чекинар қорли тоғларга,
сукунатнинг мунис қушлари
учиб келар кузги боғларга¹⁵⁵.

Сафсар ранг бадий адабиётда жуда кам қўлланилган ҳодиса. Сафсарлашиш оқ ва кўк ранглар уйғунлиги – би-нафша рангнинг пайдо бўлиши. Сафсар ранг – беғуборлик ва мангуликнинг рамзий ифодаси. Сафсар ранги узоқлашиб, энди қора ранг тасвири пайдо бўлади. Шавкат Раҳмон шеър давомида қора рангнинг ўзгача белгисини чизади. Аксарият ҳолларда қора ранг – қўрқув, зулматни ифода-лайди. “Қора ридо” кийиб олган тун кун бўйи “суронлардан ҳорган шаҳарни” худди меҳрибон онадек “силаб-сийпаб” ухлатиб қўйиши кабилар ифодасида шоир ана шу қоралик-дан ҳам гўзаллик излаганлигини англаб етиш қийин эмас:

Келар қора ридо кийган тун,
сукунатнинг қушларин суяр,
суронлардан ҳорган шаҳарни
силаб-сийпаб ухлатиб қўяр¹⁵⁶.

¹⁵⁵ Юқоридаги манба. – Б.30.

¹⁵⁶ Ўша ерда.

Шавкат Раҳмон шеъриятида баҳор фаслининг гўзал тасвири битилган мисралар кўплаб учрайди. Қуйидаги шеърда қиш тугаб баҳорнинг ташрифи, она заминдаги турли ўсимликларнинг гуллаши, бир кечадаёқ ўрикнинг оппоқ гулларга бурканиши каби тасвирлар ифодасини худди мусаввирдек чизиб беради:

Эриб битди поёнсиз қорлар,
Яна қўхна замин туллади.
Водийдаги улкан ўриклар
Бир кечада оппоқ гуллади¹⁵⁷.

Шавкат Раҳмон шеъриятида оқ рангнинг турли кўри-нишлари учрайди. Эрта баҳорда ўрикларнинг оппоқ гулларга бурканиши шоир ҳайратини оширади. Бу оқликни шоир "оқ булутлар"га ҳам ўхшатади. Ўрик гулларининг оқлигидан бутун водий оқ машъалалар экиб қўйилганидек кўринади. Шоир тасаввуридаги оқ ранг – беғуборлик, ҳайрат, эртанги кунга ишонч ғоялари билан суғорилган:

Оқ булутлар ерга қўндими,
мўъжизалар бўлдими содир?
Оҳ, нақадар ажойиб тунда
Оқ машъала экилган водий¹⁵⁸.

Шоир ижодида Ўш тоғларининг гўзал манзаралари алоҳида ўрин тутаяди. Унинг "Ўшкент лаҳзаси" номли шеърида ҳам виқорли, қорли чўққилар ҳақида гап кетади. Шоир бу ўринда оқ ва мовий ранг тасвирларини чизади:

¹⁵⁷ Юқоридаги манба. – Б.31.

¹⁵⁸ Ўша ерда.

Оқ чўққилар,
шавақи сойлар
яхшиликка кўмилган моҳтоб.
Мовий осмон ёйилмасида
сузар улкан олмадай офтоб¹⁵⁹.

“Оқ чўққилар” билан ёнма-ён маънони кучайтириш мақсадида “моҳтоб”, яъни оппоқ, ойдин кеча сувратини чизади. Осмон тасвирида эса мовий ранг ифодасини қўллайди. Мовий ранг билан офтоб рангининг уйғунлигидан гўзал манзара кўз олдингизда жонланади.

Шавкат Раҳмон “Қасида” деб номланган шеърида “тун” тимсолини чизади. Тун деганда кўпчиликнинг назаридан қоп-қора зулмат ўтади. Аммо шоир тунни ҳам гўзал қиёфада акс эттиради. Унинг хусни таърифи шунчалик ишонarliлигидан “хуснингга оламини қаратдим,” – дея таъриф беради. Тун тасвирида қора ва қизил ранг ифодасини қўллайди. Шоир туннинг ҳам қалби мавжудлигига ишора қилиб ўтади: *Қадамим қоп-қора кўксингга чўғ каби қип-қизил ғунчалар.*

Тун дедим, ярашди бу исм,
мен сени бир сўздан яратдим.
Кийдирдим ярқироқ кўйлакни,
хуснингга оламини қаратдим.
Қадамим қоп-қора кўксингга
чўғ каби қип-қизил ғунчалар.
Агар мен бўлмасам, эшит, тун,
чиройли бўлмасдинг бунчалар¹⁶⁰.

¹⁵⁹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.14.

¹⁶⁰ Шавкат Раҳмон. Юрак қирралари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат. – Б.24.

Шавкат Раҳмон идрок этган поэтик тимсоллар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Баъзан бир шеърда поэтик тимсол ифодасида шоир яратган кашфиёт ўйлантириб қўяди. Шеърнинг турли хил маъноларини кашф қила бошлайсиз. Ушбу шеърга эътиборни қаратайлик:

Ечди мовий кўйлагини қиз,
нафаси-ла маст қилди ёзни,
қора сочин ёйди соҳилга,
кийди қумни-сарик либосни¹⁶¹.

“Мовий кўйлагини” ечган, соҳилда “қора сочин”ёйиб турган ким ўзи? – деган савол, албатта, ҳар қандай китобхонни ўйлантиради. Табиатни ўз гўзаллиги билан ҳайратга солган, бир нафаси билан ёз фаслини ҳам маст қила олган бу фаришта ким эди? Шоир биринчи тўртликнинг ўзида мовий, қора, сарик ранглар орқали тасвир чизади. Мовий ранг – осмон ранг, чексизлик, абадийлик рамзи. Чунки дунё яралибдики осмон, унинг чексиз сарҳадлари абадийликка муҳрланган. Қизнинг мовий кўйлагининг мавжудлиги чексизликни ифодаламақда. Қора ранг – қора соч белгиси сифатида келади. Бу ўринда қора ранг зулмат эмас, балки гўзаллик тимсолидир. Сарик ранг сарик қумга нисбатан қўлланилмоқда. Қизнинг сарик қум устида ётиши худди сарик либосни кийиб олгандек кўринади. Кейинги тўртликда эса Қуёш ҳам қизнинг гўзаллигига мафтун бўлиб, термулиши, қони кўпириши, шоир тасаввурида қизнинг юзидан ўпиши, дунёни унутиши каби чизгиларда ижодкор жонлантириш санъатини қўллайди ва ишонарли поэтик тимсолларни яратади.

¹⁶¹ Юқоридаги манба. – Б.18.

Узоқ қарар йўловчи – қуёш
майдай қайнаб, кўпирар қони,
лабин босар қизил ғунчага
ва унутиб қўяр дунёни¹⁶².

Шоир сўнгги тўртликда шамолнинг ҳам ўзига хос поэтик қиёфасини яратади. Уни “писмиқ шамол” деб атайди. Шамол нафасидан ҳилпираётган кўйлакни эса худди кийиб олиб рақсга тушаётган болага ўхшатади:

Етиб келди писмиқ шамол ҳам,
тўсатдан бир фитна ўйлади:
рақсга туша бошлади бирдан
кийиб қизнинг мовий кўйлагин¹⁶³.

Шоирнинг “Юрак қирралари” деб номланган тўпламида шеърнинг мазмуни ва матни ҳам юқоридагидек ифодаланган. Аммо 1997 йилда нашр этилган “Сайланма” шеърый тўпламида нимагадир матнга ўзгартиришлар киритилади ва “Денгиз” сарлавҳаси билан берилади. Демак, шоир қиз қиёфасидаги бу гўзал малак – денгизнинг мажозий тимсолини чизади. Турли рамз ва мажозлар уйғунлигида яратилган бу метафорик топилма китобхонни мушоҳадага чорлайди, ўйлантиради, руҳингизни шеър ичига олиб киради.

Шоир бир шеърда ўзини дарахтга ўхшатади. *Ўсаётган кучли дарахтман, шохларимда пишар сўзларим...* Аслида дарахт – тириклик, ҳаётийлик рамзи. Илдизлари мустаҳкам, танаси бақувват дарахт кўкка интилаверади. Бу рамзий образда ҳаёт учун кураш, фуқаролик масъуллиги кўзга ташланади. “Шохларда сўзларнинг пишиб етилиши” шоир-

¹⁶² Юқоридаги манба. – Б.18.

¹⁶³ Ўша ерда.

нинг жамиятга, инсонларга, келажакка бепарво эмаслигидан далолат беради. Демак, келажак учун масъул сўзлар ме-валар каби етилмоқда.

Усмон Азим шеъриятида ҳам турли ранглар билан боғлиқ рамзий ва мажозий поэтик тимсоллар қўлланилган. Шоирнинг “Графика” номли шеърида оқ ва қора ранглардан севгилисининг ўзига хос сифат белгиларини чизиб беради:

Кўзинг қаро сенинг, қошларинг қаро,
Юзларинг оқ сенинг, кулишларинг оқ,
Қўлингдаги таъна тошларинг қаро,
Менга ғамгин боқиб туришларинг оқ¹⁶⁴.

Шоир бу ўринда азалий зидлик белгиси бўлган оқ билан қорани бир-бирига қарама-қарши қўяди. Биринчи мисрадаги *қаро*, яъни қора рангдан фойдаланиш салбий маъно эмас, балки гўзалликни орттириш маъносини англатиб келмоқда. Учинчи мисрадаги *қаро* сўзи эса кечиримли араз мазмунини ифодаляётгани кўзга яққол ташланади. Юзи, кулишлари, ғамгин боқиши оқ ранг билан чизилади. Бу ўринда оқ ранг – поклик, беғуборлик, самимийликнинг рамзи. Кейинги тўртликдаги қора ва оқ ранглар эса ўзгача маъно ифодаляйди:

Унутишинг қаро, ҳижронинг қаро,
Соғинчинг оппоқдир, хатларинг – оппоқ,
Қародир юрганинг ўч-меҳр аро,
Менга ташлаб кетган дардларинг – оппоқ¹⁶⁵.

¹⁶⁴ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995. – Б.86.

¹⁶⁵ Ўша ерда.

Биринчи қатордаги унутиш ва ҳижронга нисбатан қўлланилган қаро сўзлари салбий маънода келиб, бундай ҳаракатларинг ёмон, яхши эмас деган фикрни уқтиради. Учинчи қатордаги “ўч-меҳр аро” юришининг “қаро”лиги ҳам тўлиқ салбийлик касб этмайди. Шоир оқ рангни кучайтириш маъносида оппоқ шаклини қўллайди. Иккинчи мисрадаги соғинчнинг, хатларнинг оппоқлиги беғуборлик, беғаразлик, самимийликни, тўртинчи мисрадаги оппоқ ранг эса бўшлиқни, ҳиссизликни ифодалаб келмоқда. Шеърнинг учинчи тўртлигида ҳам оқ ва қора рангларнинг турли маъноларини кашф этиш мумкин. Биринчи мисрадаги қаро сўзи ҳаётнинг ҳар бир дақиқалари ҳам хурсандлик билан ўтмаётгани, куну туннинг ёруғ томони йўқлиги қаро – зулматлиги акс эттирилган. Учинчи мисрадаги қаро сўзининг ифодасида эса иккисининг ҳам бахтиқаролиги, яъни бешафқат тақдири азал ёзиғлари ҳақида гап кетади. Иккинчи мисрадаги оқ рангда самимийлик, поклик мавжуд, тўртинчи мисрада эса оқ ранг – *ўттиз тўрт ёшингда сочларининг* оқаришида эса азоб, мусибат, ҳижрон ифодаланган:

Шомми ё саҳарми – вақтимдир қаро,
Сен деб тўкаётган ёшларим оппоқ.
Сенинг ҳам, менинг ҳам бахтимдир қаро,
Ўттиз тўрт ёшингда сочларинг оппоқ¹⁶⁶.

Усмон Азим шеърнинг сўнгги тўртлигида севгилисини ишонтиришга ундайди. Яъни “юрак оқми, тақдир қаро”ми ўз ҳаёт боғларида мана шу икки ранг, мана шу “оқ-қора бўёқ”гина мавжуд, дейди. Лекин у яна ҳар доим ҳам бундай эмаслигини, қачонлардир бахтли чоғларида миллион рангларни ҳам билишини уқтиради:

¹⁶⁶ Ўша ерда.

Ишон, юрак оқми, қародир тақдир,
Оқ-қора бўёқлар бизнинг боғларда...
Мен милён бўёқни билардим, ахир,
Иккимиз бахтиёр бўлган чоғларда.¹⁶⁷

Усмон Азимнинг “Осмон узилиб тушди” деб бошланувчи шеърида оқ ва сариқ ранглар рамзий маънода қўлланганлигини кузатиш мумкин:

Осмон узилиб тушди...
Тақдиримни қоралаб.
Мен юрибман – осмоннинг
Парчаларин оралаб¹⁶⁸.

Шеърда тақдирни қоралашдаги қора ранг салбий маъно ифодалаган, яъни ўз тақдирини, қисматини ўйламайдиган инсонга нисбатан қўлланилган. Иккинчи тўртликда эса сариқ ранг тасвири қўлланилади.

Осмоннинг синиқлари
Қонатди оёғимни.
Осмон узилиб тушди –
Сарғайтди сиёғимни.¹⁶⁹

Сиёҳ қора ёки кўк рангда бўлиши мумкин. Энди эса унинг ранги сариқ тусга кириб қолди. Бу ўринда сарғайиш эскиртириш, сарғайтириб юбориш маъносида келган. Шоир яна бир ўринда севгилисига қарата шундай дейди:

¹⁶⁷ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.86.

¹⁶⁸ Юқоридаги манба. – Б.320.

¹⁶⁹ Ўша ерда.

Кечиргин... Тун қорамас – мен қораман,
Юлдузлардан токи кўнглинг ароман.
Жоним, кўнглинг мисли шаъмдек титранур,
Шаъмга бағрим босолмай бенавоман¹⁷⁰.

Бу тўртликда қора ранг тимсоли ифодаланган. “Лирик мен” ўзининг қоралиги олдида тун қора эмаслигини таъкидлашга ҳаракат қиляпти. Қора ранг бу шеърда кўнгилдаги ғам, ҳасрат, азоб, дард маъноларида келган. Шоир яна бир шеърида оқ рангнинг “оппоқ” тусини қўллайди. Бунда “қорли кеча” билан “оппоқ фаришта” сўз бирикмаларини ёнма-ён қўяди:

Энди шеър ёзмайман унга бағишлаб,
Энди хаёлини ўйлаб йиғлайман.
Ана қорли кеча – оппоқ фаришта
Бўсалар олмоқда азиз манглайдан¹⁷¹.

“Қорли кеча”ни “оппоқ фаришта”га қиёслайди. Маънони кучайтириш мақсадида “оппоқ” сўзини қўллайди. Шоирнинг “Севгимиз ўлдими? – либосингиз кўк” шеърида ҳам рамзий маъно ифодаловчи турли ранглар тасвирини кузатиш мумкин:

Севгимиз ўлдими? – либосингиз кўк,
Кўнглингиз – бегулхан, кўзингиз – бечўғ.
Биздан бориш йўқдир. Сиздан – келиш йўқ –
Келишсиз дунёда беғам, азизим,
Нега кўзларингиз бенам, азизим¹⁷².

¹⁷⁰ Юқоридаги манба. – Б.318.

¹⁷¹ Усмон Азим. Сурат парчалари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – Б.65.

¹⁷² Юқоридаги манба. – Б.299.

Яъни кўк либос кийиб олган севгилисининг кайфиятидаги тушкунлик, кўнглидаги оташнинг, кўзидаги чўғнинг сўнганлиги унинг ҳолатини азадордек кўрсатади. Шунинг учун у бу ҳолатни кўриб севгилисига савол билан мурожаат қилади. Шеърнинг тўртинчи тўртлигида қизил ва сариқ ранг билан боғлиқ мажозий тимсолларни яратади:

Қаранг, минг бир баргда кузак учадир,
Қизил-саригида – юрак учадир,
Сўнгаклар учадир, суяк учадир –
Бу тўфон – хазонлар менман, азизим,
Сизсиз минг кузакка тенгман, азизим¹⁷³.

Куз келиши билан барглар тўкила бошлайди. Аввал қизил, кўк тусли барглар ҳам аста-секин сариқ тусга киради ва охир-оқибат хазонга айланади. Куз фасли хазонрезлик фасли. Шоир ўзини кузги хазонлар тўфонига ўхшатади. Баргларнинг ранг алмашилишида ҳам мажозийлик мавжуд бўлиб, инсон умрининг яхши-ёмон дамларига ишора қилинади. Шеърнинг сўнгги тўртлигида эса сариқ, яшил, кўк ранглар билан боғлиқ чизгилар ифодаланади:

Аммо сиз сарғайманг – гулли боғ бўлинг,
Ям-яшил кўкаринг, мудом соғ бўлинг,
Баҳорнинг бағрида беадоғ бўлинг –
Ахир, қарғганим сизмас, азизим,
Икки куз дунёга сиғмас, азизим...¹⁷⁴

¹⁷³ Ўша ерда. – Б.299.

¹⁷⁴ Ўша ерда.

Шоир “сарғайманг – гулли боғ бўлинг” деганида ҳаётда фақат хурсандчиликлар билан яшанг, турмушингиз, ҳар бир кунингиз гулли боғ каби очилиб турсин, деган маънони илгари суради. Чунки сариқ ранг айрилиқ, ажралиш, йўқотишнинг рамзий тимсоли. Шоир “Ям-яшил кўкаринг, мудом соғ бўлинг”, дея яшил ранг – тириклик, ҳаётийлик, яшаш учун курашга ишора қилади.

Усмон Азим шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий-мажозий тимсолларнинг ўзига хос ифодасини кузатиш мумкин.. Қора ранг – гўзаллик, оқ ранг – айбсизлик, самимийлик, сариқ ранг – эскириш, унутиш, айрилиқ, кўк ранг – азадорлик, яшил ранг – тириклик, ҳаётийлик, яшаш учун курашга ишора маъноларини ифодаб келган.

Иккинчи боб юзасидан хулосалар:

1. Хуршид Даврон замон муаммоларини бетакрор рамзий-мажозий тимсоллар орқали ифодалар экан, шоир тийнатида *қушлар, булутлар, маъюс дарахтлар қуёш, боғлар, дарахт барглари, далалар, қиш, қиров, куз* каби тимсоллар рамзийлик касб этади. Бундай рамзий-мажозий тимсоллар воситасида шоирнинг туйғулари ўзгача лавҳа, ўзгача манзара яратади.

2. Шавкат Раҳмон замон билан ҳамнафас ижодкор. Жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий томонларига чуқур нигоҳ билан назар ташлайдиган, ҳаёт заминида пайдо бўладиган иллатларни, муаммоларни тўғри англаб етадиган, лоқайдликдан нафратланадиган, туйғулари самимий ва яшовчан шоир. Шоир яратган мажозий тимсолларда жамиятда ўз инсонийлигини йўқотган, одамларга вабо ёғдираётган, ҳайвон қиёфасидаги кимсалар ва гуруҳлар акс эттирилади.

3. Усмон Азим шеърларида исёнкорликнинг рамзий ва мажозий кўринишлари ифодаланади. Бу қаҳрамон ҳақиқат ва эзгулик йўлида ўзини қурбон қилишга, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга, адолатсизлик ва ҳар қандай разилликларга қарши курашишга тайёр исёнкор характернинг мажозий кўринишидир.

4. Хуршид Даврон шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий-мажозий тимсолларнинг турли хил кўринишлари мавжуд. Оқ ранг – поклик, беғуборлик, яшил ранг – янгиланиш, жонланиш, мовий ранг – мусаффолик, чексизлик, қора ранг – зулмат, сариқ ранг – тушкунлик, унутиш маъноларини ифодалаб келади.

5. Шавкат Раҳмон шеъриятида анъанавий рамзий рангларнинг ўзгача маънолари кашф қилинади. Оқ ранг – самимийлик, беғуборлик, яшил ранг – янгиланиш, уйғониш, сафсар ранг – беғуборлик ва мангулик, қора ранг – меҳрибонлик ва гўзаллик, сариқ ранг – гўзаллик маъноларида келган.

6. Усмон Азим шеъриятида ҳам ранг билан боғлиқ рамзий-мажозий тимсолларнинг ўзига хос ифодаси мавжуд. Қора ранг – гўзаллик, оқ ранг – айбсизлик, самимийлик, сариқ ранг – эскириш, унутиш, айрилиқ, кўк ранг – азадорлик маъноларини ифодалаб келган.

7. Тилга олинган ўзбек шоирлари ижодида ранг билан боғлиқ тимсоллар фақат ранг ва шоирнинг уларга муносабатини ифодалабгина қолмайди, балки улар ранглар воситасида янги тимсоллар яратади, ранг тимсол яратишнинг янги, ўзига хос воситаси сифатида шеърга кириб келади.

Учинчи боб. УСЛУБНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА АСОС БЎЛГАН ПОЭТИК ВОСИТАЛАР

3.1. Бадий кўчим ифодасида услубий ўзига хосликнинг ўрни

Шеъриятда табиат ва инсон образининг ўзаро муносабати турфа кўринишларда ифодаланади. Шеър табиат билан инсон ўртасидаги боғлиқлик, уйғунликни исботловчи, эстетик жиҳатларини тараннум этувчи, лирик қаҳрамон руҳий кечинмаларини умумлаштирувчи воситадир. Шеъриятни табиат образисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Табиатдаги турли хил воқеа-ҳодисалар, гўзал манзаралар, географик объектлардан ҳар қандай ижодкор ўз асарларида маълум мақсадларда фойдаланиб, табиат образини яратади. Бунда ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш каби бадий тасвир воситаларини қўллайди.

Шоир Хуршид Даврон ижодида табиатдаги мавжуд ҳодиса ва рангларнинг ўрин алмашиб туриши, табиатдаги ўсимлик, предмет ёки нарсаларни поэтик образ даражасига тасвирлашини кузатамиз. Шоирнинг “Ёнаётган гулханлар” номли шеърида ҳам метафорик тимсолнинг гўзал намунасини кўрамиз. Шеърда тонгда туманнинг қоплашини *туманларни қучоқлаган тонг, дарахтларда ловуллаётган гулхан, баҳорнинг хазонлар билан бирга учиб юриши* кабиларда ўзига хос сифатлаш, жонлантириш каби бадий санъатлардан ўринли фойдаланади:

Шитирлаган тунги ёмғир ҳам,
Туманларни қучоқлаган тонг,
Қоп-қорайган дала-ю қир ҳам
Бари менга таниш, қадрдон.

Дарахтларда ловуллар гулхан,
Юрагимда унинг тафти бор.
Боғчадаги хазонлар билан
Учиб юрар кечаги баҳор¹⁷⁵.

Хуршид Давроннинг “Қиз ва шамол ҳақида эртак” номли шеърида ҳам ойдин кечани сочларининг ҳиди уйғотиши, шамолнинг изма-из келиши, шамолнинг ва тунги майсаларнинг унга ёлвориши каби образли ўхшатишлар ўзига хос мажозий маъно касб этади:

Дарддай узун-узун кўчани
Оёқларинг бесас ўпади.
Ухлаб қолган ойдин кечани
Уйғотади сочларинг ҳиди.
Узоқлардан сенга изма-из
Шамол секин сирғалиб келар,
Ёлворади у сенга унсиз,
Ёлворади тунги майсалар¹⁷⁶.

Инсон руҳияти табиат билан қанчалар яқин. Шоир тасавури ўзи ифодалаган сўзлардан ҳам бойроқдир. Ана шу тасаввур китобхон кўз ўнгида гавдаланади. Шоирнинг ҳиссиёт олами китобхонникига айланар экан, у ифодалаган поэтик тимсоллар мухлис қалбида ҳукмронлик қила бошлайди:

Сен келган кун
Юрагимда бир гул унади.
Сочи ёзиқ савр ҳилоли
Гул баргида келиб тунайди¹⁷⁷.

¹⁷⁵ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.8.

¹⁷⁶ Юқоридаги манба. – Б.9

Шоир баҳорнинг ташрифи, унинг келиши қанчалар муҳим ва қувончли эканлигини ифодалайди. Мана шу ташриф туфайли гўёки юракда гул униб чиқади. Ана шу гул баргига эса “савр ҳилоли”, яъни янги савр ойи келиб қўнади. Унинг келиши билан байрам бошланади. У қадам ранжида этиши боис шамол ҳам ширин ҳидлар таратади. Капалак эса гул устида қанот ёзади. Шоир бу ўринда *ҳилол, қушча, шамол, капалак* каби поэтик тимсолларни қўллаш орқали инсон билан табиат ўртасидаги муносабатнинг мустаҳкамлигини ифодалай олган.

Шоирнинг “Ёз эртаги”, “Куз сурати”, “Куз ташбеҳлари” каби шеърларида ижодкорнинг фаслларга бўлган эътибори кўринади. Шоирнинг “Куз сурати”да *ёмғир, қамиш, хазон, чинор* каби поэтик тимсоллар мавжуд. Шоир кўз ўнгида ҳам сокин чорбоғларда ёмғирларнинг шитирлаши ва ғамнинг инсонлардек лирик қаҳрамон билан шивирлаши намоён бўлади. Кузнинг сурати шоирнинг ўйлари билан жуда яқин. Чунки унинг турмушига куз билан бирга ғам кириб келди:

Яна сокин чорбоғлар аро
Ёмғир ёғар шитир-шитирлаб
Яна менинг қулоғимга ғам
Ниманидир сўйлар шивирлаб¹⁷⁸.

Бирдан кузнинг тиниқ сувлари каби лирик қаҳрамон ўйлари тиниқ тортади. Қаҳрамон руҳиятидаги бу ўзгариш қамишнинг шовуллаши ва хазонларнинг ловуллашига ўхшайди. Дилдаги куйларга жўшқинлик бағишлайди:

¹⁷⁷ Юқоридаги манба. – Б.77 .

¹⁷⁸ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.168.

Яна тиниқ тортди ўйларим
Худди қамиш *шовиллашидек*,
Яна дилда жўшди куйларим
Хазонларнинг *ловиллашидек*¹⁷⁹.

Шеърнинг охирги мисрасида куз суратини янада теранроқ ифодалаб берувчи “қари чинор” поэтик образи ифодаланган. Бу поэтик образ орқали умри поёнига етиб бораётган, зўрға титраб нафас олаётган қарияни ёки умри тугаб бораётган кузни тушуниш мумкин. Китобхон кўз ўнгида ҳар иккала поэтик тимсол ҳам гавдаланади:

Қора тортган дала сўнгида
Зўрға босиб буқур титроғин
Қари чинор дуолар ўқиб
Кўмаётир сўнгги япроғин.¹⁸⁰

Шоирнинг “Эриб кетар хира туманлар” номли шеърида баҳорнинг кириб келиши жуда гўзал тасвир кўринишида ифодаланган. Туман тарқагандан кейин осмоннинг бепоёнлиги сезилади. Эрта баҳорда ерни ёриб чиқиб ялпизлар кўрина бошлайди. Уйғонаётган ер юзида ўт-ўланлар жонли ва гўзал кўринади:

Эриб кетар хира туманлар
Капалакдек уйғонар ялпиз.
Осмон дарё бўлиб туюлар
Ўтлар узра чопқиллайди кўз¹⁸¹.

¹⁷⁹ Ўша ерда.

¹⁸⁰ Ўша ерда.

¹⁸¹ Юқоридаги манба. – Б.21.

Шеърнинг иккинчи бандида қайрағоч гули митти жомга ўхшатилади ва унинг жаранглашидан хушбўй ҳидлар таралади. Мисра охирида адирнинг майсаларни худди онадек қучоқлаб ётиши каби тасвирлар ўқувчида ҳайрат ва ишонч уйғотади:

Қайрағочнинг гули – митти жом –
Жаранглайди, таралар атир.
Ва тушларга кирар бу оқшом
Майсаларни қучоқлаб адир¹⁸².

Хуршид Даврон шеърларида табиат ҳодисалари худди инсонлардек ҳаракатланади, қайғуга чўмади, тўйиб-тўйиб йиғлайди ва шоирнинг сеҳрли қаламида гўё табиатнинг жонли образларига айланади.

Шавкат Раҳмон шеърларида эса табиат тасвирини ўқир экансиз, худди мусаввир чизиб тасвирлаган манзарани кўз билан кўриб тургандек бўласиз. Ёз фаслининг кириб келиши ҳақидаги шеърида *Нурларини йиғиб олар кун, осмон ерга ташлар соясин, Юлдузларин ёқиб қўяр тун, кесиб қўяр ойнинг поясин...* каби гўзал тасвирлар ва муболағали ўхшатишларда шоир услубининг такрорланмас қирралари кўзга ташланади. Ёзнинг ташрифидан ерларнинг қизиши, ҳатто бу ҳолатнинг тунларни ҳам илтиб юбориши, ёзнинг эса худди қайноқ сувдек оқиб келишини *Бирдан қайноқ ёз оқиб кирар жимиб қолган боғлар оралаб* каби гўзал тасвирларда ифодалайди.

Шавкат Раҳмоннинг табиат билан боғлиқ шеърларини завқ-шавқ билан ўқиётган китобхон шеър ичида шоир ҳам яшаётганлигини англай бошлайди. Инсонларни айрим ўринларда нимагадир ўхшатади. Кимнидир машина ёки

¹⁸² Ўша ерда.

роботга, кимнидир атиргул ёки райҳонга, яна кимнидир эса чинорга қиёслайди. Шоир эса ўзини дарахтга ўхшатади: *Ўсаётган кучли дарахтман, шохларимда пишар сўзларим...* Аслида дарахт – тириклик, ҳаётийлик рамзи. Илдизлари мустаҳкам, танаси бақувват дарахт кўкка интилаверади. Бу рамзий образда ҳаёт учун кураш, фуқаролик масъуллиги кўзга ташланади. Шохларда сўзларнинг пишиб етилиши шоирнинг жамиятга, инсонларга, келажакка бепарпо эмаслигидан далолат беради. Демак, келажак учун масъул сўзлар мевалар каби пишмоқда.

Шоир табиат ҳодисаларини поэтик образларда акс эттириш орқали табиатдаги ҳар бир гўзалликни предметлаштиришга, жонлантиришга ҳаракат қилади:

Ёз тунни. Боғ шира уйқуда.
Кекса чинор суради хаёл,
Кириб келар боққа адашиб,
телвакезик, яланғоч шамол¹⁸³.

Шеърда ёз фаслининг тунларидан бири қаламга олинади. Боғнинг “шира уйқуда”лиги, “кекса чинор”нинг “хаёл” суриши, бирдан адашиб кириб келган “телвакезик”, “яланғоч” шамол каби поэтик тимсолларнинг жонлилик касб этиши, гўзал ташбеҳлар шоир услубининг ўзига хослигини белгилайди. Кутилмаган шамолнинг кириб келиши боғдаги сокинликни бузади. Майсаларнинг қоматлари эгилади, кўз ёшлари тўкилади. Хаёл суриб бораётган бир олма дарахти эса қўрқувдан меваларини сувга тўкиб юборади:

Довдирайди ухлаётган боғ,
бошланади оғир оҳ-воҳлар.

¹⁸³ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 50.

қоматларин эгишиб, саннаб,
кўз ёшларин тўкар гиёҳлар.
Хаёл суриб, кузга бораётган
бир ёшгина олма қўрқувдан
қоқилару шарбатга тўлган
меваларин тўкворар сувга¹⁸⁴.

Ушбу шеърдаги тасвир объекти мисолида шоир табиат ҳодисаларини, ўсимликларни инсонийлаштиришга ҳаракат қилганлиги яққол кўзга ташланади. Шавкат Раҳмон табиат ҳодисаларини, ўсимликлар оламини, макон ва замонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни инсоний муносабатлар уйғунлигида акс эттирар экан, китобхонни табиатни севишга, унга ҳурмат билан муносабатда бўлишга чақиради.

“Ташбеҳ – (арабчада “ташбеҳ” – ўхшатиш) – мумтоз адабиётдаги шеърий санъат, икки нарса ва тушунча, ҳаракат ёки ҳолат ва шу кабиларни бир-бирига ўхшатиш, қиёслаш”.¹⁸⁵ Ташбеҳ (ўхшатиш) шеъриятда кўп учрайдиган маънавий санъат турларидан биридир. Ўхшатишда икки ёки ундан ортиқ нарса ёки ҳодиса ва хусусият ўртасидаги ўхшашликни қиёслаш назарда тутилади. Шавкат Раҳмоннинг “Тор кўчаларда” шеърида ўхшатишнинг гўзал намунасини учратамиз.

Ҳамал – боғ нафаси
тонглари – пушти
қуёш қаҳрабо май тўла косадир.
Гуллаган ўриклар
жон ўргатувчи –
оқ ҳижоб ёпинган шўх раққосалар

¹⁸⁴ Юқоридаги манба.. – Б. 50.

¹⁸⁵ Қуронов Д. ва бошқалар. – Тошкент: Академнашр – 2010. – Б.319.

Садлари оқ, мовий рангга бўялган
ҳовлилар устидан тошган булутлар¹⁸⁶.

Шеърда ҳамал, яъни баҳор фаслининг гўзал манзараларини кузатасиз. Ҳамални боғ нафасига, тонгларни пушти рангга қиёсланиши, қуёшни май тўла косага, ўрикларни оқ хижоб ёпинган шўх раққосаларга, булутларни оқ, мовий рангга бўялганлиги каби тасвирларда шоир ўхшатиш санъатидан моҳирона фойдаланади.

Бадий адабиётда, сифатлаш (эпитет) поэтик кўчим тури сифатида изоҳланади. Сифатлаш предмет, воқеа-ҳодиса ва кишилардаги белги-хусусиятларни изоҳлаш, аниқлаш усулидир. “Сифатлаш ёлғиз ўзи келмасдан, маълум сўз бирикмаси таркибида ўз моҳияти, ўз белгиларини унга кўчирган ҳолда келади. Бундай бирикма метафорик сифатлаш дейилади.”¹⁸⁷ Шоирнинг “Дастхат” шеърининг биринчи мисрасида сифатлашнинг ажойиб намунаси кузатилади:

Гўзаллик, покликдан уялиб,
Қисилиб, қимтиниб турасан,
Қоп-қора деворга суяниб
Ёп-ёруғ хаёллар сурасан¹⁸⁸.

Бу мисрада *қоп-қора девор*, *ёп-ёруғ хаёллар* лексик бирикмалари метафорик сифатлаш бўлиб келмоқда. Шеърнинг кейинги мисрасида шоир жонлантиришнинг бир тури бўлган апострофадан фойдаланади. Бу кўчим тури жонсиз нарсалар-предмет ёки ҳодисага жонлидек мурожаат қилиш ва

¹⁸⁶ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.149.

¹⁸⁷ Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Т.. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б.205.

¹⁸⁸ Шавкат Раҳмон. Сайланма. - Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.17.

ўзи йўқ бўлган шахсга худди бордек мурожаатда бўлиш билан изоҳланади:

Илоҳам, тонг каби юзингга
ҳирсланиб, ҳезланиб боқарлар,
кўзларин қоқарлар кўзингга,
қалбингни азоблаб ёқарлар.
Йиқилма, ўзингни ўйлагин,
отсинлар жаҳолат тошини.
лабингни қаттиқроқ тишлагин,
кўрсатма кўзларинг ёшини¹⁸⁹.

Шеърда *кўзларин қоқарлар кўзингга, қалбингни азоблаб ёқарлар, йиқилма, ўзингни ўйлагин, лабингни қаттиқроқ тишлагин, кўрсатма кўзларинг ёшини* кабиларда худди шахсга мурожаат қилингандек муносабат мавжуд. Бу ерда дастхат апострофа вазифасини бажармоқда. Шоирнинг “Ибтидоий, ўткир қоялар...” шеърининг биринчи мисрасида ҳам ўхшатиш ва сифатлашнинг ўзига хос намуналари ифодаланади:

Ибтидоий, ўткир қоялар...
Бу тоғларнинг осмони мовий.
Бунда гуллар фариштасимон,
Бунда ҳатто тошлар самовий¹⁹⁰.

Шеърдаги *ибтидоий, ўткир қоялар, осмони мовий* сўз бирикмалари сифатлаш, *фариштасимон, самовий* сўзлари эса ўхшатиш бўлиб келмоқда.

¹⁸⁹ Шавкат Раҳмон. Сайланма.- Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.17.

¹⁹⁰ Юқоридаги манба. – Б.59.

“Жонлантириш – бадий тасвир воситаларидан бири бўлиб, у одамларга хос бўлган хислатларни жонсиз предметлар, табиат ҳодисалари, ҳайвонот, парранда ва даррандаларга кўчиришга асосланган.”¹⁹¹ Шавкат Раҳмоннинг “Тонг очар кўзларин эриниб” деб бошланувчи шеърида табиат поэтик тимсолининг гўзал тасвири жонлантириш поэтик кўчими орқали берилади:

Тонг очар кўзларин эриниб,
Севинчдан йиғлайди қиёқлар,
Чечаклар жилмаяр севиниб,
Шамолда чўмилар гиёҳлар.
Ўйноқи шуълалар – болалар
Жимгина тарқалар сайҳонга.
Ўргимчак тўқийди толалар,
Хонқизи боради меҳмонга¹⁹².

Шавкат Раҳмоннинг бу шеърида тонгнинг худди инсонлардек кўз очиши, қиёқларнинг йиғлаши, чечакларнинг севиниши, гиёҳларнинг чўмилиши, хонқизининг меҳмонга бориши жонлантириш бўлиб келмоқла.

Ижодкор яратган асарларида доимо оригиналликка ва ўзига хосликка интилиб яшайди. Шоирнинг поэтик кўчимлар ва бадий санъатларни қўллашдаги маҳорати унинг ўзига хос услуб қирраларини ифодалайди. Шоир поэтик оламига кириб борилган сари у яратган ўзига хос поэтик тимсоллар, тасвирдаги маҳорат китобхон қалбини забт этиб бораверади.

¹⁹¹ Салаев Ф., Қурбониезов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.72.

¹⁹² Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.55.

Ш.Раҳмон шеърларида тасвирланаётган объект мисолида шоирнинг замонга, маконга, жамиятга, инсонларга бўлган ўзига хос муносабати ифодаланади. Баҳорнинг келинчакдек ясанган, турфа гулларга бурканган ҳолати, ёзнинг иссиқ ҳарорати, кузнинг тўкин-сочинлиги, қишнинг қаҳрли кунлари ҳар қандай ижодкорни ҳайрат ва ҳаяжонга солгани, ижод манбаи бўлгани сир эмас. Унинг илҳомини келтирган ҳам, руҳини юксакларга кўтара олган ҳам она табиатдир. Проф. Ҳотам Умуров таъкидлаганидек: “Илҳом туйғуларнинг шоир қалбидан тошиши, шоир хаёлида туғилган шеърий ниятнинг етилиши ва вужудни ларзага солишидир”¹⁹³. Шоир қалбида ана шундай ниятни туғдира олган, ижодкор учун илҳом манбаи бўлган, энг яқин дўст ва сирдош табиат ва унинг ҳодисалари эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Усмон Азим шеъриятида табиат поэтик тимсоли ўзига хос ўрин эгаллайди. Шоирнинг “Ёмғир ёғиб ўтади” деб бошланувчи шеърида табиатнинг жонли тимсоли кўз ўнгимизда яққол гавдаланади:

Ёмғир ёғиб ўтади
Тунни оралаб сим-сим.
Шамолларда сесканиб,
Тўкилиб титранар боғ,
Гўё боғнинг ичинда –
Беланчаги – изғирин,
Йўргаги – барги хазон –
Алаҳсираб чақалоқ¹⁹⁴.

Шеърда ёмғир, тун, шамол, боғ, изғирин, барги хазон каби метафорик тимсоллар ифодаси мавжуд. Шоир тунда

¹⁹³ Умуров Ҳ. Бадий ижод асослари. – Б.16.

¹⁹⁴ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995. – Б.39.

ёмғирнинг ёғиб ўтиши, шамоллар туфайли боғнинг худди инсонлардек титраниши, баргларнинг тўкилишини тасвирлашда ўхшатиш ва жонлантириш каби тасвирий воситалардан ўринли фойдаланади. “Беланчаги – изғирин, йўргаги – барги хазон” бўлган “чақалоқ, яъни кузнинг мажозий тимсолини ишонарли чизиб беради. Шоир кузнинг аҳволини баён этишда ўз хаёлот оламига саёҳат қилади. “Чақалоқ – кузни” онаси томонидан ташлаб кетилган болага ўхшатади:

Деразадан тушган нур
Ёнар ўрик шохида.
Шох – бемор, совуқ қотган
Гўдакнинг беш панжаси.
Уни нодон онаси
Ташлаб менинг боғимга,
Ўзи баҳор ортидан
Сарсон кетган чамаси¹⁹⁵.

Куз фасли баъзи инсонлар кўнглини маъюслаштиради. Ўсимликлар баргларини тўка бошлаши, оёқ остидаги барги хазонларнинг шитир-шитир овозлари кабилар ижодкор руҳини чўктириши, тушкин кайфиятларга солиб қўйиши ва ана тушкинликни ёзиш учун қалам олишга ундаши аниқ. Шоир шеър сўнгида ёмғир ва шамоллар исканжасида қолиб кетган кузга, онасиз қолган болага бўлган ачиниш ва меҳр ҳисси билан қарай бошлайди:

Онасиз қолган болам,
Чорасиз қолган болам –
Тунги боғлар ичинда

¹⁹⁵ Ўша ерда.

Қолиб кетдинг, жоним куз.
Ҳасратлари мўл болам,
Ёмғирларда ҳўл болам –
Бағримга босай десам,
Қучоғим етмас, афсус...¹⁹⁶

Инсон табиатнинг бир бўлаги эканлиги илм-фан томонидан ҳам исботланган. Чунки Қуёшнинг заррин нурларисиз, ернинг саховатисиз инсон яшаши қийин. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатларда ҳам инсон кўнгли табиатга интилаверади, унинг қучоғига ошиқаверади. Усмон Азимнинг “Майсалар, товоним сизни соғинар” деб бошланувчи шеърида ҳам шоирнинг табиатга бўлган самимий муносабати ифодаланади. Кўнгил соғинчи фақат яқинларга бўлган соғинч эмас, балки туғилиб ўсган она юртга, унинг ҳар бир қарич бўлаги, ундаги барча нарсаларга бўлган интилишидир:

Майсалар, товоним сизни соғинар,
Тоғлар виқорингиз қалбимда мангу.
Қайдадир кўзичоқ бўзлар, оҳ урар.
Қирларда адашган соғинчимми у?¹⁹⁷

Соғинч аҳволини ҳис қилган қорлар эриб оқа бошлади, ҳатто тошлар ҳам эриб кетди. Сукутда турган юракнинг амри “лирик мен”ни қизиқтиради ва ундан тўғри йўл кўрсатишини сўрайди:

Қорлар эриб оқди бу ғамли фурсат,
Бу фурсат эриди тоғларнинг тоши.

¹⁹⁶ Ўша ерда.

¹⁹⁷ Юқоридаги манба. – Б.62.

Юрак раҳминг келсин, тўғри йўл кўрсат,
Мен қандай Бойсунга кетай қоришиб?¹⁹⁸

Юқорида ҳам инсоннинг табиат билан уйғунлиги хусусида фикр юритган эдик. Шоир юрагидан Бойсунга қандай қоришиб кета олишини сўрамоқда. Инсоннинг дунёга келиши, табиат инъом этган неъматлар билан ҳаёт кечириши, бу ҳаётдаги умр тугаши билан она тупроқ қаърига сингиб кетиши кабиларда табиат билан инсон ўртасидаги боғлиқликлар мавжудлиги барчага аён ҳақиқат. Шоир Ватан ҳақидаги бир шеърида *Ватан, сенга бу танҳо жоним Улгурдими қоришмоқликка?* – дея сўраган эди. Шоирнинг қалбидаги туғёнлар, она заминга бўлган муҳаббат ҳиссининг улкан соғинчга айланиши унинг руҳан табиат билан қоришиқ ҳолатда яшаётганлигидан дарак беради.

Усмон Азим шеъриятида табиат ва инсон ўртасидаги боғлиқликлар шоир тасаввур оламининг чексиз чизиқларида чизилади. Табиат ҳодисалари тасвирида ҳам инсон ички олами туғёнлари жонли бўёқларда товланади. Шоирнинг “Сайланма” китобидаги биринчи шеърга эътиборни қаратайлик:

Тонг титрайди кеч кузакнинг қучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ,
Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...
Замин – тилсим, осмон – тилсим... шеър – бешафқат!¹⁹⁹

Кеч куз кунларининг бирида тонгнинг отиши, тунги осмонни ёритиб турган юлдузлар ҳақида гап кетади. Шоир

¹⁹⁸ Ўша ерда.

¹⁹⁹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1995. – Б.5.

тасаввурида “гулгун шафақ” юлдузларни ўчириб қўяётгандек. Мана шу чизгилар остида шоир қалбидаги туғёнлар ила ўртоқлашади. Шеърятга ўзини топшириб бўлган *жон* – вужуд, *қалб* – юрак эса унинг пичоғига ҳам илиниб бўлган. У шоирни аяб ўтирмайди. Ўз йўлида шоирни не куйларга солади. Чунки *шеър* – *бешафқат*. Замину осмон сир-синоатга тўла, шоир ҳайрати, ҳаяжонини оширувчи она табиатнинг рангин бўёқлари турфа хил. Инсон ва табиат муносабатлари бирини бирига боғлайди. Бу тўртликда *тонг*, *шафақ*, *шеър* тимсоллари ифодасида жонлантириш санъати қўлланилмоқда.

Усмон Азимнинг “Қишки боғ”, “Ёзги боғ”, “Кузги боғ”, “Кузги боғ II”, “Кузги боғ III” деб номланган шеърый туркумлари мавжуд. Туркумларга кирган шеърларда йилнинг фаслларига қараб шоирнинг турли руҳий ҳолатларини кузатиш ва талқин этиш мумкин. “Қишки боғ” туркумига кирган шеърларидан бирида ўзини тупроқ билан қоришиқ ҳолатда кўради. Шоир ўзини ҳали қиш тугамасданоқ жуда эрта кўкарган гиёҳ тимсолида, табиатнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилади:

Зирқиради илдизим тупроқ
Заррасини аранг кўтардим.
Ҳали қорлар бўлмасдан адоқ,
Сабрим етмай, тангрим, кўкардим.
Турфа кўкат ердан қалқиди,
Теварагим тўлди зиёга.
Мен ҳам битта гиёҳ талқини –
Қариндошман ҳамма гиёҳга²⁰⁰.

²⁰⁰ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – Б.362.

Усмон Азим поэтик олами чексиз. У ўзининг поёнсиз шеърий дунёсини табиат қўйнига қура олган. Ижодкорнинг хаёлот дунёси, реал воқеликка муносабати унинг шеърларида яққол кўринади. Шоир идрок этган поэтик тимсоллар эса китобхонлар қалбига жуда яқин.

3.2. Поэтик синтаксис ва индивидуал услуб қирралари

Шеъриятда чиройли ва таъсирчан сўз танлай билиш шеърнинг ифодалилигини ва ҳаққонийлигини оширади. Шу билан бирга сўзни бошқа сўзлар билан маъно жиҳатидан боғлаш, “лирик мен”нинг руҳий ҳолатларини акс эттириш ижодкордан маҳорат ва меҳнат талаб қилади. Поэтик фигуралар лирик қаҳрамон ва характернинг кайфияти, ҳис-туйғулари ва руҳиятини ифодалашга хизмат қилади.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида поэтик фигураларнинг бир неча турлари кузатилади. Хуршид Даврон шеъриятида эркин шеърда учрайдиган градациянинг икки хил кўриниши учрайди. Шоирнинг “Бий Муҳиб Жангий” деб номланган шеъри байтлари зинапоя тарзида жойлашган. Шеърда градациянинг климакс ва антиклимакс каби кўринишлари учрайди. Лирик қаҳрамон руҳий ҳолати жуда таъсирли ҳолда ифодаланади. Қаламга олинган қўрқув ҳолати сўздан-сўзга, мисрадан-мисрага кучайиб боради. Сўз ва тасвир қаҳрамон ҳолатини яққол ифодалайди:

Қора тунда
Уйғонаман
Узилган
калланинг
ерга
тушган

зарбидан –
Қора тунда
Сапчиб тураман
Болишим ёнида
Ётган
Қонли
каллани
кўриб...
У менга жилмаяр
У менга шивирлар:
- ўлганим йўқ ҳали. Бий Жангий!
Қора тунда²⁰¹.

Шеърда қаҳрамон руҳий ҳолатининг икки хил кўри-
ниши мавжуд. Қаҳрамоннинг кўрқув ва ҳаяжони мисрама-
мисра кучайиб боради. Айниқса, "уйғонаман", "сапчиб тура-
ман", "қонли каллани кўриб" каби мисраларда қаҳрамон-
нинг руҳий ҳолати кескин ва образли тарзда тасвирланган.
Мисралардаги ҳолат ва вазиятни ифодалаб берувчи инто-
нация фикрни янада юксакликка кўтаради. Бу шеърнинг
климакс даражасига кўтарилишидир. Шеърда вазиятнинг
иккинчи тасвири "жилмаяр", "шивирлар", "ўлганим йўқ
ҳали" каби жумлалари орқали ифодаланган. Шеърдаги ва-
зиятдан ташқари, лирик қаҳрамон ва яна "қонли калла"
кўринишидаги лирик шахснинг пайдо бўлиши тасвир
объектида кескин бурилишни юзага келтиради:

Одамлардан бекиниб
Мозорга бораман
Сўнг унинг қабрини

²⁰¹ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.165.

қучиб
йиғлайман –
Қабрини
қучоқлаб
ухлаб
қоламан²⁰².

Қаҳрамоннинг руҳий ҳолати унинг характери очила боради. У энди хотиржам. Айниқса, *қабрини қучиб йиғлайман, қабрини қучоқлаб, ухлаб қоламан* каби мисраларда унинг руҳий ҳолати ёрқинроқ ифодаланади. Бу ўринда тасвир объекти секин-аста сусайиб боради. Бу градациянинг антиклимакс кўринишидир.

Шеъриятда лирик қаҳрамоннинг қувонч, ғазаб, завқшавқини ифодалаш учун риторик сўроқ, риторик хитоб, риторик мурожаат каби поэтик фигуралардан ҳам фойдаланилади. Шеърда лирик қаҳрамоннинг шоирга ёки китобхонга, шоирнинг лирик қаҳрамон ёки ўқувчига саволи риторик сўроқни вужудга келтиради. Хуршид Давроннинг “Хуан Гайтисоло мавзуида” номли шеърида риторик сўроқнинг ажойиб намунаси қўлланилган:

Нега шоир бўлдинг? – дейман мен.
Нега ялпиз тушингга кирди?
Қўшним ўғли менинг тенгдошим
Миршабликка ўқишга кирди...
Нега шоир бўлдинг, дейман, оҳ...
Чўнтак қуруқ, келажак жумбоқ
Миршаб қўшни янги уй солди,
Сотиб олди қишлоқдан чорбоғ²⁰³.

²⁰² Ўша манба. – Б.166.

²⁰³ Юқоридаги манба. – Б.22

Шеърнинг кейинги мисраларида шоир китобхонга му-рожаат қила бошлайди. Шоир ўқувчидан жавоб олишни кўзда тутиб савол бермайди. Лекин унинг *Нега шоир бўл-дин-а, дейман, Мен бир куни ўлишим тайин* каби фикрлари объектга бўлган эътиборни кучайтиради. Ва ҳар қандай ўқувчида тасвир этилган воқеага муносабат уйғотади:

Нега шоир бўлдинг? – дейман
Қоғозларни кўмиб ёшимга
Ўзимни зўр шоир санардим
Шеър ёзолсам қўшним бошига.
Фақат боши жуда қаттиқда,
Икки қўли икки милтиқдай
Мен бир куни ўлишим тайин
Шу милтиқдан отилган ўқдан²⁰⁴.

Поэтик синтаксисда муҳим роль ўйнаган риторик хитоб шеърда шоирнинг жанговар кайфиятини ифодалайди. Хуршид Давроннинг “Т.Қосимбековнинг “Синган қилич” китобига битик” шеърда қуйидаги ҳолатни кузатамиз:

Тундан қўрқма!
Тунни ич!
Ва мағрур боқ саҳарга,
Синган бўлса гар қилич,
Айланар у ханжарга²⁰⁵.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадий такрорнинг хилма-хил кўринишларини учратамиз. Бадий такрорларсиз шеър мусиқийлигини, ритмини, вазнини, қофия санъатини

²⁰⁴ Ўша ерда. – Б.23.

²⁰⁵ Юқоридаги манба. – Б.17.

тасаввур қилиб бўлмайди. Хуршид Даврон шеъриятида шеър ёки мисра бошида айнан такрорланиб келувчи анафора усулига кўплаб намуналар мавжуд:

Ё ўзи овунчга ташна аёллар,
Ё улар кўксида ўлган хаёллар,
Ёки пахта териб жон берган чоллар
Ё ўзи-ўзига ўт қўйган қизлар?²⁰⁶

Ушбу шеърда “ё” сўзи бир неча такрорланиб анафора вазифасини ўтамоқда.

Ҳозирги ўзбек шеъриятида учма-уч улаш каби бадий такрор тури ҳам қўлланади. Бунда мисра, жумла охирида келган сўз ёки сўз бирикмаси кейинги қаторда такрорланиб келиши мумкин. Хуршид Даврон “Кузни ўйла” шеърида бу усулдан фойдаланган:

Кузни ўйла
Қор кетиши билан кузни ўйла
Кузни ўйла²⁰⁷.

Бу ерда *кузни ўйла* сўз бирикмасининг ҳар бир қаторда такрорланиши учала мисрани бир-бирига боғлаб турибди ва учма-уч улашни ҳосил қилмоқда. Ҳозирги ўзбек шеъриятида поэтик фигуралардан бири ҳалқадир. Шоирнинг “Падаркуш” номли шеърида халқанинг гўзал намунасини учратамиз:

Самарқанд шаҳрининг бир чеккасида
Қабр бор – одамлар юз буриб ўтар,

²⁰⁶ Юқоридаги манба. – Б.115.

²⁰⁷ Юқоридаги манба. – Б. 162.

Унда Абдуллатиф ётар, дейдилар,
Дейдилар: “Бу ерда падаркуш ётар”²⁰⁸.

Бу тўртлик шеърнинг боши ва охирида айнан такрорланиб келади. Шеърдаги ушбу такрор шеърнинг асосий ғоясини таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилади.

Лирика адабиётнинг инсон ҳис-туйғуларининг фикрий мазмун билан боғланган кўринишидир. Шоирнинг ёки лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини поэтик фигуралар орқали акс эттириш шаклан ранг-барангликни, муסיқийликни вужудга келтиради. Бу ҳозирги ўзбек шеъриятининг муҳим жиҳатларидандир.

Шеърятнинг вазифаси инсон ва унинг муаммоларини, кундалик турмушдаги воқеа-ҳодисаларни акс эттиришдан иборатдек туюлгани билан унинг тушуниб бўлмас, кўз илғамас манзиллари бисёр. Ана шу манзилларни кўзлаш учун ижодкорнинг рангин дунёсига, индивидуал оламига кириб бориш зарур. Шундагина унинг ўзига хослиги, бадий ижоддаги маҳорати бирма-бир ўзлигини намоён қила бошлайди.

Услуб – шоир “мен”ининг мусаввири. Чунки ижодкор услуби унинг чизгилари, яъни мазмун ва моҳият бирлиги, бадий санъатлар, поэтик фигуралар ва кўчимлар ифодасида янада ўзига хослигини кўрсатади. Поэтик синтаксиснинг энг муҳим қисми ҳисобланган поэтик фигуралар шеърятда муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, поэтик фигураларнинг бир нечта турлари мавжуд. Улар қуйидагилар: кучайтирувчи фигуралар, пасайтирувчи фигуралар, оҳангдош фигуралар, зидлов фигуралар.

Ҳар бир фигура ҳам ўз навбатида бир неча турларга бўлиниб кетади. Бадий такрорлар шеърятда энг кўп

²⁰⁸ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.144.

учрайдиган кучайтирувчи фигураларнинг бир туридир. Бадиий такрорларнинг ҳам бир нечта турлари мавжуд. Анафорани ҳар бир шоир ижодида учратишимиз мумкин. Маълумки, анафора шеър ёки банддаги мисраларнинг бошидаги сўз ёки сўз бирикмасининг бошқа мисраларнинг бошида ҳам айнан такрорланишидир. Хуршид Даврон шеъриятида анафоранинг хилма-хил кўринишларини учратамиз. Шоирнинг “Қоратоғ дафтари” туркумига кирган шеърларидан бири *Шу тупроқда, қайдадир пинҳон* деб бошланади. Шеър 8 мисрали бўлиб, шеърнинг 7- 8-мисраларидаги такрорга эътиборни қаратайлик:

Ўқий дея қабрида дуо
Сўроқладим, айтмади ҳеч ким.
“У шу ерда!” – деди далалар,
“У шу ерда!” – деди юрагим.
“У шу ерда!” – деди Кўзлави,
“У шу ерда!” – сўйлади Мисхор,
“У шу ерда!” – деди заминга
Етмай ҳали эриб кетган қор²⁰⁹.

Шеърнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, шеърда шоирнинг Қримда ўтказган кунлари ва ижодий таассуротларини кузатамиз. Ҳар қадамда Ошиқ Умарнинг “шивирлашин” эшитгандек бўлаверади. Шоирни унинг қабри қаерда эканлиги қизиқтиради. Унинг жасади Чатиртоғда, балки Қоратоғда, балки Кўзлавида ёки Боғчасаройдамикан, деган саволлар қийнайди. Шеър сўнггида шунинг учун ҳам у дуо ўқиш учун чоғланганида яна табиатдан *у шу ерда!* деган садо қайта-қайта келаверади. Бу

²⁰⁹ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАҚ, 1997. – Б.126.

такрор орқали далалар, замин, шоир юраги – барчаси шоир қабрининг шу ерда эканлигига янада ишончни оширади.

Хуршид Даврон кучайтирувчи фигуралардан бири бўлган учма-уч улашдан ҳам моҳирона фойдаланади. Унинг “Шоирларни отган жаллодлар” шеърида ҳам учма-уч улаш қўлланилган:

... Шоир *исён*.
Исёнлар эса
Подшоҳларни қўрқувга солар,
Шунинг учун улар энг аввал
Шоирларнинг бошини олар.²¹⁰

Бу мисрада *исён*, *исёнлар* сўзлари учма-уч уланиб келмокда. Тарихдан шу нарса маълумки, подшоҳлар шоирларни ёқтиравермаганлар. Дунё яралгандан бери подшоҳлар оддий халққа ўз ҳукмини ўтказиб келган. Ҳукмдорлар ижодкор ўз ақлу заковати билан ана шу саводи йўқ халққа ҳақиқат йўлини кўрсатиб қўйишидан қўрққанлар. Хуршид Даврон шоирни *исёнга* ўхшатади ва бу, яъни *исёнлар* – халқни ўзлигини англаб етиши, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиши эса подшоҳларга ҳеч қачон ёқмаганлигини изоҳлаб кетади.

Ҳалқа ўзбек шеъриятида кўп қўлланиладиган бадий такрорлардандир. Ҳалқада шеърнинг бошида келган мисра, байт ёки банд шеърнинг охирида айнан такрорланади. Хуршид Даврон ижодида ҳам Ҳалқанинг турли хил намуналари кузатилади. Шоирнинг “Болалар ва доҳийлар” шеърида банд такрори келтирилади:

²¹⁰ Ўша манба. – Б.138.

Болаларга ўхшар доҳийлар,
Болалардек ўйнар улар ҳам.
Болаларнинг ўйини – қувонч,
Доҳийларнинг ўйини – ситам²¹¹.

Шеърда доҳийлар болаларга ўхшатилади. Шоир болалар билан доҳийларни бир-биридан фарқли томонларини сифатлашга ҳаракат қилади. Шоир бошқа бандлардаги фикрларини кучайтириш мақсадида бошидаги фикрни шеър сўнгида яна такрорлайди.

Шеърдаги *ўйини – қувонч, ўйини – ситам* каби бирикмалар зидлов фигуралардан ҳисобланган антитеза сифатида қўлланилган. Шоирнинг “Икки кўшиқ” шеърида ҳам антитезанинг гўзал намуналарини учратамиз:

Бу дунёда айри бизлар,
Мен куздирман, сен – баҳор –
Ўртамизда ётар музлар,
Ўртамизда музлар бор.
Бу дунёда айри бизлар,
Сен қувончсан, мен – алам!
Ўртамизда булбул сўзлар,
*Куйи гоҳ бахт, гоҳо ғам*²¹².

Бу ўринда *мен куздирман, сен – баҳор, сен қувончсан, мен – алам, гоҳ бахт, гоҳо ғам* бирикмаларида қарама-қарши фикрлар билдирилиб антитезани ҳосил қиляпти.

Шоир ижодининг бетакрор оламига кириб борар экансиз, услуб қирраларининг бетакрорлиги ўзлигини намоён қилаверади. Шеърийатда шоир ижодини таҳлил қилиш учун

²¹¹ Юқоридаги манба. – Б.166.

²¹² Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.166.

аввало шеърий нутқни ўрганиш ўта муҳимдир. “Шеърий тил – мураккаб, серқирра, ўзига хос нутқ. Шеърий нутқни билмай туриб, шеърни ҳам, шеъриятни ҳам пухта ўрганиб бўлмайди,²¹³ - дея таъкидлайди адабиётшунос олим Тўхта Бобоев. Поэтик кўчимлар, бадий санъатлар, поэтик фигуралар ва махсус бадий тасвир воситаларисиз шеърий нутқ жозибадорлигини англаш қийин.

Шеъриятда поэтик фигуралар лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, ҳис-туйғуларини, кайфиятини ифодалашга хизмат қилади. Баъзан шоир лирик қаҳрамон ҳолатини тасвирлашда бутун-бутун жумлалар, такрорлар, қисқа сўз ва ибораларни ҳам қўллайди. Шоир қаҳрамонлар руҳий ҳолатини ифодалашда нутқ оқимиға, жумлалар тузилишиға, сўзларни танлай билиши ва уларни ўрниға қўйиб ишлатишға катта эътибор беради. Поэтик фигураларнинг ранг-баранг кўринишлари мавжуд. Кучайтирувчи фигураларда лирик қаҳрамон ҳолати унинг нутқида ифодаланган сўзларнинг бўрттирилган, кучайтирилган кўринишдаги ифодасидир. Кучайтирувчи фигураларнинг ҳам бир неча кўринишлари мавжуд. Градация ҳам кучайтиручи фигураларнинг бир тури бўлиб, унда мазмун сўздан сўзға, жумладан жумлага ўтган сари кучайиб боради. Градациянинг ҳам икки хил шакли мавжуд. Яъни климакс, антиклимакс. Иқтидорли шоир Шавкат Раҳмон шеъриятида поэтик фигураларнинг ҳам ўрни беқиёс. Шоирнинг “Умр – қумсоат ҳам яримлаб қолди” деб бошланувчи шеъриға эътиборни қаратайлик:

Умр – қумсоат ҳам
яримлаб қолди,
кўнглим тўлгани йўқ билганларимдан

²¹³ Бобоев. Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – Б.323.

Ёдимни оғритар кечирганларим,
кўпдир қилмаганим қилганларимдан.
Кечалар тобора ойдинлашади,
кўзингда қуёшнинг чечаги сўлмас
яшагим келади
фақат умрни
қумсоат сингари тўнқариб бўлмас²¹⁴.

Шоир ўтган умрини сарҳисоб қилиб кўз ўнгидан ўтказа бошлайди. Барибир ўтган умридан унинг кўнгли тўлмайди. Шоир шу ергача ўз ҳолатини баён қилиб келади ва кейинги мисраларда унинг ҳиссиётлари жунбушга кела бошлайди ва унинг нутқида ўзгариш пайдо бўлади. Мана шу мисраларда градациянинг климакс кўриниши ифодаланади. Шоир маънони кучайтириш мақсадида ўз ҳиссиётларини жиловлаб тура олмайди. Шоир тасаввуридаги ўша ўзгача кун келди. Ҳар бир қаторда ўша “муҳим” кун таъкидланади, ўша кунга эътибор қаратилади:

Кун келди,
оҳларинг учадиган кун,
юрагинг оламга сиғмайдиган кун,
юзингни босганча ернинг юзига,
силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кун²¹⁵.

Шоир шеърнинг кейинги мисраларида яна ўз ҳаётида бўлган хато ва камчиликларини, кимгадир айтган, айтмаганларини сарҳисоб қила бошлайди. Унинг кўнгли ўтмишидан тўлмайди. Бугун эса ана шу куннинг ўзи унга насиб

²¹⁴ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.188.

²¹⁵ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Б. 188.

этиб турибди. Аммо шоир барибир ўзини аждодлар ва келажак авлод олдида айбдор санайди:

Кимни бахтли қилдим,
кимни умидвор,
кимларга кўнглимни ёриб сўйладим.
Қўлимни бердимми мозий қаъридан
чўзилган саноқсиз ожиз қўлларга?!
Қуёш далдасида эгилганларнинг
енгилроқ қилдимми оғирлигини?
Айтдимми кимларнинг асл дўстлигин,
кимларнинг ҳақиқий ёғийлигини?!²¹⁶

Шоир ўзининг фуқаролик бурчини чин юракдан ҳис қилади. У ҳаётда ҳамма қатори яшашнинг ўзидан ҳам айбдорлик топади. Шоирнинг миллат ва Ватан олдидаги масъуллигининг эса чегараси йўқ. Шунинг учун ҳам кимнидир бахтли қилолдимми, кимгадир ёрдам кўлини чўздимми, дўсту душманнинг асл қиёфасини айта олдимми, деган ўнлаб саволлар унинг қалбига озор беради. Шоирнинг назарида эса энди ана шу айтилмаган ва қилинмаган ишларни бажарадиган кун келди ва шоир кейинги қаторларда яна ўша кунни қайта-қайта таъкидлайди. Яъни: *Кун келди, бошингни эгадиган кун, ҳаттоки ўзгалар гуноҳи учун, юзингни босганча ернинг юзига, силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кун*. Шеър сўнггида эса градациянинг антиклимакс шаклини кузатиш мумкин:

Мендан нима қолар,
абадий нурлар
барқ уриб яшнаган дунё томонда?

²¹⁶ Ўша ерда.

Уриниб-уриниб сира тўлмаган
бир кўнгил қолади
қолса ҳам мендан²¹⁷.

Лирик қаҳрамоннинг руҳиятидаги жўшқинлик ўрнини энди вазминлик ва сокинлик эгаллайди. Шоир бу мисраларда барибир ҳаётдан кўнгли тўлмаган поэтик тимсол руҳий ҳолатини ифодалаш билан шеърни якунлайди. Бу шеърнинг антиклимакс ҳолатини ифодалайди.

Шавкат Раҳмон шеъриятида бадий такрорларнинг ҳам ўрни беқиёс. Шоир ички ҳис-туйғуларининг даражаси шеърларида сўз ва жумлалар такрорининг қай йўсинда ифодаланишига ҳам боғлиқ. Шоирнинг “Ғамгин шеър” шеърида *Умр ҳам ўтгандай гўё бир кунда, настарин гулидай очилиб сўлдик* жумласи 1-, 5-, 9-мисраларда такрорланиб келади. Бу шеър мазмун-моҳиятини очиб беришда катта аҳамият касб этади. Ижодкорнинг “Чархипалак” номли шеърида ҳам бир неча сўз ва жумлалар такрорини кўриш мумкин:

Ғижир-ғижир,
Ғижир-ғижир,
айланасан – жонинг ҳалак.
айланасан кун-тун демай,
чархипалак,
чархипалак²¹⁸.

Бу шеърда ҳам *ғижир-ғижир, айланасан, чархипалак* сўзлари қайта-қайта такрорланиб келмоқда. Чархпалакнинг ўз маъноси билан бирга мажозий маъноси ҳам ифода-

²¹⁷ Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.188.

²¹⁸ Юқоридаги манба. – Б.227.

ланиб келмоқда. Шунинг учун ҳам аксарият инсонлар дунёни чархпалакка ўхшатишади. Дунё ҳам чархпалакдек бир маромда айланаётганга ўхшайди.

Шоирнинг “Ҳалиям кеч эмас” деб бошланувчи шеърида ҳам *Ҳалиям кеч эмас, ҳали бор фурсат* жумласи шеър бошида, ўртасида ва сўнгида ҳам такрорланиб келади. Шеъриятда фикрнинг маънодор ва таъсирчанлиги шоирнинг фақат чиройли сўз танлай билишида эмас. Сўзларни синтактик жиҳатдан боғлаш, унинг эмоционаллигини ошириш, ҳар бир қатор, ҳар бир жумла устида мукамалликка эришиш ижодкордан жуда катта маҳорат талаб қилади. Шавкат Раҳмон ижодида эса бу ўзига хослик яққол кўзга ташланади ва шоир услубининг ўзига хос қирраларини намоён қилади.

“Шеър дарди – гўзалликни тийраклик билан ҳис этиш, унинг руҳини – моҳиятини уқиб олиш ва шу заминда янги шеърий гўзаллик яратиш қийноқларидир”,²¹⁹ – дея таъкидлайди адабиётшунос олим Ботирхон Акрамов. Дарҳақиқат. Шавкат Раҳмон бутун умри давомида шеър дарди билан яшади. Ҳар бир шеър матнига катта эътибор билан қаради. Шоир шеърларида қўлланган сўзлар билан поэтик ғоя муштараклиги эса ўзига хос, оригинал шеърларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ижодкор яратган асарларида доимо оригиналликка ва ўзига хосликка интилиб яшайди. Шавкат Раҳмон қисқа ва мазмунли ижоди давомида бу қоидага амал қилиб яшади. Шоирнинг поэтик кўчимлар ва бадий санъатларни қўллашдаги маҳорати унинг ўзига хос услуб қирраларини ифодалайди. Шоир поэтик оламига кириб борилган сари у

²¹⁹ Акрамов, Ботирхон. Оламнинг бутунлиги. Лирикада образ муаммоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 91.

яратган ўзига хос поэтик тимсоллар, тасвирдаги маҳорат китобхон қалбини забт этиб бораверади.

Усмон Азим ижодида бадиий санъатлар, поэтик кўчимлар ва поэтик фигураларнинг ўзига хос тарзда қўлланилганлигини кузатиш мумкин.

Жонлантириш ўзига хос кўчим тури бўлиб, истиоранинг бир кўриниши ҳисобланади. Жонлантириш – жонсиз нарса-ҳодисаларнинг жонли тарзда жонлантириб, бўрттириб кўрсатиш усули. Шоир асардаги поэтик тимсолларга худди инсонлардек, ёнма-ён туриб гаплашаётгандек мурожаат қилади. Бундай ҳолат жонлантиришнинг бир тури бўлган апострофа деб номланади. Усмон Азим шеъриятида апострофа кўплаб учрайди. Шоирнинг “Майсалар, товоним сизни соғинар,” деб бошланган шеърини кузатайлик:

Майсалар, товоним сизни соғинар,
Тоғлар, виқорингиз қалбимда мангу,
Қайдадир кўзичоқ бўзлар, оҳ урар,
Қирларда адашган соғинчимми у!?
Қорлар эриб кетди бу ғамли фурсат,
Бу фурсат эриди тоғларнинг қори,
Юрак, раҳминг келсин, тўғри йўл кўрсат,
Мен қандай Бойсунга кетай қоришиб.²²⁰

Юқоридаги шеърнинг биринчи мисрасидаги “майсалар” ва “тоғлар” поэтик тимсолларига шоир худди инсонлардек муносабатда бўлаётгани кўринади. Аслида эса майса ҳам тоғ ҳам шоирнинг мурожаатини тинглай олмайди. Шеърнинг иккинчи мисрасида эса “ғамли фурсат” лексик бирикмаси қўлланилади, яъни фурсат вақт маъносини ифодалайди. Вақтнинг, фурсатнинг ғамли эканлиги, инсонлардек

²²⁰ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 62.

ғамга ботиши ва шоирнинг юракка мурожаат қилиши ҳам ифодаланади.

Шоирнинг “Мен чарчаб сенга суяндим, ҳақиқат” деб номланган шеърида ҳам шоир мавҳум тушунча бўлган “ҳақиқат” поэтик тимсоли билан сўзлашади:

Мен чарчаб сенга суяндим, ҳақиқат,
Соат бонг урмоқда.
Гаплашайлик, кел.
Қўрқма,
Ўтиб кетди бир кунлик даҳшат.
Бугун иккинчи апрел,
Ҳақиқат,
Иккинчи апрел...²²¹

Маълумки, биринчи апрел ёлғон, ҳазил куни. Бир кунлик ёлғон ва алдовлар миқдори шоир қалбини даҳшатга солади. Бундан шоир чарчайди ва ҳақиқатга суянади. Уни суҳбатлашишга чорлайди. Ёлғон кунини ўтиб кетганидан севинади. Шоирнинг ҳақиқатга мурожаати худди жонли кишиларга қилингандек туюлади ва *гаплашайлик, кел, сенга суяндим, ҳақиқат* каби лексик бирикмалари апострофани ифодалайди.

Усмон Азим шеъриятида муболағанинг ҳам ажойиб намуналарини кузатиш мумкин. Маълумки, муболаға тасвир объектидаги нарс-предмкт ёки шахс ҳолатини бўртириб тасвирлаш усули. Шоирнинг “Дашт ҳақида баллада” шеърида муболағанинг ўзига хос бир кўриниши ифодаланади.

²²¹ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.121.

Тоғлар кичирайди. Пасайди осмон,
Яшаб бўлмайди-ку, ахир энгашиб...
Жўнадим баландроқ осмонлар томон –
Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашиди²²².

Шеърдаги тоғларнинг кичрайиши, осмоннинг пасайиши, лирик қаҳрамоннинг баландроқ осмонлар томон жўнаши, даштнинг инсонлардек эргашиши кабиларда шоир муболағадан фойдаланади.

Усмон Азимнинг “Мен йўқман. Ёлғонлар мени йўқотди” деб номланган шеърини кузатайлик:

Мен йўқман. Ёлғонлар мени йўқотди.
Чин гаплар севгимга қилмади карам.
Нега чорраҳада тош каби қотдинг –
Энди сайр қилгин изғирин билан²²³.

Шеърдаги *мен йўқман, ёлғонлар мени йўқотди, тош каби қотдинг* каби бирикмаларда муболағадан фойдаланилган. Чунки йўқ бўлиб кетган инсон, ўзини йўқлигини ва ёлғонлар ўзини йўқотганини айта олмайди. Индамай туришни ҳам тош каби қотишга ўхшатмоқда.

Усмон Азим бадий санъатлар ва поэтик фигуралардан ҳам ўринли фойдаланган. Шоирнинг “Нима ҳам берардим мен сенга, дунё” деб бошланувчи шеърида ташбеҳ ва сифатлашнинг ўзига хос намуналари қўлланилади:

Нима ҳам берардим мен сенга, дунё,
Сенинг бозорларинг –
Бойвучча келин.

²²² Юқоридаги манба – Б.54

²²³ Юқоридаги манба. – Б.111.

Дунё бозорларин одамлари-ҳо,
Олинг, юрагимни сотгани келдим!²²⁴

Парчада бозорлар бойвучча келинга ўхшатишмоқда. Бозорлар ўхшаётган нарсаси, бойвучча келин эса ўхшатилаётган объект бўлиб келмоқда. *Бойвучча келин* сўз бирикмаси бир вақтнинг ўзида сифатлаш вазифасини ҳам бажармоқда. *Олинг, юрагимни сотгани келдим!* деганда риторик мурожаат бўлиб келмоқда. Шеърнинг кейинги мисраларида *Сиз – қимматбаҳосиз, Мен – арзон, арзон*²²⁵ деганда ҳам қимматбаҳо, арзон бирикмалари сифатлаш бўлиб келмоқда ва шунинг билан бирга *сиз – уни қимматбаҳога, мен, яъни ўзини арзонга ўхшатыпти.*

Усмон Азим ижодида поэтик фигураларнинг ҳам ўзига хос ифодасини кузатиш мумкин. Ижодкорнинг *Дедилар: яшамоқ – умрлик кураш...* шеърида поэтик фигуранинг бир тури ҳисобланган учма-уч улашдан фойдаланилган:

Дедилар: яшамоқ – умрлик кураш...
Курашдим – шон учун, ризқу рўз учун,
Курашдим севги деб – кўксимда оташ,
Курашдим – қуш каби эркин сўз учун.²²⁶

Шеърда *кураш, курашдим* сўзлари учма-уч уланиб келмоқда. Шоир ижодида бадий такрорларнинг ҳам гўзал намуналари бор. Унинг *Севги ҳақида умидбахш баллада* номли шеърида *Менга нима керак заминда? Ахир, Менга нима керак ташвишли олам, мени судраб борар, мусиқа – ғовур. мени қучоғига олар ресторан.*

²²⁴ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б.139.

²²⁵ Ўша ерда.

²²⁶ Юқоридаги манба. – Б.143.

Шеърда *менга нима керак* ва *мени сўзлари* такрорланиб келмоқда. Мана шу шеърнинг 11-мисрасида бадий такрор кузатилади:

Менинг атрофимда бўлса оппоқ қор.
Менинг атрофимда туйғулар, ўйлар,
Сокин шивирлайди: “Нима гапинг бор?” –
Қадамим товшидан уйғонган уйлар²²⁷.

Усмон Азим ижодида бадий санъатлар, поэтик кўчимлар ва поэтик фигуралар ўзига хос тарзда қўлланилган. Шоирнинг ёки лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини поэтик фигуралар орқали акс эттириш шаклан ранг-барангликни, муסיқийликни вужудга келтиради. Бу ҳозирги ўзбек шеъриятининг муҳим жиҳатларидандир.

Учинчи боб юзасидан хулосалар:

1. Хуршид Даврон табиатдаги турли хил воқеа-ҳодисалар, гўзал манзаралар, географик объектлардан фойдаланган ҳолда ўзига хос, жонли табиат образини яратади. Бунда ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш каби бадий тасвир воситаларини қўллайди.

2. Шавкат Раҳмон табиат ҳодисаларини, ўсимликлар оламини, макон ва замонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни инсоний муносабатлар уйғунлигида акс эттирар экан, китобхонни табиатни севишга, унга ҳурмат билан муносабатда бўлишга чақиради. Шоир табиат ҳодисаларини поэтик образларда акс эттириш орқали табиатдаги ҳар бир гўзалликни предметлаштиришга, жонлантиришга ҳаракат қилади.

²²⁷ Усмон Азим. Сайланма. – Тошкент: Шарқ НМАК, 1997. – Б.114.

3. Усмон Азим шеъриятида табиат поэтик тимсоли ўзига хос ўрин эгаллайди. Ижодкорнинг хаёлот дунёси, реал воқеликка муносабати табиат мавзуси билан боғлиқ шеърларида яққол кўринади.

4. Услуб – шоир “мен”ининг реаллашуви. Чунки ижодкор услуби унинг чизгилари, яъни мазмун ва моҳият бирлиги, бадий санъатлар, поэтик фигуралар ва кўчимлар ифодасида янада ўзига хослигини кўрсатади. Поэтик синтаксисдаги бу уйғунлик Хуршид Даврон ижодида муҳим ўрин эгаллайди.

5. Шеъриятда фикрнинг маънодор ва таъсирчанлиги шоирнинг фақат чиройли сўз танлай билишида эмас. Сўзларни синтактик жиҳатдан боғлаш, унинг эмоционалликни ошириш, ҳар бир қатор, ҳар бир жумла устида мукамалликка эришиш ижодкордан жуда катта маҳорат талаб қилади. Шавкат Раҳмон ижодида эса бу ўзига хослик унинг сўз танлай билишида кўзга ташланади ва шоир услубининг ўзига хос қирраларини намоён қилади

6. Усмон Азим ижодида бадий санъатлар, поэтик кўчимлар ва поэтик фигуралар ўзига хос тарзда қўлланилган. Шоирнинг ёки лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини поэтик фигуралар орқали акс эттириш шаклан ранг-барангликни, мусиқийликни вужудга келтиради. Бу ҳозирги ўзбек шеъриятининг муҳим жиҳатларидандир.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Шеърятнинг вазифаси инсон ва унинг муаммолари, кундалик турмушдаги воқеа-ҳодисаларни акс эттиришдан иборатдек туюлгани билан унинг тушуниб бўлмас, кўз илғамас манзиллари бисёр. Ана шу манзилларни кўзлаш учун ижодкорнинг рангин дунёсига, индивидуал оламига кириб бориш зарур. Шундагина унинг ўзига хослиги, бадий ижоддаги маҳорати бирма-бир ўзлигини намоён қила бошлайди.

Ҳар бир ижодкорнинг ўзига хослигини белгиловчи ғоявий-услубий йўналиши мавжуд. Услуб бу инсондир, деган фикрда ҳақиқат мужассам.. Замонавий ўзбек шеъриятида чуқур из қолдирган Шавкат Раҳмон ва бугунги кунда ҳам фаол ижод билан машғул бўлаётган Хуршид Даврон, Усмон Азимлар шоир сифатида ўз индивидуал услубларига эга бўлган ижодкорлардир. Бу ўзига хослик уларнинг юқорида таҳлилга тортилган шеърларида, бетакрор мисраларида ва ифода тарзида кўринади.

Поэтик услуб муаммоси адабиётшуносликдаги энг долзарб масалалардан бири сифатида кенг маънода ижодкор услуби тушунчасини англатади, шеърятда ижодкорнинг ўз “лирик мен”ини кашф қила олиши, поэтик тимсол яратиши, бадий тасвир воситаларини қўллашдаги ўзига хос маҳорати, мавзу ва ғоя изчиллигини ярата олиши каби хусусиятларда мужассам бўлади.

XX асрнинг сўнгги чорагида адабиёт майдонига кириб келган Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим бир даврда фаолият кўрсатгани, шеърятдаги мавзу ва ғоялар кўламининг муштараклигига қарамай, айнан бадий идрок ва ифода услубининг ўзига хослиги билан ўзбек шеъриятида ўз ўрнига эга бўлди. Бу ўзига хосликлар шоир истеъ-

доди табиати ва уларнинг ранг-баранг поэтик тимсоллари орқали намоён бўлади.

Хуршид Даврон поэтик услубининг ўзига хослиги шоир кашф этган бадий оламда ўтмишдаги хатолардан, инсон деган шарафли номнинг таҳқирланишидан қалби эзилаётган, сотқин, қўрқоқ ва диёнатсиз кимсаларга бўлган нафрат ҳиссини юрагидан чиқара олмаётган, тарихга, ўз миллатининг тақдирига, она юрт истиқболига бефарқ бўлмаган зиёли тимсолида яққол намоён бўлади.

Шавкат Раҳмон услуби фалсафий-ижтимоий руҳдаги шеърларнинг алоҳида ўрин эгаллашида кўринади. Шоирни ижтимоий ҳаётда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар, инсоний муносабатлардаги зиддиятлар, фуқаролик бурчи, шоирлик масъулияти ўйлантиради.

Усмон Азим шеърини услубини дунё ва инсон тақдири ифодасидаги исёнкор руҳ тимсоли, бетакрор тасвирий воқеалар, теран мушоҳада безаб туради. Ижодкорнинг ҳаёт дунёси, реал воқеликка муносабати унинг шеърларида яққол кўринади.

Рамзий-мажозий тимсоллар кўчма маъно англатишда, шеърга таъсирчанлик, юксак эмоционаллик бахш этишда муҳим роль ўйнайди. Хуршид Даврон услубининг ўзига хослиги табиат тимсоли ифодасида ўзгача лавҳа, ўзгача манзара касб этса, Шавкат Раҳмон яратган мажозий тимсолларда жамиятда ўз инсонийлигини йўқотган, одамларга вабо ёғдираётган, ҳайвон қиёфасидаги кимсалар, айрим гуруҳлар акс эттирилади. Усмон Азим шеърларида эса исёнкорликнинг рамзий ва мажозий кўринишлари ифодаланади. Бу қаҳрамон ҳақиқат ва эзгулик йўлида ўзини қурбон қилишга, халқ манфаатларини ҳимоя қилишга, адолатсизлик ва ҳар қандай разилликларга қарши курашишга тайёр исёнкор характернинг мажозий кўринишидир.

Анънавий услубда оқ ранг – поклик, беғуборлик; яшил ранг – янгиланиш, жонланиш; мовий ранг – мусаффолик, чексизлик; қора ранг – қоронғилик, зулмат; сариқ ранг – тушкунлик, унутиш маъноларини ифодалаб келади. Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим шеъриятида анъанавий рамзий рангларнинг ўзгача маънолари кашф қилинади. Шавкат Раҳмон ижодида сафсар ранг – беғуборлик ва мангулик, қора ранг – меҳрибонлик ва гўзаллик, сариқ ранг – гўзаллик маъноларини ифодалаб келса, Усмон Азим шеъриятида ҳам ранг билан боғлиқ рамзий-мажозий тимсолларнинг ўзига хос ифодаси мавжуд бўлиб, қора ранг – гўзаллик, оқ ранг – айбсизлик, самимийлик, сариқ ранг – эскириш, унутиш, айрилиқ, кўк ранг – азадорлик маъноларини ифодалаб келади.

Ижодкор услуби унинг чизгилари, яъни мазмун ва моҳият бирлиги, бадий санъатлар, поэтик фигуралар ва кўчимлар ифодасида кўринади. Поэтик синтаксис ва стилистик фигуралар қўллашдаги бундай уйғунлик Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон ва Усмон Азим ижодида муҳим ўрин эгалласа-да, унга эришиш йўллари ҳар бир шоир ижодида ўзига хос йўсинда кечади.

Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмон ва Усмон Азим ижодида бадий санъатлар, поэтик кўчимлар ва поэтик фигуралар ўзига хос тарзда қўлланилган. Градация, учма-учулаш, ҳалқа, бадий такрор каби воситалар нафақат шаклий унсур, балки шеърий асарларнинг бадий жозибадорлиги ва таъсирлилиги, эстетик вазифа бажаришида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

I. Ижтимоий - сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
2. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
3. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
4. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

II. Монография ва тадқиқотлар:

5. Аъзамов А., Ҳаққулов И. Масъул сўзга масъуллик. Бадиий сўз шукуҳи. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987 – 263 б.
6. Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Тошкент: Фан, 1978. – Т.1. – 416 б; 1979. – Т.2. – 445 б.
7. Акромов Б. Шеърят гавҳари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 168 б.
8. Акромов Б. Оламнинг бутунлиги. (Лирикада образ муаммоси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 200 б.
9. Арасту. Поэтика. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 352 б.
10. Белый А. Символизм как миропонимание. – Москва: Проспект, 1994. – 524 с.
11. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. – 126 б.
12. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Тошкент: Ўзбекситон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – 426 б.

13. Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 428 б.
14. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 344 б.
15. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 560 б.
16. Бургардт О. Новые горизонты в области исследования поэтического стиля. – Киев: Изд-во Самоненко, 1915. – 66с.
17. Булатов С. Б. Ранг психологияси. – Тошкент: Фан, 2003. – 110 б.
18. Воҳидов Э. Шоиру шеъру шуур. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 224 б.
19. Гёте И.В., Шиллер Ф. Переписка в 2-х томах. – Москва: Искусство, 1988. – Т.1. – 540 с.; Т.2. – 587 с.
20. Гегель Ф.А. Эстетика в 4-х томах. – Москва: Мысль, 1986. – Т.1. – 330 с.; Т.2. – 326 с.; Т.3. – 623 с.; Т.4. – 667 с.
21. Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. – 407 с
22. Жамол Камол. Лирик шеърият. – Тошкент: Фан, 1986. – 144 б.
23. Исоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б.
24. Каримов Н. Ҳ.Олимжоннинг поэтик маҳорати. - Тошкент: Фан, 1964. -158 б.
25. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2007. – 536 б.
26. Кожинов В.В. Как пишут стихи. О законах поэтического творчества. – Москва: Просвещение, 2001. – 320 с.
27. Литературный энциклопедический словарь. – Москва: Сов. энцикл., 1987. – 752 с.

28. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Л.: Наука, 1972. –272 с.
29. Лорка Ф.Г. Об искусстве. – Москва: Искусство, 1971 – 311 с..
30. Лосев А.Ф. Проблема символа в реалистическом искусстве. – Москва: Искусство, 1976. –367с.
31. Мамажонов С. Услуг жоллари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 219 б.
32. Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар.– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.– 240 б.
33. Мухтор А. Шеър – шоир виждони.– Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – 444 б.
34. Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. –224 б.
35. Пospelов Г.Н. Вопросы методологии и поэтики. – Москва: Изд-во МГУ, 1983. –336 с.
36. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – Москва: Высшая школа, 1990.–299 с.
37. Парандовский Я. Алхимия слова. – Москва: Прогресс, 1972. –336 с.
38. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2007. –336 б.
39. Расулов А. Адабий танқиднинг таҳлил йўллари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети, 2003, – 46 б
40. Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002. – 102 б.
41. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. – Тошкент: Фан, 1979. – 192 б.
42. Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2003. –72 б.
43. Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 272 б.

44. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – 127 б.

45. Солижонов Й. Сўз сеҳргари. – Тошкент: Ниҳол, 2007. – 56 б.

46. Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – 228 б.

47. Солижонов Й. Кўзгудаги ҳаёт. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2013. – 148 б.

48. Солижонов Й. Лирика латофати, насрнинг назокати. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018. – 108 б.

49. Салаев Ф., Қурбонниёзов Г. Адабиётшунослик атама-ларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 331 б.

50. Сувонова Ж. Усмон Азим шеъриятидаги бадий тафаккур. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашр., 2012. – 96 б.

51. Тимофеев Л. Слово в стихе. – Москва: Сов. писатель, 1982. – 341 с.

52. Умуров Х. Бадий ижод асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 120 б.

53. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 112 б.

54. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – Москва: Сов. писатель, 1975. – 408 с.

55. Храпченко М.Б. Горизонты художественного образа. – Москва: Художественная литература, 1986. – 441 с.

56. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 2006. – 397 с.

57. Холдоров Д. Ижод моҳияти – услуб хосияти. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2017. – 160 б.
58. Шарафиддинов. О. Замон. Қалб. Поэзия. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. – 232 б.
59. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 640 б.
60. Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 224 б.
61. Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – 224 б.
62. Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Ҳаёт, 2004. – 209 б.
63. Қуронон Д., Раҳмонон Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 275 б.
64. Қуронон Д., Мамажонон З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.
65. Қуронон Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 336 б.
66. Қурбонон. А. “Ҳамса” сарлавҳалари бадиияти. – Тошкент: Meriyus, 2016. – 188 б.
67. Ғафурон И. Лириканинг юраги. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – 224 б.
68. Ғафурон И. Ҳаё – халоскор. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 384 б.
69. Ғаниев. И., Афоқова Н., Ғаниева А. Шавкат Раҳмон олами. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 144 б.
70. Ҳамдамов У. Бадиий тафаккур тадрижи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 100 б.
71. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – 195 б.
72. Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 400 б.

73. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент: Фан, 1983. – 206 б.

74. Ўтанова С. Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – 143 б.

75. Эйхенбаум Б. О прозе, о поэзии. – Москва: Художественная литература, 1986. – 453 с.

II. Илмий-адабий тўплам, журнал ва вақтли матбуот материаллари

76. Афоқова Н., Акрамова С. Хуршид Даврон шеърлятида ижодкор шахсининг ижтимоий позицияси муаммоси. <http://kh-davron.uz>

77. Абдуллаева О. Сўзларда ранг симфонияси // Тил ва адабиёт таълими. – 2010. – 8 - сон.

78. Белая Г. Слово в языке и слово в стиле // Литературное обозрение. – 1980. - № 2. – С. 39-42.

79. Болтабоев Ҳ. «Шеър асли дил саволига дилнинг жавобидир» // Ма'rifat. – 2006. – 23 дек.

80. Жабборов А. Шавкат Раҳмон ва Хуршид Даврон шеърлятидаги бир хил образларнинг маъно талқини. <http://kh-davron.uz>

81. Йўлдошев Қ. Лирик туйғулар куйчиси // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2010. – №8.

82. Каримов О. Лирик образ хусусиятлари // Филология масалалари. – Наманган, 2007. – Б.138 -141.

83. Кабулжонова Г. Метафора таснифига доир // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2017. – №1/4.

84. Муллахўжаева Р. 70-80 йиллар шеърлятига бир назар // Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. Профессор Ҳ. Ҳомидий таваллудининг 80-йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. – Тошкент, 2015. –Б. 215-219.

85. Метафора в языке и тексте. Сборник. – Москва: Наука, 1988. – 174 с.

86. Саримсоқов Б. Лирикада бадий тафсил // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – 5-сон. – Б.10-16.

87. Солижонов Й. Янгиланаётган лирик “мен” // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – 2-сон. – Б.28-32.

88. Холиқова Д. Усмон Азим ижодида халқона мотивлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – 6-сон. – Б.71-74.

89. Шарафиддинова М. XX аср адабиётида абсурд ҳаёт руҳи // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 1999. – 1-сон. – Б.194-199.

90. Шеърӣй шакллар ва услубий йўналишлар // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Тошкент, 1983. – 206 б.

91. Эргашев Қ. Ижодий онг ва услуб // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018. – 1-сон. – Б. 35-43.

III. Диссертация ва авторефератлар

92. Абдурахмонов А. Ўзбек шеъриятида нур, ранг ва руҳият тасвири поэтикаси. Филол.фанлари фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 54 б.

93. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 1996. – 368 б.

94. Дуйсенбаев О.И. Ўткир Ҳошимов ижодида она образи: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 24 б.

95. Джуманиязова Н. Истиқлол даври ўзбек лирикасида услубий изданишлар: Филол.фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2011. – 28 б.

96. Жуматова Н. С. Ҳозирги ўзбек шеъриятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 126 б.

97. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – 43 б.

98. Каримов О. Абдулла Орипов шеъриятида метафорик образлар тизими: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 128 б.

99. Куранов С. Замонавий ўзбек адабиётида синтез муаммоси: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – 49 б.

100. Мирзаева Н. XX аср шеъриятида метафорик образ муаммоси: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 133 б.

101. Панаева Ў. Ҳозирги ўзбек шеъриятида тарихийлик концепцияси (Омон Матжон ижоди мисолида): Филол. фанлари номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б.

102. Ражабов Д. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати (70-80- йиллар ўзбек шеърияти мисолида): Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 133 б.

103. Раджабова Ф. Истиқлол даври ўзбек қиссачилигида услуб ва поэтик тил: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. – Тошкент, 2018. – 144 б.

104. Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 1993. – 138 б.

105. Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2007. – 307 б.

106. Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий изланишлар (Усмон Азим ижоди мисолида): Филол. фанлари номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 22 б.

107. Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 46 б.

108. Тўланова Н. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий санъатларнинг лисоний-услубий таҳлили (Ш. Раҳмон, А. Ўктам, И. Мирзо шеърияти тили мисолида): Филол. Фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 140 б.

109. Эрназарова Г.У. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 30 с.

110. Эшонова З.Қ. Ўзбек халқ достонларида тоғ образи: генезиси ва бадиий талқинлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.

111. Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик янгиланиш жараёни: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 154 б.

112. Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” муаммоси: Филол. фанлари номзоди .. дисс. – Тошкент, 1997. – 142 б.

113. Ҳамидова М. Ҳалима Худойбердиева лирикасининг бадиий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 136 б.

114. Қурбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлиқ: Филол. фанлари номзоди. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 134 б.

115. Холдоров Д.Э. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси. (Ш. Бўтаев ва Н. Эшонқул қиссалари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

IV. Бадий асарлар, шеърый тўпламлар.

116. Азим Усмон. Уйғониш азоби. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 320 б.

117. Азим Усмон. Узун тун. – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 32 б.

118. Азим Усмон. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1995. – 432 б.

119. Азим Усмон. Бахшиёна. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 80 б.

120. Азим Усмон. Сураат парчалари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 104 б.

121. Азим Усмон. Иккинчи апрель. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 93 б.

122. Даврон Хуршид. Қадрдон қуёш. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 56 б.

123. Даврон Хуршид. Болаликнинг овози.–Тошкент: Адабиёт ва санъат, – 1986. – 208 б.

124. Даврон Хуршид. Тўмариснинг кўзлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1984. – 112 б.

125. Даврон Хуршид. Қақнус. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 203 б.

126. Даврон Хуршид. Учиб бораман қушлар билан. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 88 б.

127. Даврон Хуршид. Қирқ ошиқ дафтари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – 160 б.

128. Даврон Хуршид. Баҳордан бир кун олдин. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 224 б.

129. Лорка Ф.Г. Энг қайғули шодлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёт, 1989. – 355 б.

130. Раҳмон Шавкат. Гуллаётган тош. – Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 64 б.

131. Раҳмон Шавкат. Уйғоқ тоғлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 192 б.

132. Раҳмон Шавкат. Ҳулво. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 64 б.

133. Раҳмон Шавкат. Юрак қирралари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 108 б.

134. Раҳмон Шавкат. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 1997. 384 б.

135. Раҳмон Шавкат. Абадият оралаб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2012. – 384 б.

136. Худойбердиева Ҳ. Буюк қушлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 728 б.

137. Чўлпон. Асарлар. IV жилдлик, 1- жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – 384 б.

138. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 288 б.

Интернет маълумотлари

<http://kh-davron.uz>

http://ru.wikipedia.org/wiki/Хуршид_Даврон

<https://kitobxon.com/ru/kitob/saylanma-3>

http://people.ziyounet.uz/ru/person/view/shavkat_raxmon

https://uz.wikipedia.org/wiki/Shavkat_Rahmon

https://kitobxon.com/ru/yozuvchi/azim_usmon

<https://ziyouz.uz/ozbek-nasri/usmon-azim>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Биринчи боб. ШЕЪРИЯТДА ПОЭТИК УСЛУБ ВА ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК	
1.1. Тимсолларда поэтик услуб ифодаси.....	6
1.2. Давр ва шахс руҳиятининг услубда акс этиши.....	33
1.3. Индивидуал поэтик услубда исёнкор руҳ ифодаси.	52
Иккинчи боб. ШЕЪРИЯТДА ПОЭТИК УСЛУБНИНГ ИФОДА ШАКЛЛАРИ	
2.1. Шеъриятда рамзий-мажозий тимсоллар ва уларнинг шоир ўзига хослигини белгилашдаги ўрни...	69
2.2. Ранг билан боғлиқ поэтик тимсолларнинг услубдаги ифодаси.....	88
Учинчи боб. УСЛУБНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА АСОС БЎЛГАН ПОЭТИК ВОСИТАЛАР	
3.1. Бадий кўчим ифодасида услубий ўзига хосликнинг ўрни.....	110
3.2. Поэтик синтаксис ва индивидуал услуб қирралари.....	125
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	145
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	148

Илмий нашр

ДИЛФУЗА ТОЖИБОЕВА

**XX АСРНИНГ СЎНГГИ ЧОРАГИ ЎЗБЕК
ШЕЪРИЯТИДА
ПОЭТИК УСЛУБ МАСАЛАСИ
Монография**

Нашриёт муҳаррири: Илҳом Юлдошов
Мусахҳиҳа: Назокат Саъдуллаева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: (998 71) 241-60-33 E-mail: mumtoz_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси AI № 103. 15.07.2008
Босишга рухсат этилди 12.12.2019
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 9,0.
Шартли босма табоғи 9,40. Адади 500.
Баҳоси келишилган нархда

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20



Дилфуза Тожибоева 1966 йилнинг 20 апрелида Наманган вилоятининг Норин туманида туғилган. Тошкент давлат университети (Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) нинг филология факультетини тамомлаган (1989).

"XX асрнинг сўнгги чораги ўзбек шеъриятида поэтик услуб муаммолари" мавзусида ёзилган диссертациясини ҳимоя қилган ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган (2018).

Дилфуза Тожибоеванинг 80 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари Ўзбекистон, Россия, Украина, Туркия, Америка Қўшма Штатларининг илмий нашрларида чоп этилган.

Тожибоева Дилфуза Эркиновнанинг "Хотира салтанати" (2002), "Тириклик ҳақиқати" (2009) номли шеърий тўпламлари нашр этилган. "Гулшан диёр куйчилари", "Гулшан диёр таронаси" номли шеърий тўпламларда ҳам турли мавзудаги туркум шеърлари эълон қилинган.

1989 йилдан ҳозирга қадар Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият олиб бормоқда.

